

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, масаллар, ҳикматлар

Тошкент
Рафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1982

Таржимон:
Шорасул Зуннун

Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи:
Саидбек Ҳасанов

Нашрга тайёрловчи:
Наим Норкулов

Такризчи:
Насриддин Муҳаммадиев

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Шарқ халқларининг бадиий ижоди хилма-хил, ажойиб афсонавий ва тарихий дostonларга, масал ва ривоятларга бой бўлиб, тематик жиҳатдан бир-бирларига чамбарчас боғланган. Булар ўз мухтасарлиги, қизиқарлиги, равонлиги, оҳангдорлиги ҳамда дидактик аҳамияти, ғоявий мазмуни билан халқ фикру зикрига яқин бўлган асарлардир. Буларда феодализм тузумидаги ҳақсизлик ва адо-латсизликнинг оқибатлари фош этилади, дўстлик, биродарлик, мардлик, ватанга ва халққа бўлган самимий садоқат мотивлари улуғланади, ота-она билан фарзанднинг ўзаро меҳр-муҳаббати, кадр-қиммати, инсоннинг энг яхши олижаноб фазилатлари тараннум қилинади.

Маълумки, Шарқ халқлари бадиий ижодида муштарак ҳисобланган бу ёзма обидалар, айни вақтда қардош халқлар адабиёти намояндаларининг асарларида ҳам мазмунан бир-бирларига яқин тарзда талқин этилган. Шу билан бирга уларнинг ижод маҳсуллари фақат араб, форс-тожик тили вакилларигагина тарбиявий, ахлоқий ва эстетик завқ бағишлабгина қолмай, балки туркий халқлар орасида ҳам ўзининг катта таъсирини ўтказиб келган. Айниқса, форс-тожик адабиётининг йирик вакиллари Рудакий, Фирдавсий, Саъдий ва Жомий каби сиймоларнинг дидактик руҳдаги асарлари туркийгўй мутафаккир шоир ва ёзувчиларнинг бизга қолдирган бой қўлёзма меросларида ўз аксини ижодий такомил даражасида топган. Бу эса ўз навбатида Шарқ халқларининг, айниқса, Ўрта Осиё халқлари маданиятининг бир-бирлари билан яқиндан узвий ҳамкорликда бўлганлигидан далолат беради. Араб, форс-тожик ва туркий тилларга таржима қилинган асарлар борасида ҳам шуни таъкидлаш керак. Бунга, жумладан, қадимги ҳинд эпоси «Панча тантра» («Беш китоб») равшан мисол бўла олади. VI асрда сосоний подшоларидан Ануширвоннинг буйруғи билан Ҳаким Бурзое «Панча тантра»ни санскрит (қадимги ҳинд) тилидан лахлавий (қадимги форс) тилига таржима қилади. VIII асрда Ибн Муқаффа Бурзое таржимасидан «Панча тантра»ни араб тилига таржима қилади. Бу асар Ўрта Осиё ва бошқа

жойларда ҳам шуҳрат топиб, бош қахрамонларининг номи билан «Калила ва Димна» деб юритила бошлайди. Унинг образ ва мотивлари асосида янги-янги асарлар вужудга келади (масалан, Рудакий яратган «Калила ва Димна» достони), айрим масал ва ҳикоялар фольклор ва ёзма адабиётда ишланади. «Калила ва Димна» ўзбек халқи орасида ҳам кенг тарқалган, бир неча бор ўзбекчага таржима қилинган, ўзбек фольклори ва ёзма адабиётида маълум из қолдирган¹.

Кекса шарқшунос ва матншунос олим Шорасул Зуннун томонидан шарқ кўлёмаларини узоқ йиллар тавсифлаш, ўтмишдаги мутафаккир олимлар ва адабиёт намояндаларининг асарларини саралаш натижасида халқ ривоятлари, ибратомуз ҳикоялар, масаллар ва ҳикматли сўзларнинг энг яхши намуналари ушбу китобда тақдим этилади. Китобхонлар бу хилдаги бадиий ижод асарларининг бир қисми билан «Тошкент оқшоми» газетасининг махсус «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» рубрикаси билан босилиб чиққан сонлари орқали танишиб катта мамнуният билан қарши олган эдилар.

Мазкур нашрга Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган кўлёмалар ҳамда турли даврларда нашр этилган литографик асарлар асос қилиб олинган. Булар орасида Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Шайх Саъдийнинг «Бўстон», «Гулистон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон ут-тайр», Мавлоно Воиз Кошифийнинг «Анвори Сухайлий», Фахриддин Али Сафийнинг «Латойиф ут-тавоийф», Зайниддин Муҳаммад Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоийъ», Абул Ало ал-Маорий, Абу Мансур ас-Саолибий каби олимларнинг асарларидан намуналар бор. Фузулий, Машраб, Ҳувайдо девонларидан, «Калила ва Димна»нинг Тошкентда «Ғуломия» матбааси орқали нашр этилган ўзбек тилидаги нусхаси, 1908 йилда Оренбург матбаасида босилган араб олими Ҳаддоднинг «Севмак ва уйланмак» номли асарининг А. Баттол томонидан татар тилига қилинган таржимаси, 1909 йилда Бокудаги «Каспий» босмахонасида чоп этилган Аҳмад Камолни «Тарбиявий ҳикоялар тўплами» асарининг озарбайжон тилидаги нусхаларидан ҳам намуналар келтирилган.

Бинобарин, китобга кирган ҳикоя, масал ва ҳикматли сўзларнинг ҳар бири ўз манбаига эга бўлганлиги ҳамда мазкур асарлар кўламининг кенглиги нашрнинг илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ушбу нашрнинг масаллар бобидан ўрин олган ғайрат ва мардлик ҳақидаги ҳикоянинг манбаи Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» асаридаги саккизинчи равзадан олинганлигини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Ёки Хорун ар-Рашид халифалиги даврида яшаган ва ҳозиржавоблиги билан шуҳрат қозонган қаландар Баҳлул тўғрисидаги қуйидаги мутойибанинг манбаи ҳам Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» асаридир².

Баҳлулга дедилар:

— Басра девоналарини санаб бер.

— Улар сон-саноксиз,— деди у,— агар ақллиларини сўрасангиз, санаб берай, улар бир нечтагина холос.

Ақлли деб билган ҳар бир кишида,
Девоналикдан ҳам бордир бир асар,
Дунё ташвишидан шу девоналик,
Соясида фақат омонлик топар.

¹ Қаранг: Н. М. Маллаев. Навоий ижодиётининг халичил негизи. «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 1980, 107-бет.

² Қаранг: Абдурахмон Жомий. «Баҳористон». III. Шомухамедов таржимаси. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 1979, 49, 88-бетлар.

Тўпловчи ва таржимон Ш. Зуннун юқорида номи зикр этилган сиймоларнинг асарларидан мазмунли ҳамда дидактик аҳамиятга эга бўлган, бадииятга бой жонли ҳикоя ва масалларни танлаб олган. Уларда халқ ижодидаги реалистик аллегорияларни эслатувчи мажозий маънодаги ҳикоялар ҳам анчагина ўринни эгаллайди. Ҳайвонлар тилидан сўз юритилган ҳикоялар эса «Қалила ва Димна» асаридаги ҳайвонлар оламини эслатади. Бу ҳикоялар ўзининг жонли образлари орқали мистик оламни эмас, балки реал борлиқни, сермазмун ғояларни илгари суради. Тўпладан дидактик ҳикоялар, маталлар ва доноларнинг ҳикматли сўзлари билан бир қаторда илғор карашлар ва умумбашарият орзуларини тараннум этувчи шеърӣ афоризмлар ҳам жой олган. Ҳаётдаги социал масалалар, ахлоқӣ-дидактик мазмун шеърӣ афоризмларда бадиӣ равон ва гўзал шаклда ифодаланади.

Китобнинг асосий бобини турли таълимий-тарбиявий руҳдаги дидактик ҳикоялар ташкил этади. Шунинг учун ҳам улар аҳамият ва ўқувчиларга таъсир кучи нуқтаи назаридан биринчи планга қўйилган. Уларда номус ва поклик, инсон ва адолат, мурувватлилик ва ҳақгўйлик каби ижобӣ фазилатларга зулм ва қабихлик, товламачилик ва порахўрлик, муттаҳамлик ва риёкорлик каби салбий бидъатлар қарама-қарши қилиб қўйилади. Ҳикояларнинг марказидаги салбий образлар ҳажвий моментлар орқали шундай фош қилинадики, китобхон ижобӣ ва салбий шахслар ўртасидаги фарқни мулоҳаза қилади, инсонпарварлик, адолат ва меҳрибонлик каби инсонӣ фазилатларнинг камол топишига ишонч туйғуси билан қарайди. Ҳикоя заминидаги панду насиҳатлар асосида эса ўз дунёқараши ва руҳӣ табиатидаги камчиликларни тузатиш учун ўзига маълум ижобӣ хулосалар чиқариб олади. Муҳими шундаки бу ўғит ва насиҳатлар ўтмишдаги буюк кишилар, улуғ мутафаккирлар ва донишмандларнинг тарихӣ ҳикоя ва ҳикматли сўзлари орқали ўқувчи онгига етказилади.

Ҳикояларни диққат билан ўрганар эканмиз, уларда классик адабиётимиз традицияларига амал қилинган ҳолда мазмун билан шакл доимо ҳамоҳанг бўлиб келганлигининг шоҳиди бўламиз. Бу ҳолни биз ҳикояларда келтирилган мисолларда ҳам, халқ мақол ва масалларининг ўз ўрнида ишлатилишида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

«Эр кишининг иши» номли ҳикояда бир вилоятнинг бошлиғи олим ва фозил бир кишини тухмат орқасидан қамокқа олиб жуда кўп азоблар беради. Маълум вақт ўтгач, замоннинг зайли билан ҳалиги олим вилоят бошлиғи бўлиб қолади. Одамлар олим киши энди золим бошлиқдан интиқом олса керак деб ўйлайдилар. Лекин янги бошлиқ эски бошлиқни ўз ҳузурига келтириб, унга кўп илтифотлар ва сарполар кийгизади. Ҳазиначини чақириб олиб, ҳар кун юз марта урган калтагининг ҳар бирига бир тангадан юз танга беришга ва буни ҳар куни давом эттиришни буюради. Орадан бир қанча вақт ўтгач, эски бошлиқ бу ҳимматга чидай олмай, виждон азобида қийналиб қатл этишларини галаб қилади. Лекин янги бошлиқ унга яхшилик қилишда давом этади.

Ҳикоянинг бошланишидаги «Яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир, ёмонликка яхшилик эр кишининг ишидир» деган халқ мақоли ҳикоянинг моҳиятини очиб беради, ўқувчининг диққатини панддаги асосий масалага жалб қилишга, ўзи учун ибратли хулоса чиқаришга ундайди.

Шуниси муҳимки ушбу тўпламга кирган ҳикояларнинг мазмунидан келиб чиқадиган хулосалар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар ахлоқ нормаларига зид бўлган ҳасислик, молпарастлик, очкўзлик каби жамиятимизда учраб турадиган жирканч иллатларнинг олдини олиб, уларни фош этишда ҳам катта тарбиявий мактаб вазифасини ўтайди.

Рудакий, Фирдавсий, Ибн Сино, Низомий, Жалолиддин Румий, Фаридуддин Аттор, Насриддин Тусий, Саъдий, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Жомий, Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб, Ҳувайдо ва бошқа машҳур шоир ва олимларнинг юзлаб асарларига мурожаат этилиб, уларнинг панднасиҳат, таълим-тарбия ва ахлоқодоб мавзуида айтган қимматли фикрларидан лавҳалар келтириш орқали инсонни маънавий ва руҳӣ гўзалликка ундовчи ҳаёт тажрибалари

заминида бунёд бўлган ҳикмат мактаби билан таништиради.

Китобда юнон ва шарқ мутафаккир олим, доишманд ва ҳакимлардан Арасту, Афлотун, Сукрот, Лукмон, Пифагор, Жолинус, Абул Аъло ал-Маарий, Мутанаббий ва Ҳаддодлар ҳақидаги ҳикоят ва ривоятларда уларнинг сиёсий-ижтимоий, ахлоқий масалаларга билдирган муносабатлари мисоллар орқали ёрқин ифода этилган. Китобхон бу лавҳалар ва донишмандларнинг бисоти орқали илм ва маърифат, билим ва заковат, илғор маърифий-илмий қарашлар, ақл, идрок, бахт, одоб, поклик, ифбат, сабр-матонат ва сиҳат-саломатлик ҳақида қимматли ажойиб фикрлар билан танишади.

Заковат за фаросат инсон учун энг қимматли нарсадир. Бу хислатга эга бўлган инсон ҳар ишда муваффақият ҳосил этади. Олим Аҳмад Жавод бисотидан китобда келтирилган қуйидаги байт ана шу хислатларга эришмоққа ундайди:

Бўлса, ҳар кимга агар ақлу закодин асар,
Қайси бир ишга киришса, топмагай асло зарар.

Лукмони ҳакимга нисбат берилган ривоятларнинг айримлари Алишер Навоий асарларида ҳам келтирилади. Улар орасида қуйидаги яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги ривоят диққатни ўзига тортади:

«Лукмони ҳакимнинг тўрт минг ҳикматли сўзини қайд этганлар. Уларнинг тўрт сўзини сайлаб олганлар. Бу тўрт сўздан иккитасини доим ёдда тутиш, қолган иккитасини унутиш керакдир. Доим ёдда тутиш керак бўлган иккита сўздан биттаси ўзининг қилган ёмонлиги, иккинчидан бошқанинг қилган яхшилигидир. Унутилиши керак бўлган икки сўздан биттаси ўзининг қилган яхшилиги, иккинчиси бошқанинг қилган ёмонлигидир».

Лукмон ким бўлган, афсонавий донишмандми ёки тарихий шахсми? Қадимги юнон манбаларида ва Европа адабиётшунослигида бу ривоятлар нега Эзопага нисбат берилган деган табиий саволлар туғилади. Навоийшунос олим А. Абдуғафуров бу масалада ривоятлар аслида юнонлик Эзоп шахсиятига алоқадор бўлганлиги ва араб манбалари орқали Лукмони ҳаким номи билан бизга етиб келганлигини айтади. Лукмон нақлларининг кўпчилиги аслида Эзопага тааллуқли бўлганлигини, уларнинг ҳар иккаласида қандайдир яқинлик ва умумийлик мавжудлигини рус шарқшуносларидан К. Чайкин ва И. Ю. Крачковскийлар ҳам ўз илмий ишларида таъкидлаганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки ушбу нашрда Ш. Зуннун манбаълардан ривоят, мақол ва ҳикматларнинг бир қисмини айнан ўзини ҳеч ўзгаришсиз келтирса, бир қисмини ижодий ишлаб ҳозирги ўқувчи учун тушунарли тилда баён қилади.

Улуғ араб шоири ва мутафаккири Абул Аъло ал-Маарийнинг китобга кирган ахлоққа доир қарашлари катта эътибор касб этади. Унинг фикрига кўра, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам киши табиатида мавжуддир, уларни худо билан боғлаш учун ҳеч қандай зарурат йўқ. «Кишиларнинг табиати ўз эҳтиёжларининг қондирилишини талаб этади, бу ишда кишилар туғма ҳисларига қараб амал қиладилар. Модомики ёмонликнинг асоси кишиларнинг табиатида мавжуд экан, биз бу ишда кишиларни айблай олмаймиз»³. «Яхшилик учун яхшилик қилиш фазилатдир» — Абул Аъло ал-Маарийнинг шиори ана шундан иборат.

Ушбу китобдан ўрин олган Маарийнинг қуйидаги лавҳасидан ҳавойи нафсга, нафсоният ва эҳтиросга берилиб кетишнинг хатарли экинлигини, бу ҳислар кишиликнинг душманига айланиб кетишини кўриш мумкин:

— Ўзингга хайрликни, бахт-саодатни истасанг, ичкиликни тарк қил, чунки ичкилик Од ва Яман қабилаларидек қувватли ва маданиятли халқларни хароб қилди.

³ С. Ш и р о я н. Улуғ араб шоири ва мутафаккири Абул Аъло ал-Маарий. Тошкент, 1956, 41-бет.

Ўрта Осиёлик йирик олим ва шоир Абу Мансур ас-Саолибийнинг баракали ижодига назар солсак фаннинг турли соҳаларига доир ёзилган асарлари қаторида «Китоб ул-лутф ва латойиф» (Донолик ва донолик билан айтилган сўзлар китоби) алоҳида аҳамият касб этади. Бу китоб машҳур кишиларнинг ҳикматли сўзларини ўз ичига олган бебаҳо манбадир.

Хусусан Абу Мансур ас-Саолибий айтади:

— Ҳар бир киши ўзига қараб таъриф қилинса, қилган ишига қараб тавсифланади, макталади. Фазилат насл-насаб билан эмас, ақл, адаб биландир. Ваъдасига вафо қилган, берган сўзининг устидан чиққан кишининг қадр-қиймати ортади. Сукут донолик ва зийракликдан, ростгўйлик ва тўғриликдан дарак беради. Бошқаларнинг фикрларини сўрамасдан, улар билан маслаҳатлашмасдан ўз раъйи билан иш қилган киши оқибатда хорланади...

Яхши таълим ва тарбия кишининг барча хатти-ҳаракатларида, кундалик ҳаётида сезилиб туради. Унинг фазилати, улуғворлиги, қадр-қиймати, донолиги ва зийраклигини ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатларида ёрқин намоён бўлади.

Буни ўзбек адабиётининг йирик вакиллари Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ушбу китобда келтирилган ижод дурдоналари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу икки улуғ ижодкорнинг фалсафий-дидактик характердаги асарларининг ўзаро ҳамоханглиги, мазмун билан шаклнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги ажойиб ҳикматли сўзлар мисолида келтирилади. Бу ҳикматлар китобхонни чуқур фикр юритишга ундайди, уни тарбиялаш билан бир қаторда, зеҳнини чархлашга хизмат қилади:

Бу гулшан ичраки йўқтур бако гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чикса яхшилик била от,

Алишер Навоийнинг халқ орасида кенг тарқалган ушбу ҳикматли сўзи тагида чуқур мазмун яшириниб ётади⁴.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ушбу нашрдан ўрин олган қуйидаги ҳикматли сўзи эса Алишер Навоий афоризмига татаббуъ қилиб ёзилган ажойиб асар намунасидир.

Хулқунгни рост қилғил ҳар соригаки борсанг,
Аҳсанта дер бори эл гар яхши от чиқарсанг⁵.

Бобур Навоийнинг юқоридаги фикрини ривожлантириб бу дунёда, халқ, башарият учун хизмат қилган ҳақиқий инсон номигина эл-юрт ва ватан олдида эъзозланади ва барҳаёт яшайди деган фикрни илгари суради.

Кўриниб турибдики, мазкур ҳар иккала асар мавзунинг яқинлиги, шаклнинг бирлиги ва муаммо ечиш услубидаги ягоналик билан бир-бирларига мос бўлган ўлмас асарлардир.

Ушбу китобга кирган ҳикматли сўзлар, турли дидактик руҳдаги ривоят ва ҳикоялар, донолар бисотидан олинган дурдоналар буларнинг ҳаммаси халқ бойлиги, унинг бебаҳо хазинасидир. Албатта уларнинг ҳар бири ўз манбаига, ўзининг соҳибига эга. Доноларнинг асрлар давомида инсон ва унинг табиатини кузатиш ва ўрганиш натижасида орттирган бой тажрибаларини халққа етказиш ва ёш авлод тарбиясига хизмат қилдириш бизнинг муқаддас вазифамиздир.

Саидбек Ҳасанов,
филология фанлари кандидати

⁴ Бу муаммодаги сўз ўйинларига мувофиқ «саодат» сўзидан «от» сўзини чиқариб ташласак «Саъад» сўзи келиб чиқади. Бу ўринда муаммони исқот (харфларни чиқариб ташлаш) амали қўлланилган. Алишер Навоий бу муаммо орқали ҳаётда барча мавжудот ўлимга маҳкум, лекин халққа ҳақиқий хизмат қилган улуғ инсоннинггина номи барҳаёт қолажак деган мазмундаги ғояни илгари суради.

⁵ Ушбу муаммода сўз ишоралари ва муаммо ечимига кўра «аҳсанта» сўзидан «от» сўзини чиқариб ташласак, «Ҳасан» сўзи келиб чиқади. Бу сўз араб тилида «бахтли инсон» маъносини англатади.

ДОНИШМАНДЛАР БИСОТИДАН ҲИКОЯТЛАР

Машхур донишманд Бузуржмехрдан:

— Инсоф нима?—деб сўрадилар.

— Инсоф — одам ўзига нимани раво кўрса, бошқа кишига ҳам шуни раво кўришидир,— деб жавоб берди Бузуржмехр.

— Энг яхши одам ким?

— Ақлли одам.

— Қандай кишини ақлли одам десак бўлади?

— Ақлли одам ўйламасдан бирор ишга киришмайди.

— Билимни нима нарса безайди? Шижоатничи, сахийликничи?— деб сўрадилар.

— Билимни — тўғрилиқ, шижоатни — афв қилишлиқ ва сахийликни очик юзлилик ва ширинсўзлик безайди.

— Исоннинг ҳаётда энг муҳим орзу-тилагинималардан иборат?

— Сихат-саломатлик, фаровон турмуш ва хотиржамлик.

* * *

Бузуржмехр ҳаким айтади:

— Ўстодимдан: «Йигитликда нима қилиш яхшироқ бўлади, қариликдачи?»—деб сўрадим.

Устодим айтди:

— Йигитликда илм-ҳунар ўрганиш, қариликда эса амалга келтиришдир.

* * *

Букрот ҳакимдан:

— Ҳамма нарсадан кўра юқори ҳисобланган нарса нима? Қайси нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди?—деб сўрадилар. Букрот ҳаким айтди:

— Ҳиммат ҳамма нарсадан юқори туради. Ақл биноти ҳеч вақт вайрон бўлмайди.

Байт:

Ҳимматингни тут баланд эл олдида,

Ҳимматинг-ла мартабанг бўлмай баланд

* * *

Сукрот ҳаким айтади:

— Агар бировни ўзингизга дўст қилиб олмоқчи бўлсангиз, аввал унинг таржимаи ҳолини шундай ўрганинг!—Биринчидан, у киши ёшлиқ вақтида ўз ота-онасига қандай муомалада бўлган? Иккинчидан, қариндош ва ўртоқлари унинг муомаласидан рози бўлганми? Учунчидан у одам ёшлиқ даврини кечиргандан кейин гўзал муомаласи билан ҳамманинг муҳаббатини ўзига жалб этганми ёки бад муомала эгаси бўлиб, ҳаммани ўзидан бездирганми? Тўртинчидан, биров унга яхшилик қилган бўлса, у одамдан миннатдор бўлганми? Унга ҳам яхшилик қилганми? Бешинчидан — кайф-сафо, айш-ишратга берилганми? Фақат ўз манфаатинигина кўзлайдиганми, йўқми?

Байт:

Чин, самимий дўстки топмоқлик қийин,

Гар тополсанг, сурма қил кўзга изни.

* * *

Афлотун ҳаким айтади:

— Агар душманинг бирор иши тўғрисида сендан маслаҳат олмоқчи бўлиб ёнингга келса, унга тўғри ва яхши маслаҳат бер, ёмон маслаҳат бериб ундан ўч олишни асло кўнглингга келтирма. Унинг сендан маслаҳат сўраб келиши сен билан ошно бўлишни истаганидир. Инсон лойиқ бўлган хайрихоҳлик шудир. Байт:

Кимки бўлса хушчирою хушқилиқ,
Доимо кўргай жаҳонда яхшилик.

* * *

Батлимус ҳаким айтади:

— Фаҳм ва идрок — оқил, қобил кишининг саодатидир. Хушбахт одам элнинг иқбол ва саодатидан ибрат олади. Бир одамнинг ножўя ишларидан эл ибрат олса, у одам бадбахт одамдир.

* * *

Сукрот ҳаким айтади:

— Яхши сўз кўнгилни, хушхат кўзни ёритади. Доим давом этган оз, давоми қисқа бўлган кўпдан яхшироқдир.

* * *

Жомосиб ҳаким айтади:

— Сахийнинг энг ёмон хислати ўз фикридан қайтиши, хайр-саховатдан қўл тортишидир. Бахилнинг яхшироқ хислати бахилликни тарк этишидир.

* * *

Қадимги шоирлардан Аҳмад Мутанаббий айтади:

— Сен ўзинг кўрган нарсанга эътибор қил, эшитган нарсаларинг четда қолсин. Яхшилик ва вафони ўз аҳлидан умид қил. Булут йўқ ердан ёмғир умид этувчи киши алданади. Дили бузук бўлган одамнинг феъли ҳам бузук бўлади, ўзининг одат эт-ган нарсаларини ўз фаҳмига қараб сўзлайди. Ярамас, кераксиз нарсалардан кўнгил кўзини юммасанг, бошдаги кўзингни юмишдан фойда йўқдир. Бир киши ўз даражасини билмаса, бошқалар унга билдириб қўядилар. Бир одамни камситишни истасанг, унинг ўрнида ўзингни фараз қил. Аввал пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга ур!

Шайх Саъдий айтади:

Донишмандларнинг асарларида: «Чаёнларнинг туғилиши бошқа ҳайвонларнинг туғилишларига ўхшамайди. Чаён боласи она қорнидаги нарсаларни тамом еяди, кейин она қорнини йиртиб ташқарига чиқади. Чаён уясидаги кўрилган пўстлар шунинг асаридир», деб ёзилган.

Донишмандлар асарларида ёзилган бу сўзларни бир улуғ зот ҳузурида айтгандим, у деди:

— Менинг кўнглим бу сўзларнинг тўғрилигига гувоҳлик беради. Ёшликларида ота-

оналарини чаён болалари каби ҳурмат қилмаган болалар катта бўлганларида халқнинг нафратига дучор бўладилар.

Қитъа:

Бир ўғилга васият этди ота:
«Эй жавонмард, ёд ол бу панд,
Кимки ўз ақлига вафо қилмас,
Бўлмагай бахтиёру давлатманд».

* * *

Латифа: Бир уйни ижарага олиб яшаб турган бир одам уй эгасига бориб:

— Менга ижарага қўйган уйингиз қисирлаб турибди, уни бошқатдан ишлаб тузатиб беринг,— деди. Уй эгаси ҳазиллашиб:

— Ўша уйимизга авлиёларнинг назари тушган, қўрқманг, у кўпинча тасбеҳ ўгириб «хув-хув»лаб зикр этиб туради, холос,— деган эди, ижарага турувчи ярим ҳазил, ярим жиддий суратда шундай жавоб берди:

— Шундайку-я, лекин кунлардан бир кун зикр тушишдан ҳориб, бошини саждага қўйиши мумкин-да! Ана шу саждасидан қўрқаман!..

Уй эгаси хахолаб кулиб, тездан уйни тузатишга ваъда берди.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

Бир қанча донишмандлар Ануширвон саройида бир муҳим масалани ҳал этиш ҳақида маслаҳат қилардилар. Уларнинг бошлиғи Бузуржмехр жим ўтириб, донишмандларнинг маслаҳатларига аралашмасди. Донишмандлар Бузуржмехрдан:

— Нега сиз бизнинг маслаҳатимизга аралашиб, ўз фикрингизни айтмайсиз?—деб сўрадилар. Бузуржмехр донишмандларга шундай жавоб берди:

— Вазирлар худди табибларга ўхшайдилар. Табиб касал бўлмаган одамга дору бермайди. Ҳал этишни истаган масалангиз устида айтган фикрларингизнинг тўғри эканини билиб турибман. Шунга кўра у масала устида бир фикр айтишим ҳикматдан эмасдир.

* * *

Оқил, донолардан Ҳожимурод Одилий айтади: Бир олим, фозил одам ёмон феъл-атворга эга бўлган кўпол табиатли одам билан бир қанча вақт суҳбатдош бўлиб умр ўтказди. Унинг кўпол муомаласига чидаб келди. Бир кун ҳалиги кўпол табиатли одам сафарга чиқиб кетди. Олим одам тоқатсизланиб йиғлади. Одамлар таажжубланиб:

— У бадфеъл одамдан қутулганингизга севинмасдан йиғлаганингиз қизиқ. Ахир, у сассик сўз, кўпол муомалали шеригингиздан қутулганингиз кўнглингизга шодлик, жонингизга ҳузур-ҳаловат эмасми?— деб олимдан сўрадилар. Олим, фозил одам шундай жавоб берди:

— У бадфеъл шеригимдан ажралганим учун эмас, балки у бечорага ачинганимдан, унга раҳмим келганидан йиғлайман, чунки шунча суҳбатларимдан фойдаланмай, ёмон феъл-атворини ўзи билан бирга олиб кетди, мана шу сабабдан ачиниб кўз ёши тўқаман.

Байт:

Мурда диллар бирла суҳбатдош бўлиш — жон коҳиши,

Ҳеч тирилмайди ўлик, ҳар қанча тўксанг кўз ёши.

* * *

Олимлардан Одил айтади:

— Биров билан сўзлашганимизда сўзимизга жуда диққат қилишимиз ва тингловчига яхши таъсир бериш учун очик ва енгил иборалар билан сўзлашимиз лозимдир. Муколама, яъни гапиришдан мақсад — гапга усталигини кўрсатиш, нотиклик қилиш эмас, балки ҳаммага тушунарли қилиб, енгил ифодалар билан сўзлашдир. Ҳар кимнинг нотик бўлиши лозим эмас, фақат ўз тушунчаларини, ҳисларини тўғри, очик иборалар билан ифода қилиши лозимдир.

Мажлис, зиёфат каби йигилишларда бўлган ҳар ким ўз ёнида ўтирган киши билан секин-секин сўзлашмоғи мумкин, лекин ашула айтилганда, мусиқа чалинганда ёки биров нутқ сўзлаб турганда гаплашиб ўтириш айб саналади. Муколама вақтида қаҳ-қаҳа билан кулиш — адабсизликдир.

Байт:

Ҳар кишининг фаҳму идрокига лойик сўзлагил,
Ноўрин сўзлаб, ўзингни кулгига қолдирмагил.

* * *

Олимлардан Ҳаддод айтади:

— Ташаккур — дўстнинг қилган яхшилигини эътироф этиш, унинг ўзига сўзлаб миннатдорлик билдиришдир. Ташаккурнинг ғояси — яхшилик қилган кишининг қилган яхшилиги танилганини, ўринсиз кетмаганини билишидир. Яхшилик қилган кишига унинг ҳимматини, гўзал ахлоқини эътироф қилиб, қилган яхшилигини айтиб ташаккур эт. Агар унга ташаккурингни билдирмасанг, нонкўрлардан саналасан.

Сен ташаккур билангина дўстингни қилган яхшилигидан фойдаланганингни, уни тақдир қилганингни билдирасан, шу билан уни яна бошқа яхшиликлар қилишга қизиқтирасан. Шу билан бирга, муносиб фурсат келганда, сен ҳам унга яхшилик этишга ғайрат қил. Дўстлашишдан асл мақсад — фойдаланиш ва фойдалантиришдир, буни унутма, дўстингни қилган яхшилигига, мукофотига яраша сен ҳам унга яхшилик қил ва яхшилиги учун ташаккур эт.

Бир шоир яхши йўлдошнинг гўзал таъсирини англатиш учун шундай деган:

— Бир куни боғни кезиб юргандим, сўлиб ётган бир баргга кўзим тушди. У баргдан хуш ис тараларди. Дарҳол кўлимга олдим, ҳидлаб жуда хурсанд бўлдим. Баргга:

— Сен гулмисан, анбармисан, бунча хушбўйсан?—деган эдим, барг айтди:

— Мен гул ҳам, анбар ҳам эмасман, оддий дарахт баргиман. Бир куни гуллар орасига тушиб қолиб, бир неча кун бирга бўлдим. Уларнинг хиди менга ҳам ўтди. Шу-шу хушбўй баргга айланиб қолдим

Байт:

Ҳам тавозеъли бўлиб, ҳам боадаб,
Яхшиларнинг суҳбатин қилгил талаб.

* * *

Ҳиндистон донишмандларидан бирининг ақлли, хушли ва гўзал хулқли ўғли бор эди. Бир кун донишманд каттиқ бетоб бўлиб ётиб қолди. Дунёдан ўтишига кўзи етгач, ўғлини ҳузурига

чақириб:

— Азиз ўғлим, сенга шафқат ва марҳамат юзасидан бир қанча насихат қиламан. Бу насихатларимни жон қулоғинг билан тингла, унга амал қил, шундагина халқ қошида иззат ва обрўга эга бўласан, роҳат ва фароғатда яшайсан,—деди ва шундай насихат қилди:

— Ўғлим, қўлингдан чиққан ёки қўлингга кирмаган нарсалар учун ғамгин бўлма, пасткаш, нокастадан қарз олма, у сени ранжитади, адиб ва шоирлар билан аччиғлашма, шарм-ҳаёсиз бахиллар билан суҳбатдош бўлма, ҳеч вақт бировнинг нонига таъма қилма, ўз меҳнатинг билан топган нонинг билан қаноатлан. Олижаноб, тарбияли, ахлоқли ва олим — фозиллар билан суҳбатдош бўлсанг, яхши ном чиқарасан, буни унутма. Мақтанчоқ, эзмалардан узоқлаш. Ҳасадчи, иғвогар ва чақимчиларга сира ҳам яқинлашма...

Байт:

Ҳар киши нокас билан ҳамкосадир,

Минг шарофатни касофат босадир.

* * *

Бир йигит ахлоқсиз, тарбиясиз бир одам билан суҳбатлашиб кезиб юрганди, таниш бир донишмандга рўпара келиб қолди, уни кўргач, уялганидан қизариб-бўзариб қолди. Донишманд йигитнинг уялиб қизарганини кўриб, уни ёнига чақириб олиб:

— Ўғлим, сенда уялиш асарини кўриб, жуда ҳам хурсанд бўлдим. Шу билан бирга уялишга сабабчи бўладиган кишилар билан эмас, балки ҳамма сени мақташга сабабчи бўладиган адабли, тарбияли кишилар билан дўст бўлиб улфатчилик қилишингни кўришга муяссар бўламан, деб умид қиламан.

Байт:

Ҳеч ўтирма ёмоннинг суҳбатида,

Пок бўлсанг, сени қилур ифлос.

* * *

Бир кичик бола нон дўконига бориб сотувчига:

— Амаки, йигирма тийинлик нон тортиб беринг,— деб сўради. Сотувчи нон тортиб унинг қўлига берди. Бола ноннинг кам тортилганини сезиб, сотувчига:

— Амаки, берган нонингиз кам-ку?—деган эди, сотувчи хўмрайиб:

— Қандай тирмизак боласан, олиб кетавер, юкинг енгил бўлади,—деб дўқ урди. Бола нонни олиб, сотувчига беш тийин кам тўлаб, чиқиб кета бошлади. Сотувчи пулни санаб:

— Ҳой тирмизак, тўхта, беш тийини кам-ку,— деб қичқирганди, бола:

— Амаки, кўп бақирманг, берган пулимни олиб қолаверинг, чўнтагингиз енгил бўлади,—деб дарров чиқиб кетди.

Байт:

Кимки кирдори ёмондир, эй жавон,

Еткизар ўз жонига беҳад зиён.

* * *

Ризоуддин ибн Фахриддин машҳур олим ва фозил эди. Унинг ахлоқ-одоб, тарбияга оид кўплаб асарлари бор. Шулардан бири—«Катталарга насихат» номли асарининг сўнгги қисми

«Ўн бир насиҳат» деб номланади. Биз уни бир оз қисқартирилган ҳолда тақдим этаймиз.

Биринчи насиҳат: Бутун аъзоларингизни гуноҳ ишлардан сақланг, қайғу алам келганда сабр қилинг. Инсоф, адолатни ўзингизга раҳбар қилиб олинг. Ҳеч кимни ўзингизга душман қилманг. Ҳаммани иззат ва ҳурмати бажо келтиринг. Пул, молу дунёингизни тежаб сарф этинг, исрофгарчиликка йўл қўйманг.

Одамларнинг кўнгилларини оғритманг. Кўп ўйланг, оз сўзланг. Нодон ва хиёнатчиларга сирингизни айтманг, улар билан кенгашманг. Олим ва фозилларга эргашинг. Мурувват аҳлларида намуна олинг. Ташқи қиёфангиз ва кўнглингизни пок тутинг. Ўз билганингизга таянманг, яқинларингизнинг маслаҳатлари билан иш қилинг. Қариндош-уруғларингизни зиёрат қилиб, ҳолларидан хабар олиб туринг. Бировдан қарздор бўлсангиз, ваъда қилган кунингизда топширинг. Қўлингиздан келган хизматни ҳеч кимдан аяманг. Ҳар куни бошингизни ёстиққа қўйган вақтингизда кун бўйи қилган ишларингизни бирма-бир кўздан кечиринг, яхши иш қилган бўлсангиз, севининг, маъносиз ишларингиз бўлса, қайғуринг, тавба қилинг. Эртаси куни нима ишлар қилишингизни яхшилаб ўйлаб бир қарорга келинг, шу қарорларингиз бўйича иш олиб боринг. Кунлар қилган ишларингизни кўрсатувчи дафтарлардир, бу дафтарларга ёмон ишлар ёзилмаслигига ғайрат қилинг.

Иккинчи насиҳат: Дўст, душман орасида юз қизартирадиган нарсаларни ишлашдан ҳазар қилинг, гўзал хулқли бўлиш билан шараф касб этинг. Тўғри йўлдан бир қарич ҳам айрилманг. Ёшда ўзингиздан катталарга иззат, ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат қилинг. Ўзгулик уруғларини сочсангиз, саодат экинларини ўрасиз. Одоби, тарбияли одам билан ошна-оғайни бўлсангиз, мартабангиз, даражангиз ошади, халқнинг ишончини қозонасиз. Адабсиз, тарбиясизлар билан ошна бўлсангиз улар сизни ўз йўлларига тортадилар, даражангиздан туширадилар, омонатларингизга хиёнат этадилар, сирларингизни фош қиладилар.

Қитъа:

Ҳасад олам аро ҳосидга басдир

Ки, доим ғусса бирла ҳамнафасдир.

Кишига гарчи ўт ёндирғусидир,

Вале ул ўтга ўзни урғусидир.

Учинчи насиҳат: Бошқаларнинг айбларини кўрган вақтингизда ўз айбларингизни ҳам тушунинг, ўз айбини кўрган киши бошқаларнинг айби билан шуғулланмайди. Бировга чуқур қазиманг, у чуқурга ўзингиз тушасиз. Ҳақлик, тўғрилиққа қарши курашманг, ўзингиз йиқиласиз. Ҳеч кимни беобрў этманг, ўзингизнинг обрўингиз тўкилади. Ўз фикрингизгагина таянманг, адашасиз. Таккабурлик қилманг. Олим, фозил, донолар билан кенгашиб иш қилинг, пушаймон емайсиз. Олимлар мажлисига қатнашинг, даражангиз ошади, нодонлар билан улфат бўлманг, сиз ҳам улардан саналасиз. Оз сўзласангиз оз янглишасиз. Елғончилик билан шуҳратланманг, ҳамманинг назаридан қоласиз. Ҳар кимнинг даражасини билинг. Ҳеч кимдан таъма қилманг. Билмаган нарсангизни «билмайман» дейишдан уялманг. Керак бўлган илм, ҳунарни ўрганишдан тортинмасдан ўрганинг, ўрганмасангиз, кейин пушаймон қиласиз. Ўзингиз истаган яхши ишни бошқаларга ҳам тиланг. Тингланг, нафсингизнинг ҳамма орзуларини бажо келтириб, уни семиртирсангиз ниҳоят фалокат, балки ҳалокатга учрайсиз. Ўтганларнинг иш ва ҳолларини фикр қилиб, улардан ибрат олинг. Ўзингизга керак бўлмаган сўзларга аралашманг. Бузуқликка олиб чиқадиган йўлга асло кирманг. Шафқатли, марҳаматли ва хайр-эҳсонли одамларга яқинлашсангиз, ҳамма сизни улар қаторида санайди. Ҳақингиз бўлмаган ерга кўз ташламанг. Ишламай бошқалар елкасига юк бўлиб ётманг, ғайрат қилиб ишланг. Ўз нонингизни меҳнатингиз орқали топиб енг.

Тўртинчи насиҳат: истаган нарсангиз бўлмай қолса, қайғуриб, бетоқат бўлманг, сабр қилинг.

Бир-бирингиз билан маслаҳатлашиб ишланг. Келгуси кунларингизни ўйланг. Хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлган нарса учун сира ҳам қасам ичманг. Жамиятга зарар келтирадиган ишлардан сақланинг. Очик жойда ишлаш уят бўладиган ишларни яширин жойда ҳам қилманг. Айтишга ярамаган сўзларни оғзингиздан чиқарманг. Ҳар бир маъносиз сўзларни сўзловчи валдир-вайсаки бўлманг. Олди-қочди сўзларга ишониб юрманг. Бошқаларни менсимай «ўзим биламан» деб даъво қилманг, ўзингизни билармон этиб кўрсатманг, илмда сиздан ҳам юқори зотлар борлигини унутманг, мақтанчоқлик жоҳил-нодон кишилар ишидир.

Бузуқ, ярамас кишилар билан ошна-оғайничилик қилишдан сақланинг, чунки ўзингиз сезмаган ҳолда уларнинг ёмон хулқлари сизга ҳам таъсир қилиб қолиши мумкин.

Нон ва бошқа нозу неъматларни хорламанг, исрофгарчиликка йўл қўйманг. Бировнинг ички ва ташқи ҳолини «ёмон одам», деб гувоҳлик берманг. Бир одамнинг оёғи тойиб, қайғу-ҳасратга гирифтор бўлганига шодланманг, унинг ҳоли бир кун сизнинг бошингизга ҳам тушиши мумкин. Молу давлатингиз билан одамларни рози эта олмасангиз, уларни яхши хулқингиз билан рози қилинг. Бировдан ўч олишга кучингиз етса ҳам ўч олманг, хатосини кечиринг, аччиғланманг, ўзингизни босинг. Ҳузурингизда бировни ғийбат қилган киши бошқаларга сизни ғийбат қилади, бундай кишига кўнгил берманг. Маст киши билан ади-бади этишиб ўтирманг, ундан узоқлашинг.

Бир одам билан дўстлашишни истасангиз, муҳтожлик вақтингизда ёрдам қилувчи, тўғри сўзловчи, эзгулигингизни тақдир этувчи, қайғуингизга қайғуланиб, шодлигингизга шод бўлувчи, пок қалбли одам билан дўстлашинг, тилёғлама мунофиқлар билан дўст бўла кўрманг. Кўчаларда заруратсиз йиғилиб одамларнинг ўтишига халақит берманг.

Бешинчи насиҳат: Бир киши учун иккинчи бир киши билан орангизни бузманг. Улар мабодо дўстлашиб қолсалар, сиз уялиб қоласиз. Гўзал ишларни кўриб турувчи кўзлар ва ёзиб турувчи қаламлар бордир. Шунинг учун қилган яхшиликларингизни ҳаммага айтиб, мақтаниб юрманг. Тили кучли бўлган аччиқ сўзли ва маъносиз сўзлар сўзлаб юрган киши билан асло дўстлашманг. Ақлингиз — энг тўғри насиҳатгўй. Нодонликдан бошқа душмандан қўрқманг. Ёмон ишларни ишлаш эмас, хатто кўнглингизга келтирманг. Илм нуруни бузуқлик суви билан ўчирманг. Одоб, ахлоқ кийимидан бошқа гўзал кийим топилмайди, буни унутманг.

Олтинчи насиҳат: Орангизда адоват, гинажўйлик давом этаётган бўлса, уларни бартараф қилиб дўстлашинг. Бутун ҳимматингизни халқ манфаати учун сарф қилинг. Мартаба ва мансабни севишга мубтало бўлманг. Нопок нарсаларга вақтингиз ва пулингизни сарф этманг.

Байт:

Шубҳасиз лозим ўғил, қизга нурафшон тарбият,

Боиси бахту саодат — моҳи тобон, тарбият!

Еттинчи насиҳат: одамлардан айб ахтариб юрувчи бўлманг, ўзаро келиша олмай бир-бирингиздан узоқлашиб кетманг, балки дўстлашинг, бир оила аъзолари каби бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўлинг. Зарурат бўлмаса, бировдан ҳеч нарса сўраманг, унинг миннатини кўтариб юрманг. Арзимаган, аҳамиятсиз нарсалар учун бир-бирингиз билан жанжаллашманг, жоҳил, нодонлардан бўлманг.

Илм, фан, одоб, ахлоққа тегишли яхши сўзларни эшитсангиз эсдан чиқмаслик чорасини кўринг. Кераксиз, бўлмағур сўзларни сўзлашдан тилингизни тийинг.

Ҳеч кимни ғийбат қилманг, бировга тухмат қилишдан сақланинг. Қариндош-уруғларингиз, дўстларингиз ёки таниш-билишларингиздан бириси учраб қолса, ҳолини сўранг. Уйингизга келган меҳмоннинг иззат-ҳурматини бажо келтиринг.

Байт:

Гар ёмонлик йўлини ҳар кимса қилса ихтиёр,
Халқ ишончин йўқ этиб бўлгай балоларга дучор.

Саккизинчи насиҳат: Ақлни биз инсонларга улуғ ҳадя, улуғ неъмат деб билинг, уни соф ва комил равишда асрашга эътибор беринг. Бундай улуғ неъматни ва бундай шариф ҳадяни сақлаш ҳар кимнинг энг биринчи ва шарафли бурчи эканини унутманг.

Тўққизинчи насиҳат: Бир-бирингизнинг турмушингизга, молу дунёингизга ҳасад қилманг, аччиғланманг, ёмон сўзга боришманг, ғазаб вақтида ўзингизни тутинг. Иккиюзлама, мунофиқликдан, бахилликдан сақланинг. Ёлғончи, ғийбатчи, тухматчи ва чақимчи бўлманг. Ваъдангизга вафо қилинг, меҳнатсевар, ишчан, ғийратли ва матонатли бўлинг. Омонатга хиёнат этманг. Одамларни кулдириш учун маъносиз, одоб, тарбияга хилоф бўлган сўзларни сўзламанг.

Байт:

Истасангиз қайғу-ғамлардан нажот,
Ножўя ишлардан айланг эҳтиёт.

Ўнинчи маслаҳат: ақлли одам ўзининг кимлигини, даражасини билиб, шунга қараб иш олиб боради. Гўзал ҳулқли одамларда мунофиқлик бўлмайди. Ёмонликдан қайғуриб, яхшилик учун севишиш комил инсонда топилади. Ризқ-рўзингизни тупроқ остида изланг, яъни ер ҳайдаб уруғ сепинг, тоғларга чиқиб конларни изланг, бу ишларга мутахассис бўлиш учун махсус ўқув юртларига кириб ўқинг. Молу давлатингизни, оилангизни тарбия этишдан қизганманг. Мабодо ишингиз ўнганмаса, қайғуриб ўтирманг, ўнганлишига ғов бўлиб турган нарсаларни битиришга ғайрат қилиб ишга киришинг. Билмаган нарсангизни «биламан» деб даъво қилманг. Ёлғондан гувоҳлик берманг. Ҳақингиз йўқ нарсаларни даъво қилиб олманг. Нафис санъатларни ўрганишга ҳавас қилинг, ўрганинг. Она тилингизни севинг, ҳурматланг, кадр-қимматини тақдир қилинг, юксак мақомга кўтаринг.

Байт:

Ҳар тилакнинг аввалидир, шубҳасиз, тил очқичи,
Тил — тараққий ҳам саодатнинг биринчи босқичи.

Ўн биринчи насиҳат: гуноҳ унутилмайди, эзгулик ерда қолмайди. Ҳар ким нима сепса, шуни ўради. Эзгулик этишга шошилинг. Нафсингизнинг ҳамма истагини бажо келтиришдан чекининг. Хайрли ишлар учун саъй-ғайрат қилинг.

Донишмандлар инсоннинг шу ўн икки фазилатга эга бўлишини ҳам айтганлар:

Риёзат эгаси бўл; ортиқ даражада еб-ичма, шундай қилсанг, ўз фикрингга эга бўласан, яхшироқ ўйлайсан.

Сукут сақла; ўзингга ва бошқаларга фойдаси тегмайдигап сўзлар сўзлама, эзмалик килма.

Интизомли бўл; ҳар бир нарсанинг ўз ери ва ҳар бир ишнинг ўз вақти бўлсин.

Мақсад эгаси бўл, қиладиган ишингни аввал яхши ўйлаб, бир қарорга кел, кейин у ишни камчиликсиз бажар.

Тежамкор бўл; молу дунёнгни ҳеч фойдаси бўлмаган ишларга сарф этма, пулингни тежа, яъни исрофдан сақлан.

Саъй-ғайрат эгаси бўл; вақтингни бекорга ўтказма. Фойдали ишлар билан машғул бўл, саъй-ғайрат қил. Керак бўлмаган ишлардан қўлингни торт.

Тўғрилиқ пеша қил; доимо тўғри сўзла, тўғри ишла, ҳийла-найрангдан ўзингни сақла, қалбинг пок бўлсин, ҳақиқатпарвар бўл, ҳақ, рост сўзни дангал сўйла!

Мўътадилликни сақла; ҳар нарсада ўртача ҳолни тут, чегарадан чиқиб кетма, бир одамнинг

ҳақсиз бўлганини жуда яхши билганингда ҳам ундан ўч олишга интилма, ўзингни тут.

Покдомон бўл; аъзойи баданингни, кийим-кечак, уй ва бошқа нарсаларингни сира ҳам ифлос қилма, тозаликка диққат бер.

Қалб ҳузурига эга бўл; майда-чуйда, ҳеч нарсага арзимайдиган нарсалардан қайғуриб, саломатлигингни бузма.

Иффатли бўл; ўзинг тугул, бошқаларнинг тинчлигини ҳам кўрқинч остида қолдирма, доимо иффатли, номусли бўл, маъносиз йўлларда юрма.

Адабли бўл; тарбияли ва олим-фозиллардан ўрнак ол, тавозели, мулойим сўзли бўл, ўзингни ҳаммадан юқори тутма, камтарлик яхши хислат эканини эсингдан чиқарма!

Олижаноблик бир қувватдирки, бу қувватга эга бўлгап одам бойликка ва одамларнинг мақташларига ёки камситишларига сира илтифот қилмайди, тур-мушнинг ўзгариб туришига қайғурмайди. Ғайратига ва олий ҳимматлилигига камчилик келтирмайди, яъни мол-дунёси кўп бўлса ғурурланиб, мутақаббир бўлиб қолмайди, халқнинг мақташига севинмайди.

Ҳар вақт бир хилда бўлиб ўзининг даража ва ҳимматини сақлайди.

Сабр — қайғу-аламларга, машаққатларга чидашдек фойдали бир ишдир, бунга эга бўлганлар ҳар нарсага ортиқ даражада қайғуриб, ўз саломатликларини йўқотмайдилар.

Шижоат эгаси бўл; Хавф-хатарларга учраганда, киши ўзини кўркмай сақлаши қаҳрамонликдир. Бу фазилят кўрқинчли пайтда одамни нолойиқ иш қилиб қўйишдан сақлайди.

Мулойимлик шиорини тут; аччиғланган вақтда ўзни тута бил. Мулойимлик улуғ фазилятларнинг биридир. Қаҳр-ғазаб вақтида ўзни босиб, тинч тура олиш одамни жуда кўп хавф-хатарлардан, ёмонликлардан сақлайди. Мулойим, юмшоқ кўнгилли кишиларни ҳар ким севади.

Осойишталик қилган одам жанжал, ғавғо вақтларида кичқириб, енгиллик ва қизиққонлик кўрсатмайди, сукут ва сабр сақлайди. Қизиққонлик саломатликка, ҳатто умрга зарар етказди. Қизиққонлик, енгиллик, қаҳр-ғазаб одамни уятга қолдиради. «Ғазаб билан сарғайган юз пушаймонлик билан қизаради», деб шунга айтадилар.

Тавозеъ—халқдан ўзини юқори тутмаслик, бошқаларни камситмаслик каби гўзал хислатдир. Ўзини ҳар кимдан ортиқ билмаган одам мақташга сазовор улуғ одамдир. Бу инсоннинг энг яхши фазилятидир. Шундай бўлса-да, тавозеъни жуда ҳам кўпайтириб ўзини ҳақир тутиш, ёки мунофиқона тавозеъ қилиш ярамаган бир ишдир, ўртача тавозеъ мақбул ва марғубдир.

Ҳамият — номус ва диёнатни сақлашдир.

Чидамлик — гўзал сифатларга, олий ишларга эришиш йўлида машаққатларга бардош беришдир.

Ҳамдардлик—бир одамнинг қайғу, ҳасратларига ачиниб ўзида ҳам қайғу ҳосил қилишдир. Лекин куруқ ҳамдардлик фойда бермайди, балки қайғули одамларга ёрдам бериб, уни қайғу, ҳасратдан қутқизиш чорасига киришиш лозимдир. Ҳамдардликнинг тўла маъноси мана шундадир.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

Хуросонлик икки дарвеш бир-бирлари билан суҳбатлашиб саёҳат этардилар, улардан бири ориқ ва кучсиз бўлиб, ҳар икки кечада бир марта таом ер эди. Иккинчи дарвеш эса семиз ва кучли бўлиб, ҳар куни уч марта тақиштириб таом еярди.

Улар бир шаҳар дарвозаси ёнида жосуслик тухмати билан кўлга олиндилар. Ҳар икковини бир уйга қамаб қўйдилар. Орадан икки ҳафта ўтгандан кейин, уларнинг гуноҳсиз эканликлари маълум бўлиб, озод этмоқ учун эшикни очдилар. Семиз дарвеш ўлиб қолган, ориқ дарвеш тирик эди.

Ҳамма бу ҳолни кўриб таажжубланди. — Агар бу ҳолнинг акси бўлганда эди, яъни ориқ дарвеш ўлиб, семизи тирик қолгандайди, таажжуб этиш мумкин эди, чунки семиз дарвеш жуда кўп таом еб юргани учун очликка тоқат қила олмай ҳа-лок бўлди. Ориқ дарвеш эса, кўп таом ейишдан ўзини сақларди. Шунинг учун ўз одатича сабр этди, ўлмай саломат қолди.

Қитъа:

Киши гар қилса камхўрликка одат,
Ёмон кун тушса бошига қутулғай.
Агар кенгликда кўп танпарвар эрса,
Оғир кун бошига келганда ўлғай.

* * *

Бир подшоҳнинг ёнида ўзининг ва хизматчисининг ўғли ўтирганди.

Подшоҳ ўз ўғлидан:

— Ўғлим, ростини айт, сен дунёда нималарни орзу қиласан, кўнглинг нималарни истайди?—деб сўради.

— Могу мулким кўплиги билан шухрат қозонишни, доим шароб ичиш, овга чиқиш, айш-ишратдан холи бўлмасликни орзу қиламан, деб жавоб берди подшоҳнинг ўғли. Сўнгра подшоҳ хизматчисининг ўғлидан:

— Тўғрисини айт, сенинг келажакдаги орзу-тилагинг нима?— деб сўради.

Хизматчисининг ўғли мулойимлик билан:

— Шафқатли, марҳаматли, хайр-саховатли бўлиб, халққа хизмат этишни, жамиятга фойда етказишни, ҳамманинг меҳру муҳаббати, олқишини олишга му-ваффақ бўлишни орзу қиламан,— деб жавоб берди.

Подшоҳ унинг сўзларидан кўп таъсирланди, бу олижаноб ўғилни кучоғига олиб севди, юз-кўзларидан ўпиб эркалади ва айтди:

— Баракалла, ўғлим, шундай бўлиш керак, орзу-ниятингга, мурод-мақсудингга ет,— деб олқишлади, уни яхши тарбия қилишга аҳамият берди:

Байт:

Ким халойиққа тараххум қилмағай,
Унга асло бахт-давлат келмағай.

* * *

Олимлардан Аҳмад Жавод айтади:

— Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун ар-Рашид илм-фанни севувчи, олимларни ҳимоя қилувчи бир зот бўлиб, ёш болаликдан бошлаб заковат ва фаросатга эга эди, ҳар ким уни севарди.

Маъмун ёш бола пайтида ота Хорун хусусий муаллимда ўғлини ўқитди. Муаллимнинг бир одати бор эди: дарс вақтида бошини энгаштириб ерга қараб ўтирарди. Агар ўқувчи бир жумлани янглиш ўқиса, бошини кўтариб унга қараб қўярди.

Бир куни Маъмун муаллим олдида бир китоб ўқир эди. Китобда бўлган: «Уддасидан чиқмаган нарсани нега ваъда қиласиз?» деган жумлани ўқигач, муаллим бошини кўтариб, унга бир қараб қўйди. Маъмун: «Балки янглиш ўқиган бўлсам керак», деб жумлани диққат билан қайтариб ўқиди. Маъмун дарсдан кейин отаси ёнига келиб:

— Отажон, муаллимимга бирор нарса ваъда қилган бўлсангиз, дархол ваъдангизга вафо

қилинг,— деб бўлган воқеани отасига айтиб берди. Хорун ар-Рашид:

— Ўқитувчинг мендан бир нарса сўрагани, мен унинг сўраганини беришга ваъда қилгандим, эсимдан чиқиб кетибди,— деди ўғлининг зукколигидан хурсанд бўлиб, муаллимга берган ваъдасини дарҳол бажо келтирди.

Заковат ва фаросат инсон учун энг қимматли нарсадир. Бу хислатга эга бўлган инсон ҳар ишидан муваффақият ҳосил этади.

Байт:

Бўлса, ҳар кимда агар ақлу закодан асар,

Қайси бир ишга киришса, топмагай асло зарар.

* * *

Озарбайжоннинг машҳур классик шоири Низомиддин Ганжавий ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Кўзимнинг нури ўғлим, мана энди ёшинг ўн бешга тўлди. Етти ёшлик бола вақтингда чаманнинг гул ғунчаси эдинг, энди улғайдинг, йигитлик даврига қадам қўя бошладинг. Бундан сўнг сенга ўйин ярашмайди, бутун ғайрат ва маҳоратингни илм, ҳунар ўрганишга сарф қил. Ҳар ким сени одоб, ахлоқинг, илм, ҳунар ҳосил қилишга бўлган муҳаббатинг ва шу йўлда кўрсатган ғайратинг билан мақтасин.

Ўғлим, ҳар қандай ишни бошлар экансан, аввал яхшилаб ўйлаб, дўстларинг билан маслаҳатлашиб, сўнгра у ишга кириш, диққатли бўл, агар ишингда бирор камчилик сезсанг, уни битиришга тириш, шундай қилмасанг, ишинг чаппасига кетиб хижолат чекасан. Одамлар билан ҳушмуомалада бўл. Ўзингдан катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат қилишни унутма.

Ўғлим, сенда заковат, қобилят асарларини кўраман. Қайси бир илм ва ҳунарни ўрганишга киришсанг, ўлда-жўлда қолдириб кетма, мукаммал ўрган, сусткаш бўлма.

Байт:

Амал сендан, ўғил, мендан насиҳат,

Этар бадбахт инсонни атолат¹.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

— Онанинг жонпарвар бўйи, яъни қадди-қомати бир дарахт бўлса, фарзанд у дарахтнинг нозанин меваси ва натижасидир. Онанинг кўкси томирлари юрак ичида эмасми? Ҳақиқат кўзи билан қарасак, она сути — унинг юрак қонидир. Шунинг учун фарзандга онанинг меҳр-муҳаббати отага қараганда яна ҳам кўпроқ бўлади. Баъзи фарзандлар ҳаммадан ҳам азиз ва меҳрибон онанинг кадр-қимматини билмайдилар.

Айтишларича, бир ёш йигит онасининг гапига кулоқ солмади, бақириб-чақириб унинг дилига озор берди. Меҳрибон она ўғлининг қилиғидан кўнгли бузилиб, кўзига ёш олди. Дарҳол ўғли чақалоқлик вақтида ётган бешикни кўз олдига қўйиб айтди:

- Эй ёшлик, чақалоқлик пайтларини унутган ноинсоф! Мана бу бешикни кўрдингми? Чақалоқлигингда сени шу бешикка белаб, кечалари тонг отгунча ухламай тебратардим, ҳадеб йиғлай берсанг бешикдан ечиб олиб, бағримга босиб овулардим. Жуда кўп кулфат, машаққатлар чекиб сени тарбияладим. Сени деб, куч-қувватдан ажралдим. Сени деб, ҳамма қийинчиликларга бардош бердим. Мана энди катта бўлиб, куч-қувватга эга бўлдинг, лекин ёшлик ва чақалоқлик даврларингни унутиб, меҳрибон онангга итоат қилмайсан, унинг кўнглини вайрон қилиб, кўз

ёшларини тўктирасан. Ундай қилма, ўғлим, она муҳаббати нақадар зўр ва чексиз эканини унутма. Мен ҳам, отанг ҳам доимо бахтли, саодатли бўлишингни истаймиз. Бизни хафа қилма, дилимизни оғритма, айтганларимизни қабул қилиб, бизни рози қил, дуомизни ол.

Онасининг йиғлаб айтган сўзлари йигитнинг кўнглига ўқдек санчилди, қилган қилмишига пушаймон бўлди. Онасини кучоқлаб юз-кўзидан ўпиб, йиғлаб узр айтди. Она эмасми, ўғлининг гуноҳини кечириб, унинг юз-кўзларидан ўпиб, ҳақиқа дуо қилди.

Байт:

Жон қулоғинг бирла тингла, моҳи тобондир онанг,
Бахт-иқболинг самосида дурахшондир онанг!

* * *

Олимлардан Муллажон Холиқий айтади: — Ҳеч бир ота-она ўз болаларини бутун умрлари бўйича тарбиялаб дунёдан ўтмайдилар. Ҳар бир нарса эскирган каби, ота-она ҳам қариб қолиши бегумон.

Ота-оналаримиз қариб қолганда уларга қарашимиз, бу вазифани ҳар биримиз сидқидилдан бажармоғимиз, уларга меҳр-муҳаббат туйғуларимизни бахш этмоғимиз керак.

Қисқаси, мумкин қадар ота-онамизнинг кўнгилларини кўтариш бизнинг бурчимиздир.

* * *

Арасту ҳаким айтади:

Тўғри сўзлаб, тўғри ишлаб вафот этиш ёлгончи бўлиб, узоқ яшашдан кўра хайрлидир.

* * *

Бир донишманд айтади:

— Бошқаларнинг авлодига, қариндош-уруғларига эҳсон қилинг, ёрдам беринг. Улар ҳам авлод ва қариндош-уруғларингизга сиз қилган яхшилигингизни қайтарадилар, яъни қилган яхшилигингиз ўзингизга қайтмаса, болаларингизга ва қариндош-уруғларингизга қайтади.

* * *

Қадимги юнон донишмандларидан Афлотун ҳаким айтади:

— Мен фидокорона қилинган роҳатни бошқа бирор нарсадан кўрмадим. Вужудимнинг саломатлиги, руҳимнинг саодатини фақат меҳнатда топдим.

Байт:

Меҳнат ила ҳал бўладир ҳар мушкул,
Коми дил меҳнат ила бўлгай ҳосил.

* * *

Сукрот ҳаким айтади:

— Хунардан яхшироқ, илмдан улуғроқ нарса йўқ. Шарму ҳаёдан яхшироқ безак, зебу зийнат йўқ, бадфеълликдан ёмонроқ душман йўқдир.

* * *

Қадимги юнон ҳақимларидан Сукротни юнон худоларини инкор этгани учун заҳар ичиб ўлишга ҳукм этдилар. Шогирдлари йиғлаб ундан:

— Азиз устод, жасадингизни қаерга дафн этайлик? - деб сўрадилар. Сукрот кулиб:

— Қайси ерни хоҳласангиз, жасадимни ўша ерга кўминг, лекин мен жасадим бирла бўлмайман, доимо сизлар билан бир бўламан, қалбингизда яшайман,— деди.

* * *

Донишмандлардан Муҳаммад Ворис айтади:

— Бир олимдан: «Адил ва эҳсоннинг маънолари нима?»—деб сўрадилар. Олим айтди:

— Адил — зулм, жабр-жафо кўрган мазлум бечораларнинг додларига етиш, эҳсон эса муҳтожларнинг жароҳатларига роҳат малҳамини кўйишдир. Анушервон адолатни, Хотам хайр-эҳсонни ўзларига пеша қилганлари туфайли номлари ханузгача халқ оғзида ҳурмат билан ёд этилади.

* * *

Бир донишманддан:

— Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши ҳунарни ёпиб қўяди?—деб сўрадилар.

— Бахиллик,— деб жавоб берди донишманд. Яна сўрадилар:

— Қайси яхши ҳунар ҳамма айбни босади?

— Сахийлик,— деди донишманд.

* * *

Анушервоннинг бпр хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у чақимчига:

— У киши ҳақида айтганларингни яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаган бўлсанг, бошингни силайман, чақимчилик қилган бўлсанг, сендан нафратланаман, сени душманам деб биламан, ёлғон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, чақимчиликдан тавба қилсанг, кечираман,— деди.

Хизматчи чақимчиликдан тавба қилди, Анушервон унинг гуноҳини кечирди,

Байт:

Гар чақимчи ўз ишидан урса дам,

Қудратинг етса, қилгил тилни қалам.

* * *

Рум ҳукмдори Эрон ҳукмдори машҳур Анушервондан:

Бир иморат қилишга киришган эдингиз, нима бўлди, иморатингиз битдимиди? — деб сўради.

— Иморатимни битказдим, мен ҳеч вақт нотаом иш қилмайман, қайси ишга қадам қўйсам, у иш охирига етмагунча, ундан қадамимни тортмайман. Бир ишга киришган киши ғайрат қилиб бошлаган ишини охиригача етказиши лозимдир, — деб жавоб берди Анушервон.

Рум ҳукмдори Анушервоннинг сўзини маъқуллаб:

— Балли, юнон донишмандлари ҳам шундай деган эдилар, — деди.

* * *

Абу Али ибн Сино айтади:

— Ўн нарса ҳамма эзгуликнинг манбаидир: 1. Тўғри сўзлаш ва тўғри ишлаш. 2. Ҳалол, пок меҳнат қилиш. 3. Ҳаммага инсоф, адолат билан муомала қилиш. 4. Нафс орзуларига ортикча берилмаслик. 5. Олим-фозиллар билан суҳбатлашиш, улар суҳбатидан баҳраманд бўлиш. 6. Катталарнинг иззат-ҳурматларини бажо келтириш. 7. Кичикларга шафқатли, марҳаматли бўлиш. 8. Чип ва самимий дўстлик. 9. Муҳтожларга ёрдам этиш ва уларга инъом-эҳсон қилишни унутмаслик. 10. Нодонларга насиҳат этишдир.

* * *

Машҳур донишманд Сукрот ҳаким айтади:

— Оқил, доно одамлар ҳалол касб билан шуғулланиб, шу касбларидан топган мол-дунёларидан муҳтожларга инъом-эҳсон қиладилар. Аччиғланган вақтларида тилларини ёмон сўзлардан, қўлларини одамларга озор беришдан сақлайдилар. Агар бир одам сенинг айбингни юзингга солса, камчиликларингни танқид қилса, уни дўст деб бил, гўзал хулқ-атворли бўлишга, ярамас ишлардан сақланишга ғайрат қил.

Байт:

Ҳар ким ўз айбини билса марддир,
Бошидан айлангил аҳли дарддир.

* * *

Жалолиддин Румий айтади:

— Ўзинг билмаган, тушунмаган ишга киришма, қайси бир ишга киришмоқчи бўлсанг, ўзинг билган ақли, тажрибали киши билан кенгаш, унинг маслаҳатига қулоқ сол, сўнгра иш бошла. Шундай қилсанг, ўзингни хатолардан сақлайсан.

* * *

Фаридиддин Аттор айтади:

Қўймагил нокас сари ҳаргиз қадам,
Гар кўзинг тушса унга ҳеч урма дам,
Ҳар хасисдан яхшиликни тутма кўз,
Сенга гавҳардан зиёда ушбу сўз.

* * *

Бир донишманд айтади:

— Бахиллик энг ярамас сифатлардан саналади. Бахилликнинг сабаб ва белгилари уч хил: Биринчиси, бахил камбағаллик, муҳтожликдан қўркиб зикналик қилади, иккинчиси, мол-дунёни жуда севиб, йиғишга тиришади, учинчиси, нафсининг харислиги туфайли бошқа кишига хайр-эҳсон қилиш ҳақида гап бориб қолса, дарҳол сўзидан қайтиб, турли хийла-найрангга ёпишиб, хайр-эҳсон қилишдан бош тортади.

Байт:

Бахил бўлса ҳеч, қил саҳо ихтиёр,
Сахийлик сени айлагай бахтиёр.

* * *

Афлотун ҳаким айтади:

— Ойнага қараган одам ўз юзини гўзал деб билса, ёмон ишлар қилиб бу гўзалликка халал келтирмасин. Агар у ойнада юзини ирганчли кўрса, тасқаралиги ўзига ёқмаса, бу ирганчлик устига яна бир талай ярамасликлар орттирмасин.

* * *

Арасту ҳаким айтади:

— Кўр одам билан кўзи соғ одам бир қудуқ ичига йиқилиб тушган бўлсалар, бахтсизликда ҳар иккаласи баб-баравардир. Лекин кўр одам узрли, уни айблаб бўлмайди, чунки у кўр бўлгани учун, бу фалокатга учради. Шу сабабдан ҳар ким унга ачинади, уни айбламайди. Лекин кўзи очик одамни ҳамма айблайди, кўзи очик бўла туриб, эҳтиётсизлиги орқасида қудуқ ичига йиқилиб тушгани учун уни мас-хара қилиб куладилар. Шу сабабдан соғлом кўзга эга бўлганлар шукур қилиб, ҳар бир ишда эҳтиёткорона ҳаракат қилишлари лозимдир.

* * *

Абдулқосим донишманд айтади:

— Энг эзгу одам ўз хотини ва фарзандларига эзгулик қилган одамдир. Мард-олижаноб одамлар хотинларини улуғлаб, уларнинг қадр-қимматларига етадилар.

* * *

Бир донишманд шогирдларидан:

«Дунёда инсон учун энг яхши нарса нима?»— деб сўради. . Шогирдларидан бириси:

«Комил ақл» деди. Иккинчиси: «Яхши ўртоқ» деди. Яна бир шогирд: «Чора-тадбир» деб жавоб берди. Донишманд уларнинг фикрларини қабул қилмади. Ниҳоят бир шогирд:

— Инсон учун энг яхши нарса — пок қалб, - деди. Донишманд бу шогирднинг сўзини маъқуллаб:

— Баракалла, тўғри айтдинг, бу бўлса, аввалгиларнинг ҳаммаси ҳам бўлади, пок қалб инсон учун энг яхши нарса, деди.

* * *

Узоқ йил умр суриб қадди-қомати ёйдек букилган бир киши ҳассасига таяниб борарди. Бир ёш йигит чолни масҳара қилгандек бўлиб айтди:

— Бобожон, бу ёйни қаердан ва неча пулга олдингиз, мен ҳам шундай ёйни сотиб олмоқчиман,— деди.

Чол бобо кулиб:

— Оппоқ ўғлим, ҳали ёшсан, бундай ёйни севга сотмайдилар, сабр қил, умринг узун бўлиб, менинг ёшимга кирган вақтингда сенга текинга келтириб берадилар.

* * *

Фаридиддин Аттор айтади:
Сўзни яхши билмайин қилма баён,
Ки қилур сўз барча айбингни аён.

* * *

Анушервон айтади:

— Бир ибратли воқеа менинг адолатли бўлишимга сабабчи бўлди. Йигитлик вақтимда бир кун овга чиқиб отимни ҳар томонга чоптирар эдим. Пиёда юрган бир киши тош отиб бир итнийг оёғини синдирди. У киши бир неча қадам босар-босмас менинг отим тепиб, унинг икки оёғини синдирди. Кейин отим бир харсанг тошга қоқилиб, икки оёғини синдирди. Мен бу воқеани кўргач, ўз-ўзимга: «Кўрдингми, улар нима қилдилар ва нимани кўрдилар? Ҳар ким ярамас ишни қилса, ўзи истамаган ишни кўради»,— дедим. Шу воқеадан ибрат олдим.

Қитъа:

Халққа қилгил лутф ила дилдорлик,
Тарк этиб зўрликни, айла зорлик,
Ким нима экса, ўрар ул экканин,
Қил ўзингга пеша никукорлик.

* * *

Бир донишманддан шогирдлари:

— Нима қилсак тинч ва роҳатда умр кечирамиз— деб сўрадилар. Донишманд:

— Ҳеч қаерда ҳеч кимга бирорта сўз сўзламанг, сукут этинг,— деб жавоб берди.

Шогирдлари:

— Ахир, доим сукут этиб юраверамизми, бу мумкинми? Бошқача йўл кўрсатинг?—дедилар.

Донишманд шундай маслаҳат берди:

— Сукут эта олмасангиз, сўзланг, лекин қисқа ва маъноли сўзланг, оғзингиздан сира ҳам ножўя сўзлар чиқмасин. Ёмон сўз тингловчининг кўнглини хира қилади, бундан сақланинг.

Байт:

Яхши сўздан кўрасан меҳру вафо,
Номуносиб сўзласанг, етгай жазо.

* * *

Сукрот ҳаким айтади:

Гўзал тадбир ишлатиб, душманни дўст этиш, нодон ва жоҳил одамни таълим ва тарбия қилиб, донолар зумрасига, бадахлоқ фосиқларни панд, насиҳат билан ислоҳ этиб, яхшилар қаторига қўшиш энг афзал амаллардан саналади.

* * *

Жолинуз ҳаким айтади:

Ўз айби, камчилигини англамаган одамни ислоҳ қилишга уриниш фойдасиздир. Ўз

айбингдан огоҳ бўл, камчилигингни тузат, аблаҳлар ва хушомадгўйларнинг риёкорона макташларига алданма, ғурурланиб, гердайиб кетма.

* * *

Ҳожа Насриддин Тусий айтади:

Ҳар вақт олдинга бир-бирига зид, қарама-қарши иш келиб қолсаю, улардан қайси бири тўғри, қайси бири нотўғри эканлигини билмай бош қотирсанг, ях-шилаб фикр қил, ўйла. Улардан қайси бирини нафсинг тиласа уни олма, нафс орзусига хилоф бўлган ишни ихтиёр қил, чунки, нафс ҳақиқий, тўғри йўлга қаршилиқ кўрсатади.

Қитъа:

Яхши хулқни бузгусидир ҳар киши,
Бўлса бадқирдорларга ҳамнишин,
Қилғуси ҳар бир киши эгнин қора
Ҳар яқин тутса қозон бирла ўзин.

* * *

Сукрот ҳаким айтади:

— Мен душманам бўлган бир одамга адоват қилмайман, адоват қилсам, душманамнинг хусумати яна ҳам зиёда бўлади. Мен яхшилиқ билан муомала қилиб душманамнинг адоватини муҳаббатга айлантираман, уни ўзимга дўст қиламан.

* * *

Луқмон ҳаким айтади:

— Саъй-ғайратсизлик— умид ва муваффақиятнинг кучини битирадиган бир мараздир. Инсоният саодатидан маҳрум бўлиб маъюсона яшаш — саъй-ғайратсизлик асаридир.

* * *

Искандар Зулқарнайн ўзига яқин кишилардан бирига кўнглида яшириб юрган бир сирини айтиб, уни сақлашни, ошкор қилмасликни қайта-қайта таъкидлаган эди, лекин у Искандарнинг сирини узоқ сақлай олмай ичи пишиб бир дўстига айтди. Дўсти бир кишига, у киши яна бир кишига айтди. Шундай қилиб, сир ҳаммага ошкор бўлди.

Сирининг ошкор бўлганидан ортиқ даражада ғазабланган Искандар устоиди Арастуга:

— Эй ҳаким, кишининг сирини фош қилганга қандай жазо бериш керак? Мен фалон кишига сиримни айтган эдим, у киши сиримни сақлай олмай ошкор қилган, мен энди унга жазо бермоқчиман, сиз бунга нима дейсиз? — деди.

Арасту ҳаким айтди:

— У кишига жазо беришга ҳақкинг йўқ, ўзинг айбдорсан, сирингни ўзинг сақлай олмай, юрагинг тошиб кетиб бировга ошкор қилгансан. Ўзинг сақлай олмаган сирни бошқа киши қандай сақлай олсин?— деди.

Искандар сукут этишга мажбур бўлди.

Байт:

Чун ўзинг сирингга маҳрам бўлмадинг,

Ўзгалар гар асрамас, йўқ, бир ажаб.

* * *

Абуязид донишманд айтади:

— Бирон бир иш ҳақида ақлли одам билан кенгаш қилсанг, албатта, фойда кўрасан. Бирон бир иши ҳақида донолар билан кенгашган киши ўз мақсадига етади.

* * *

Афлотун ҳаким айтади:

— Фарзандларингизнинг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир.

* * *

Султон Маҳмуднинг жуда ҳам гўзал бир боғи бор эди. Бир кун боғда отаси Носируддавла Сабуктакин шарафига зпёфат берди. Зиёфатдан кейин ўғли отасидан:

— Азиз отам, менинг бу боғим ҳақида нима дейсиз, сизга маъқул бўлдимиз?—деб сўради. Отаси шундай жавоб берди:

— Эй кўзимнинг нури ўғлим, боғинг жуда ҳам зебо ва дилкушо боғдир, аммо давлати, бойлиги бор ҳар бир киши бундай боғни бунёдга келтира олади, лекин сен кўпларга муяссар бўлмаган бир боғни вужудга келтир, унинг мевасидек мева ҳеч ерда топилмасин.

— У боғ қандай боғ экан?— деб эди, отаси жавоб берди:

— У боғ олим, фозиллар, адиб, шоирлар, донишмандлар ва бошқа ахлоқли, тарбияли улуғ зотлар суҳбатидир. Шу улуғ зотлардан тарбия топиб, яхши ишлар зухурга келтириш унинг дарахти бўлиб, меваси - яхши номга эга бўлишдир.

* * *

Султоп Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси Сабуктакин бир кун овга чиқди. Саҳрода бир кийик ўз боласи билан бирга ўтлаб юрган эди. Сабуктакин от чоптириб кийикларни қувлади. Она кийик югуриб қочди. Хали кичкина бўлган боласи тез югура олмай тўхтаб қолди. Сабуктакин кичкинтойни тутиб олиб, унинг қўл-оёқларини боғлади, эгарининг олдида қўйиб овдан қайтмоқчи бўлди. Боласини тутқин кўрғап бечора она бетоқат бўлиб «боламини қўйиб юбор» дегандай қилиб Сабуктакин атрофида айланарди, овозини чиқариб нола қиларди. Сабуктакин она кийикнинг ҳолига раҳм қилиб, унинг боласини банддан бўшатиб, қўйиб юборди. Кичкинтой онасига бориб қўшилди, меҳрибон она севиниб ҳол тили билан Сабуктакинга ташаккур айтиб боласини олиб кетди.

Олижаноб, марҳаматли, шафқатли одамлар шундай бўладилар.

Байт:

Мардларнинг ишларин андиша қил,

То тириксан яхши ишни пеша қил.

* * *

Улуғ ва мард одамлардан Шайх Шиблий қишлоқдан шаҳарга тушиб, шаҳар бозоридаги бир дон дўконидан буғдой сотиб олди, уни бир идишга солди ва елкасига қўйиб қишлоғига қайтди. У ўз манзилига келгач, идишни очиб қаради. Идиш ичида бир чумоли хайрон-саргардон бўлиб, идишнинг у ёқ-бу ёғига югурарди, инини, ватанини изларди, ҳол тили билан ёрдам истарди.

Шайх Шиблий у чумолига раҳми келиб, тонг отгунча кўзига уйқу келмади. Эртаси куни эрталаб идиш ичида инини қидириб юрган чумолини олиб шаҳарга тушди, буғдой сотган одамнинг дўкони ёнига келиб ҳалиги чумолини қўйиб юборди. Чумоли дўкон ёнида ўрмалашиб юрган ўртоқларига қўшилиб ўз инига кетди. Шайх Шиблий буни кўриб:

— Бечора чумолини инидан жудо қилиб, овора, паришон қилишим мурувватдан эмасди, уни ўз инига келтириб қўйиб кўнглим тинчиди, шодликка тўлди,— деб севинди.

* * *

«Шоҳнома» номли асарнинг эгаси, пок зод Фирдавсий:

— Донларни ташиб юрувчи чумолини ҳам ранжитма, чунки ҳар жониворнинг жони ўзига шириндир, дейди. Кўнгли қора, бағритош бўлган киши ҳатто чумолини ҳам ранжитишга, беҳузур бўлишига рози бўлади. Ожизларга зўравонлик қилиб, уларни ранжитма, бир кун чумоли каби оёқ остида бўласан.

Исҳоқ Мусилий деган фозил кунлардан бир кун пулга муҳтож бўлиб, дўстидан пул қарз олиш учун унинг уйига борди. Дўсти уйда йўқ эди. Уйда фақат дўстининг канизаги қолганди. Исҳоқ Мусилий канизакни чақириб:

— Менга бир оз пул керак бўлиб қолди, ҳожангнинг ҳамёнини олиб кел,— деди. Канизак ҳожасининг ҳамёнини келтириб берди. Исҳоқ Мусилий дўстининг ҳамёнидан ўн сўмни олиб, чиқиб кетди.

Бир оздан кейин Исҳоқнинг дўсти уйга келгач, канизак ҳожасига:

— Сизнинг дўстингиз келиб бир оз пул сўради, ҳамёнингизни олиб чиқиб беришимни ўтинди. Мен у кишининг самимий дўстингиз бўлганини билардим. Шунинг учун ҳамёнингизни чиқариб бердим. У ўн сўм пул олиб, чиқиб кетди. Ҳамёнингизни сиздан берухсат олиб чиқиб берганим учун айбиман. Айбимни кечирасиз, деб умид этаман,— деб узр айтди.

Ҳожаси севиниб:

— Раҳмат сенга, менинг уйда йўқлигимни билдирмабсан, самимий дўстимнинг ҳожати раво бўлибди, шу қилган ишинг учун сени озод қилдим, деб канизакдан кўп миинатдор бўлди. Мана шундай бўлади ҳақиқий дўстлар!

Байт:

Кори мардонларни хўб андеша қил,

То тириксан яхши ишни пеша қил.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

Бир сўфизода йигит ўз амакиларидан қолган ҳисобсиз мол-дунёга эга бўлди. Бу мол-дунёсини фисқ-фужурга, ёмон йўللарга сарф эта бошлади, ичкиликка берилди ва ҳар турли номаъқул ишлардан чекинмади. Бир кун унга насиҳат қилиб айтдим:

— Эй, ўғил, қўлингга кирган у пул, моллар оққан сувга ўхшашдир. Айш-ишрат эса, айланган тегирмон кабидир. Келиши кўп бўлган киши кўп сарф эта олади.

Қитъа:

Даромад бўлмаса харжингни қил оз,
Ки исрофчи одамнинг ҳолига вой.
Агар тоғларга ёмғир ёғмас эрса,
Бўлур бир йилда дарё бир куруқ сой.

Ақл, адабни дуру гавҳар тутгил, ҳойю ҳавасни қўйғил. Мол-дунёнинг тамом бўлгандан сўнг кўп машаққат чекасан, пушаймон қиласан.

Йигит ейиш, ичиш лаззатига берилиб, насиҳатимни кулоққа олмади... менинг сўзларимга эътироз қилиб:

— Ҳозирги роҳатни келадиган машаққат ташвиши билан бузиш оқилларнинг раъйига хилофдир. Мен мурувват бурчагида ўтирган, жавонмардлик камарини белга боғлаган йигитман, хайр-эхсонимнинг таърифи халқ оғзига тушган,— деди.

Йигитнинг насиҳат қабул этмаганини, иссиқ нафасим унинг совуқ томирига таъсир қилмаганини кўриб, насиҳат қилишдан тийилдим.

Ҳакимларнинг: «Кишиларга ўзинг керак деб билган нарсаларни айт, қабул қилсалар кўп яхши, агар қабул этмасалар, сенга нима? Насиҳатдан оғиз очма,— деган сўзларига амал қилдим.

Бир неча вақтдан кейин ўша йигит ҳақида ўйлаганларимнинг рўёбга чиққанини кўрдим. У йигит бир ерда ўтириб, йиртилган эски кийимни ямоқ жойларига яна латта қўйиб тикарди, гадоичилик қилиб одамлардан нон сўрарди. Унинг ҳолини кўриб жуда қайғурдим. Шундай ҳолида унинг кўнглини маломат тирноғи билан тирнашни, кўнгли ярасига туз сепишни ўзимга эп кўрмай, индамай ўтиб кетдим.

Байт:

Баҳор бўлса дарахт мевасин сочгай,
Қиш ўлса, чорасиз бебарг қолгай.

* * *

Олим, фозил Ризоуддин ибн Фахриддин айтади: — Хотини ва болалари бор одам қадахга қуйилган ичкиликни қўлига кўтарса, нима сўзларни сўзлай олади? Тили сўзламаса ҳам дили ушбу сўзларни айтади: «Эй азиз оилам, сизларга қолдириб кетадиган давлатим йўқ, дунёда нима топган бўлсам, ушбу шиша билан қадах ҳаммасини битирди».

Одам боласи ақлли, ғайратли бўлиб дунёга келади, лекин унинг ақлини, ғайрат ва ижтиҳодини ичкилик битиради. Дунёда ҳар нарсани аксинча кўрсатиб турувчи нарса ичкиликдир. Яхшини ёмон, ёмонни яхши, каттани кичик, кичикни катта, озни кўп, кўпни оз кўрсатувчи ичкиликдир. Бир кишига ичкилик қадахини берувчи одам у бечоранинг виждонини ва бир оиланинг умидини ўлдириб, энг буюк жиноят қилган бўлади.

Ичкилик зарари отадан болага юқади, яъни боланинг тани ёки ақли кучсиз бўлади. Ичкилик ичувчи одам кишига ишонмайди, бирор ишга қарор бера олмайди, ирода ва нияти бутунлай тўхтади.

Оналар етти ёш билан ўн етти ёш орасида бўлган болаларининг кўз олдиларида ҳар хил ҳолда бўлган мастларнинг расмларини қўйиб туришлари керак. Болалар мастларнинг ирганчли ҳолларини, киёфаларини кўриб кўрқадилар, мастлик болаларга душман бўлиб ўринлашади. Бунинг фойдаси тажриба этилгандир. Болалар ҳузурида мастларга ачиниб сўзлаш, уларнинг оилалари бошларига тушган қайғу-аламларни сўзлаш лозимдир. Оналарнинг бундай сўзларидан болалар жуда зўр таъсирланадилар.

Ичкилик инсоннинг саломатлигини битирувчи захардир, бунинг зарарларини болаларига яхшилаб тушунтириш ота-оналарнинг бирдан-бир муҳим вазифаларидир.

* * *

Олимлардан Мақсудий айтади:

— Биродарлар, душманларингиздан қўркманг, шпкоят этманг, улар сизларга зарар еткиза олмайдилар, чунки уларнинг душман эканликларини биласиз, шунинг учун ҳар бир ишингизда эҳтиёткорона ҳаракат қиласиз. Боз устига халқ сиз томонда, душман нима сўзламасин, бари бир ишонмайди. Шунга кўра душманларингиздан унча хавфсираманг, сизларга асл зарар етказадиган кишилар ўз дўстларингиздир. Қандай дўстларингиз? Албатта чин, самимий дўстларингиз эмас, риёкор, мунофиқ, тилёғламачи дўстларингиздир. Сизлар самимий дўстларингизнинг сўзларига эмас, кўпинча, риёкор дўстларингизнинг сўзларига лаққа тушасизу, улардан кўрган зарарингизни ҳеч бир душманингиздан кўрмайсиз, сўзимизнинг исботи учун далил керакми? Мана сизларга битта далил:

Ичкиликка берилган одам жонли бир қазо, оиласи учун буюк бир балодир. Бу бечоранинг ичкиликка муккасидан кетишига кимлар сабабчи бўлди? Душ-манларими? Ҳеч-да. Одам ўғли ичишга душманларидан ўрганмайди. Ҳеч бир душман ўз душманига:

— Қани юр, юзта-юзта қилиб, кўнглимизни очиб келайлик,— деб душманининг қўлидан тутиб, уни судрамайди, бу ҳаммага маълум ҳақиқат. У бечорани юзта-юзтага ундовчи, ниҳоят ирганчли ҳолга тушишига сабабчи бўлган риёкор дўстларидир. У боёқиш одам сифатидан чиққандан кейин, уни масхара қилиб, сонга санамай кулиб юрувчилар яна ўша дўстлари бўлади.

Биродарлар! Риёкор, икки юзламачи кишиларнинг дўстликларига ишонманг, чунки ҳамма ирганчли, бузуқ ишларни шулар ўргатадилар, чин, самимий дўстлар топишга киришинг. Самимий дўстлар сизларни тўғри йўлга бошлайди, гўзал маслаҳатлари билан ҳар вақт сизларга ёрдам берадилар.

Байт:

Кимки қилмабдир ишига эҳтиёт,
Топмас ул ҳасрат, аламлардан нажот.

* * *

Бир донишманд ўз дўстларига ушбу ўн турли насиҳатни айтиб қолдирган экан:

1. Тўғри ўйла, тўғри сўйла. 2. Ишингнинг ҳамма катта ва кичик ерларига диққат қил. 3. Бу соат ичида ишлашинг мумкин бўлган ишингни дарҳол ишла, кейинга қолдирма. 4. Ишингга берилиб муҳаббат билан ишла, агар янглишганингни билсанг, уни кечиктирмай тузатишга ғайрат қил. 5. Бурчингни ваъда қилган вақтда адо эт, ваъдасизлик қилма. 6. Фойдасиз ошна-оғайнилариנגга боғланиб юрма. 7. Ичкиликдан ҳазар қил, бу заҳардан ўзингни сақла. 8. Нима бўлса пешанамга ёзилгани бўлади, деб пешонага ишониб юрма. 9. Қўпол сўзли бўлма, хушмуомалали бўл. 10. Ўз ишингда, ўз сўзингда қаттиқ тур.

* **

Мавлоно Ёқуб Чархий айтади:

— Эҳтиёжингизни бир кишига арз этиб ёрдам сўраганингизда, у киши қабул қилиб ёрдам берса, миннатдор бўлинг. Агар у киши ёрдам бера олмаслигини айтиб, узр сўраса, узрини қабул қилинг.

* * *

Шайх Шаҳобиддин айтади:

— Тилингни доим тўғри сўзлашга кўниктир, лофчилик, ёлғончиликдан тилингни тий. Кўзингни ҳалол нарсаларга тик, ман этилган ҳаром нарсаларга қара-ма. Қулоғинг одоб, ахлоққа ҳилоф бўлмаган яхши сўзларни эшитсин. Ёмон сўзларга қулоқ солма. Қўлингни бошқаларнинг нарсаларига узатишдан сакла, ўғрилиқ кўчасига кирма. Оёғинг ёмон йўлларда юрмасин. Мана шу айтилган нарсага амал қилсанг, сенга бахт-давлат ёр бўлади, халқ қошида иззат, обрўга эга бўласан.

* * *

Шайх Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Азиз ўғлим, ёмонлар билан суҳбатдош бўлма, улардан арслондан қочгандай қоч, ҳаммага раҳм ва шафқат кўзи билан қара, нафсингни тий, ҳавойи ҳавасга берилма. Таъмадан узоқлаш, очкўзликдан, бахилликдан, ўринсиз қулгилардан, масҳарабозликдан ҳазар қил, очиқ юзли, ширин сўзли, хушмуомалали бўл. Олим, фозил, одоб, ахлоқ, тарбия эгалари билан суҳбатлаш, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўл.

* * *

Олимлардан Аҳмад Жавод айтади:

— Бир кишининг нарсасини олмоқчи бўлсак, эгасининг розилиги билан олайлик, эгаси рози бўлмаса, унинг бирор нарсасига қўл теккизмайлик.

* * *

Фаридиддин Аттор айтади:

Дўст билан гар бўлса, тадбиринг сенинг,
Ёр бўлғай бахту дастгиринг сенинг,
Сен агар манманлигингни ташладинг,
Ул замон давлат этагини ушладинг.

* * *

Олимлардан Низомуддин бин Ҳусайн айтади: — Бир кишига ёлғондан муҳаббат ва ихлос қилиб, уни мунофиқона мақташ энг ярамасликдир. Бундай иккиюзлама, мунофиқ кишилар асаларига ўхшайдилар, чунки асаларининг оғзида шакару, аммо дилида заҳар бордир. Баъзи мунофиқларнинг ёлғондан мақташлари, ихлос, муҳаббат кўрсатишлари қилиқларидан, сўзларидан дарров билинса ҳам, баъзи уста мунофиқларнинг самимий, чин кўнгилдан дўст эмасликлари кейинроқ билинади, ишлаган ишларидан тажриба билан маълум бўлади. Бундай му-нофиқларнинг тилёғлама сўзларига ишониш аҳмоқлик аломатидир.

Байт:

Боғлама кўнгил мунофиққа, садоқат рангдир,
Сенга бўлган ундаги меҳру муҳаббат рангдир.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

— Йигитлик ёшимда зўр куч-қувватга эга эдим, ўзимдан кичик ва кучсизларнинг қўлларини қайириб, дилларига озор берардим, ҳамма мендан безган эди.

Нихоят бир кун ўзимдан қувватли бир кишининг муштини едим. Шундан кейин ҳеч кимга зўравонлик қилмадим.

Эй ўғил, кучим бор деб зўравонлик қилма, ҳеч кимга жабр-жафо айлама, агар зўравонлигингни давом эттирсанг бир кун зўравонлиқнинг қандай кўнгилсиз натижа берганини кўрасан.

Байт:

Чоҳ қазиса биров бировга, эй ёр,
Унга ўзи йиқилур деган масал бор.

* * *

Арасту ҳаким айтади:

— Маишатиға кифоя этарлик давлатга эга бўлган киши ундан ортиқчани талаб қилмасин, ортиқча талаб қилган киши бениҳоя қайғу-аламларга гирифтор бўлади.

* * *

Машҳур олимлардан Жалолиддин Муҳаммад айтади:

Бир бой киши хизматкорига ўзининг зийнатли асбоблари, насл-насабини сўзлаб, улар билан мақтанди. Бойнинг сўзларини хизматчиси рад қилиб, шундай жавоб берди:

— Сиз чиройли, қимматбаҳо кийимлар кийиб ўзингизга зийнат бергансиз, у зийнат сизда эмас, кийимлардадир. Минган отингиз билан мақтансангиз зийнат, комиллик сизда эмас, отингиздадир. Ота-боболарингиз фазилатлари билан ифтихор қилсангиз, у фазилатларнинг эгалари—улардир, сиз эмассиз. Агар ўша фазилатларнинг эгалари ўз ҳақларини қайтариб олсалар, сизга ҳеч нима қолмайди, у фазилат сизга ўтмагани сабабли қайтариб олишнинг ҳожати ҳам йўқ. Бошқаларнинг зийнатлари билан зийнатлана олмайсиз, хулқ-атворингизни туза-тинг, фазилатли бўлинг. Мана булар ўз зийнатларингиз бўлади. У вақтда ўз зийнатиңгиз билан ифтихор этишга ҳақли бўласиз.

* * *

Бир бой одам донишмандлардан бирига:

— Мен сизга юз сўм ҳадя қилмоқчиман, сиз бунга нима дейсиз?—деди.

Донишманд шундай жавоб берди:

— Ҳадя қилсанг, ўзинг учун яхши, ҳадя қилмасанг, мен учун яхши, чунки менга пул берганиңдан кейин ҳар кимга «Фалон донишмандга юз сўм ҳадя қилганман» деб айтасан, миннат қилиб юрасан. Ҳеч нарса бермасанг, миннат қилиб юришингдан қутулиб қолган бўламан.

Байт:

Кутма дардингга даво пасткаш, қурумсоқ кишилардан,
Ким чаён ниши билан олгай оёқлардан тикан?

* * *

Олимлардан Муҳаммад ибн Аҳмад айтади:

— Нодон киши кўнглига нима келса, шуни ишлашга киришади, ишининг оқибати нима бўлишини ўйламайди, тажриба қилинмаган, синалмаган одамнинг сўзига ишониб иш олиб боради, ўзига ишончи кўп бўлади, мақтаганни хуш кўради, бир нарса ҳақида сўрасалар, шошилиб жавоб беради. Ҳар хусусда шошма-шошарлик қилади. Маърифатдан холи, бўш ва хатоси кўп бўлади, ўнгга ва чапга кўп қарайди, мутақаббир ва мағрур бўлади, ножўя сўзларни сўзлашдан тортинмайди, тили аччиқ бўлади, оғзидан ширин сўз чиқмайди, айтилган сўзга тушунмайди, кулса қаттиқ кулади, йиғласа кичкириб йиғлайди.

Мана шу каби ярамас одатларга эга бўлган кишиларга нодон одам дейилади.

* * *

Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

— Ҳожати раво бўлишини тилаган киши иложи борица бошқаларнинг ҳожатларини раво қилишга киришсин. Искандар Румийдан:

— Ҳаёт лаззатини нима нарсаларда топдинг?— деб сўрадилар. Искандар:

— Ҳаётим лаззатини уч нарсада, яъни душманларнинг келтирадиган зиёнларини қайтаришда, дўстларнинг кўнгилларини кўтариб, уларни сарафроз этишда, ожиз, муҳтожмандларнинг ҳожатларини раво қилишда топдим,— деб жавоб берди.

* * *

Жалолиддин Румий айтади:

— Саломатликни истасанг, мағрур, мутақаббир бўлма, адоват, гина сақлашдан йироқ бўл. Қаноат — туганмас бир хазинадир, бунинг ҳақиқатини яхши тушунишга ғайрат қил. Қаноатнинг фақат номинигина ўрганиб, бир қанча хатоларга, ранж ва азиятларга тушмаслик керак. Қаноат аҳли ҳар жиҳатдан хушвақт ва мамнундир.

Байт:

Ҳирс аҳли кўзларининг косаси пур бўлмади,
То садаф қилмай қаноат оғзи дурдан тўлмади.

* * *

Араб олимларидан Ҳаддод айтади:

— Ҳар хил табиатли одамлар билан танишиб, уларнинг феъл-атворларини яхшилаб ўрган, ҳар бирини синаб кўр, шу билан дўстни душмандан, яхшини ёмондан, олимни жоҳилдан, каттани кичикдан ажратасан. Агар шундай қилсанг, одамларнинг зоҳирий кўринишларига алданмайсан, улар билан қилган муомалангдан мақсадинг ҳосил бўлади. Атрофингда бўлган одамлардан ҳар бирининг ҳолини сина ва уни ўз ҳолинг билап таққосла, агар у бахтиёр одам бўлса, сен ҳам унга ўхшаш бахтиёр бўлишга ғайрат қил.

Байт:

Ҳар ким ўз айбини билса, мард эрур,
Бошидан айлангил аҳли дард эрур.

* * *

Қадимги Эрон шоҳларидан Ҳушанг ўз ўғлига васият қилиб айтади:

— Эй фарзанд, иккиюзлама, ғаразғўй одамлардан ҳазар қил, уларни ёнингга йўлатма, чунки улар маъносиз даъво билан дўстлик лофини урадилар, яхшилик гавҳарларини ёмонлик ипига тизадилар, маъкул ва мақбул ишларни қабих, ирганчли либосга ўраб ёмон шаклда сенга кўрсатадилар.

Байт:

Бўлмагил соҳиб ғаразга ошно,
Оқибат жонингга еткизгай жафо.

* * *

Мавлоно Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

— Донишмандлар: «Меҳмоннинг кимлигига қараб, ўз лутф-карамингга қара»,— деганлар.

* * *

Алишер Навоий айтади:

Эй Навоий, неча душман бўлса, ёнма дўстдин,
Ким сенга бўлмишдур ул юз минг таманно бирла дўст,

* * *

Абу Али ибн Сино айтади:

— Инсоннинг доимий гўзаллик ва латофати ҳаёдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.

* * *

Муҳиддин ибн Арабий айтади:

— Бировга жабр қилишдан, душман орттирадиган ишдан сақланиш бошқанинг ҳусумат ва адоватига йўл қўймайди. Мен ҳеч кимга ёмонлик қилмадим. Жабр, зулм ва адоватдан узоклашдим. Шунинг учун ҳеч ким менга душман бўлмайди.

* * *

Абдурахмон Жомий айтади:

— Ҳақимлар иттифоқи бўйича, беш нарсага, яъни соғ-саломатликка, хотиржамликка, кенг ризқ-насибага, самимий, меҳрибон дўстга, роҳат-фароғатга эга бўлган одам умрини тинчликда, шод-хуррамликда кечиради.

* * *

Сукрот ҳақим айтади:

— Нодон одам ўз нодонлигини сукут этиб билдирмаса, шунинг ўзи билан ҳам уни оқиллардан ҳисоблаш мумкиндир. Лекин нодонлик билан сукутнинг иккиси бир одамда жам бўлмайди.

* * *

Хусайн воиз Кошифий айтади:

— Меҳру шафқат ва лутф карам эшигини дўстлари юзига очиб қўйган, уларнинг ҳожатларини чиқарган дўст — энг самимий дўстлардан саналади. Дўс-тидан биронта нарсасини аяган одам дўстликка ярамайди.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

— Бир донишманддан: саҳоват билан шижоатнинг қайси бири яхшироқ? - деб сўрадилар. Донишманд: «Кимда саҳоват бўлса, у кишига шижоатнинг ҳожати йўқдир»,— деб жавоб берди.

* * *

Фаридуддин Аттор айтади:

Ўзгалар қадрини бил, эй муҳтарам,
Токи билгайлар сенинг қадрингни ҳам.

* * *

Шайх Зиёулло айтади:

— Ҳар ким куруқ гап сотувчи ва бировдан айб, камчилик изловчи бўлса, ҳеч кимга мақбул ва марғуб бўлмайди. Азиз умрини бекорга ўтказди. Ҳар ким халққа хайрихоҳ бўлмаса эл ҳурматини қозонмайди, мартабаси ошмайди. Ҳар ким дилозор бўлса, халқни ранжитса, ҳамиша қайғуда, хавф-хатарда умр кечирилади. Ҳар ким қаҳр-ғазаб ўтини чидам, мулойимлик ва андиша суви билан ўчирмаса, кейин пушаймонлик гирдобига тушади. Ҳар ким исрофдан чекилмаса маишатда ўртача, мўътадил йўл тутмаса, муҳтожлик ўтида қовурилади. Ҳар ким ҳарис, очкўз бўлса, тинчлик юзини кўрмайди. Ҳар ким эзмаликдан, ёлғон сўзлашдан тийилмаса, ҳеч ким унинг сўзларига эътибор қилмайди, халқ қошида обрўси тўкилади. Ҳар ким қўпол сўзли, аччиқ тилли ва бадмуомала бўлса, ҳамманинг нафратига сазовор бўлади.

Байт:

Феъли бадлардан ўзингни пок қил,
Аҳли ҳикмат сўзларин идрок қил.

* * *

Хусайн воиз Кошифий айтади:

— Ҳар кишида мулойимлик, хушмуомалалик бор бўлса файз, камол топишидан ўзга эҳтимол йўқдир. Ҳар киши бадфеъл бўлса, вайрон бўлишдан бошқа чора йўқдир. Хушфеъллик, мулойимлик ҳамма неъматларнинг яхшироғидир.

* * *

«Кутадғу билиг» номли машҳур асар муаллифи Юсуф Хос Ҳожиб айтади:

— Ёлғон кишининг обрўсини тўқади, ҳазил-мазах ҳам кишини шунга ўхшаш беиззат қилади. Ҳазил оқибати интиқом билан яқунланиши мумкин. Ёлғон сўз, ҳазил-мазах ҳеч кимга

маъкул эмасдир, ёлғончи киши ҳар ким қошида беобрўдир.

* * *

Алишер Навоий айтади:
Қилма улус ахлу аёлига қасд,
Айлама эл жонию молига қасд.

* * *

Хусайн воиз Кошифий айтади:
— Гўзал феъл-атворнинг нишонаси ўн нарсадир: биринчи нишонаси — яхшилик; иккинчи — инсофли бўлиш, учинчи — бошқа одамдан айб қидирмаслик; тўртинчи — бирор кишида ножўя ҳаракат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш; бешинчи — бир одам ўз айбига иқрор бўлиб узр этса, узрини қабул қилиш; олтинчи — бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш; еттинчи — фақат ўз манфаатинигина кўзламаслик; саккизинчи—очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш; тўққизинчи — мухтожларнинг ҳожатларини чиқариш; ўнинчи — мулойим ва тавозели бўлишдир.

* * *

Алишер Навоий айтади:
Сен ани инсон атагил бериё,
Ким ишидир сабр ила шукру ҳаё.

* * *

Исрофчилардан бири Сукрот ҳакимга камбағал бўлиб қолганлигидан шикоят қилди. Сукрот у одамга шундай маслаҳат берди:

— Исрофингизга бир чегара қўйиб пулингизни тежанг, ўзингиз ўзингиздан қарз олинг.

* * *

Абул Ало ал-Маарий айтади:
— Ўзингга хайрликни, бахт-саодатни истасанг, ичкиликни тарк қил, чунки ичкилик Од ва Яман қабилаларидек қувватли ва маданиятли халқларни хароб қилди.

* * *

Шайх Саъдий айтади:
— Улуғ шайхларнинг бирига: «Фалон одам менинг ҳақимда кўп нолойиқ сўзлар тарқатиб юради»,— деб у одамдан шикоят қилдим.

Шайх:

— Гўзал хулқ-атворинг, одобинг билан уни уялтир,— деб жавоб берди.

* * *

Хусайн воиз Кошифий айтади:

— Яхши қилик, гўзал муомала бир йўлдирки, у йўл билан юрмасдан туриб иззат ва шараф манзилига етиб бўлмайди. У йўлга қадам босмасдан туриб вужуд юкини ҳайвоният биёбонидан инсоният дорил-мулкига элтиб бўлмайди.

* * *

Анушервон ўзининг донишманд вазири Бузуржмехрдан:

— Мулойим кишининг нишоналари қайси?— деб сўради. Бузуржмехр айтди:

— Мулойим кишида уч белги бўлади: 1— аччиқ юзли, қаттиқ сўзли кишилар унга қўпол сўзласалар ҳам, у яхшилик кўрсатади. 2 — қахр-ғазаб ўти шуъла урганда тишини тишига босади. 3— бир кишидан ўзига зиён етгач, унга жазо беришга куч-қуввати етса ҳам аччиғини ютади.

Баён:

Ювошлик чу этди ғазаб бўлди паст,
Ғазабга чидашлик етирмас шикаст.

Донишмандлар: «Гуноҳ ҳар қанча буюк бўлса ҳам, афв савоби ундан ҳам буюкроқдир», - деганлар.

* * *

Қадимги «Умавия» халифаларидан Умар ибн Абдулазиз бошқа бир шаҳардан келган одамдан сўради.

— Менинг амалдорларим сизлар билан қандай муомала қиладилар?

У одам жавоб берди:

— Катта ва бош ариқнинг суви тиниқ, тоза, пок бўлса, ундан ажралиб чиққан ариқчаларда оқадиган сувлар ҳам тиниқ ва тоза бўладилар.

* * *

Мавлоно Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

— Ҳимматсиз, пасткаш киши бахил, мумсик кишидан ёмонроқдир. Бахил ўз пул, молидан ўзи фойдаланса ҳам, бошқа кишига фойда етказмайди. Мумсик ўзи ҳам емайди ва бошқа кишига ҳам едирмайди. Ҳимматсиз, пасткаш киши ҳам ўзи емайди, бошқага ҳам едирмайди ва бунинг устига, бир киши иккинчи бир кишига ёрдам қилганини кўролмайди, у кишининг лутф-карам қилишига йўл қўймайди.

* * *

Алишер Навоий айтади:

Ҳиммат агар бўлса Навоий сенга,
Бандадурур Ҳотами Тойи сенга.

* * *

Луқмон ҳаким ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Эй ўғил, одамлар сўзга устомонликлари билан мақтансалар, сен сукутинг билан мақтан.

Ҳар нарсанинг далили бор. Ақлнинг далили — фикр, фикрнинг далили сукутдир.

* * *

Афлотун ҳаким айтади:

— Ҳар ким давлати, мол-дунёси бор вақтда халққа шафқат, мурувват қилмаса, мабодо йўқчиликка тушиб қолганда, ҳеч ким унга шафқат назари билан қарамайди. Ҳиммати зўрнинг қиммати зўрдир.

* * *

Арасту ҳаким айтади:

— Тўғрилиқ учун қурбон бўлиш — ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир.

* * *

Арасту ҳаким яна айтади:

— Улуғликка эришиш жуда қийин, аммо хасислик, пасткашликка тушиш жуда осондир.

* * *

Сукрот ҳаким айтади:

— Кўнгилнинг икки офати бор. Бириси: ўтган ишга қайғуриш, иккинчиси: келгуси ишни ўйлаб ғам, алам чекишдир. Биринчисидан, одам кўп уйқучан бўлса, иккинчисидан, уйқусизликка мубтало бўлади.

* * *

Қадимги фозиллардан Асмаий айтади:

— Бир юз йигирма ёшга кирган бир кишини кўриб ундан сўрадим: «Узоқ умр кўришингизга сабаб нима?»

У киши:

— Ҳасад, кинчиликдан парҳез қилдим. Мана шу хислатим узоқ умр кўришимга сабабчи бўлди,— деб жавоб берди.

Байт:

Ғар десанг умримда ғамгин бўлмайин,
Қилма ҳеч кимга ҳасад, ҳам тутма кин.

* * *

Бобораҳим Машраб айтади:

Ҳар киши нокас билан ҳамкосадир,
Минг шарофатни касофат босадир.

* * *

Бир донишманднинг шогирди устодидан:

— Одамлар орасида эзгулик қилишга энг сазовор бўлган одам ким?— деб сўради.

— Онанг,— деб жавоб берди устоди. Шогирди яна сўради:

— Ундан кейин ким?

— Онанг,— деб айтди устод. Шогирди яна сўради:

— Ундан кейин ким?

— Онанг,— деди донишманд устод.

Шогирди яна тўртинчи марта «ундан кейин ким?» деб сўрагач, устоди:

— Отанг ва бошқа қавму қариндошларинг,— деб жавоб берди.

* * *

Искандар Румий бир кун устоди Арастудан: — Эй, устод, мен буюк ишларга қадам қўйдим. Бу ишларим натижасида дўстларни ҳам, душманларни ҳам топаман. Улар билан қандай муомала қилишим керак?—деб сўради.

* * *

Арасту ҳаким шундай деб эди:

— Илож бориचा ўзингга душман орттирма. Бирор киши сенга душманлик кўрсата бошласа, сен унга марҳамат назари билан қара, дилнавоз бўл, шу билан у киши дўстларинг қаторидан жой олади. Дўстларингни шафқат ва марҳаматинг билан сарафроз қил, улар сендан ажралмай, самимий дўстларинг бўлиб қоладилар.

— Ёлғончи кишидан вафо кутма. Тўғри сўз кўнгилга аччиқ ва каттиқ тегади. Одам яхшилик қилганга яхшилик қилади, бир яхшиликка ўн ҳисса яхшилик қайтаради. Кимнинг асли пок — соф бўлса, у одам элга манфаат етказди.

Эй мард одам! Одамийлик қил, олий ҳимматли, тавозеъли, очик юзли, ширин сўзли бўл.

* * *

Жолинус ҳаким айтади:

— Тўрт нарса тўрт нарсага, яъни улуғлик — адабга, хурсандчилик — хотиржамликка, яқинлик — дўстликка, ақл — тажрибага муҳтождир.

* * *

Афғон шоири Абдулла Бахтоний айтади:

Ҳаётда сен курашсанг, фойда ё зиён учун,

Ўйламагил ўзингни, дегил: «Бу жаҳон учун»,

Жонингни фидо қилиб ёрит ўзгалар уйин,

Шунда инсон бўласан, яшайсан инсон учун.

* * *

Олимлардан Низомиддин ибн Ҳусайн айтади:

— Фалон киши сенинг ҳақингда бундай сўзлади, «фалончи сени ёмонлади» деб сўз юритишга «чақимчилик» дейилади, чақимчиликни инсофли, одамгарчилиги бор киши қабул қилмайди, чақимчилар ҳар хил бўлмағур сўзларни адоват ва ҳасадлари туфайли сўзлайдилар.

* * *

Бир донишманд ўз шогирдларига:

— Сизларга энг ёмон одамлар кимлар эканидан хабар берайми?— деган эди, шогирдлари устоддан буни ўтиндилар:

— Чақимчилик қилиб одамларни бир-бирларига душман этган одамлар энг ярамас, энг ёмон кишилардир.

Донишманд яна шогирдларига чақимчиликнинг дилга етказадиган озори ҳақида фикр билдириб:

— Бирингиз иккинчингизнинг сўзингизни менга еткизманг, мен саломат ва роҳатда бўлган қалб билан сизларга йўлиқишни истайман,— деди.

* * *

Яна бир донишманд шогирдларига насиҳат қилиб:

— Мол-дунё ўғриларида кўра, одамлар орасидан улфат ва муҳаббатни ўғирлаб юрганлардан сақланинг,— деди.

Байт:

Киши санчиқ сўз айтса сан чиқ ондин,

Ёмондан қоч, ёмондан қоч, ёмондин.

* * *

Умар Ҳайём айтади:

Дўстга ҳам, душманга ҳам яхшилик қилиш яхшидир. Яхшилик қилишни ўзига одат қилиб олган одам ҳеч бир вақт ёмонлик қилмайди. Агар дўстингга ёмонлик қилсанг, у сенга душман, душманингга яхшилик қилсанг, у сенга дўст бўлади.

* * *

Қадимги Эрон донишманди Бузуржмехр ўз устозидан сўради:

— Дунёда энг яхши киши ким? Устози жавоб берди:

— Одамларга фойда етказган киши. Яна сўради:

— Қандай кишини сахий деб айтиш керак?

— Сахий одам эҳсон қилганида шодланади, пушаймон бўлмайди,— деб жавоб берди устози.

* * *

Ҳусайн воиз Кошифий айтади: Бир кун Довуд Лукмондан:

— Эрталаб қандай турасан?—деб сўради. Лукмон шундай жавоб берди:

— Қўлимга таянмасдан тураман.

Лукмон ҳаким шу сўзи билан фазилат ва адолатнинг кераклигини айтмоқчи эди. Довуд Лукмоннинг жавобини эшитгач, бир муддат ўйлаб қолди, кейин наъра уриб беҳуш бўлиб йиқилди.

* * *

Алишер Навоий айтади:

— Лукмон ҳакимнинг ранги қора эркандир. Довуд алайҳиссаломнинг суҳбатига мушарраф бўлур эрди.

Байт:

Тингла донолар баёнин, эй ўғул,

Хар нима ҳикмат эли дер қил қабул.

СУКУТ — АҚЛЛИЛИКДИР

Айтишларича, Лукмон ҳаким бир куп ҳазрати Довуднинг ҳузурига келди. Довуд совут, зирҳли кийим тайёрлаш билан машғул эди. Лукмон ҳаким у вақтгача бундай бир кийимни кўрмаганди, шунинг учун бунинг қандай кийим эканини сўрамоқчи бўлса ҳам сабр этиб, сўрамасдан кийимнинг тайёр бўлишини кутиб турди. Довуд кийимни тайёрлаб кийиб олди, шодланиб Лукмон ҳакимга:

— Лукмон, кўрдингизми, қандай гўзал жанг кийими тайёрладим,— деб мақтанди.

Ундан Лукмон ҳаким Довуд тайёрлаган кийимнинг нимага ярашини билиб ўз-ўзига: «Сукут қандай буюк ақллиликдир», деди.

Хулоса:—Керак бўлмаган ерда сўз сўзлаш бир камчиликдир, фақат сўз сўзлаш керак бўлган вақтдагина сукут этмаслик лозим. Ақлли инсонлар: «Сўз кумуш бўлса, сукут олтиндир» деганлар, бундан мақсад, «фойдасиз ерда сўз сўзлама» демакдир.

* * *

Лукмон ҳакимдан:

— Насихатларингизнинг кўпи ёшларга оид бўлади, аммо ёши катталарга камроқ бўлади, бунинг сабаби нима?—деб сўрадилар.

Лукмон ҳаким шундай жавоб берди:

— Боғбон ерни юмшатиб бир дарахт кўчатини ўтказиб, унинг атрофини хас-ҳашакдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаб, керак бўлган вақтда сув бериб турса, умуман яхши диққат қилиб тарбияласа тез вақтда дарахт вояга етади, унумли, серҳосил бўлади.

Болани ҳам ёшлигидан бошлаб яхшилаб тарбия қилинса, гўзал ахлоқли, одобли этиб ўстирилса, у бола ўзига, ота-онасига бахт-саодат келтиради, жамиятнинг энг фойдали аъзоси бўлиб етишади. Шунинг учун мен ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият бераман, ваъз-насихатларимнинг кўп қисми ёшларга оид бўлади.

Байт:

Ҳар ўғил, кизга керакдир руҳи афзо тарбият.

Айлагай орзу, умидларни мухайё тарбият.

* * *

Лукмон ҳаким айтади:

— Нафсинг йўлига юрма, қаноатли бўл, ўзингда бўлмаган сифатларни айтиб сени мақтаган киши сўзларига алданма. Йўлдошларинг билан низолашма, ҳеч кимни ўзингдан паст кўрма, сиригнинг ошкор этма, молу дунёингга мағрур бўлма, ҳар кимга очиқ-юз, ширинсўзлик билан муомала қил.

* * *

Алишер Навоий айтади:

— Лукмон ҳақимнинг тўрт минг ҳикматли сўзини қайд этганлар. Уларнинг тўрт сўзини сайлаб олганлар. Бу тўрт сўздан иккитасини доим ёдда тутиш, қолган иккитасини эса унутиш керакдир. Доим ёдда тутиш керак бўлган иккита сўздан биттаси ўзининг қилган ёмонлиги, иккинчиси бошқанинг қилган яхшилигидир. Унутилиши керак бўлган икки сўздан биттаси ўзининг қилган яхшилиги, иккинчиси бошқанинг қилган ёмонлигидир.

* * *

Лукмон ҳақимдан:

— Ҳикматли сўзларингиз, одоб-ахлоққа доир ваъз-насихатларингиз билан кўпларни яхши йўлга солдингиз, насихатларингиз кор қилмай, ўзининг ёмон феъл-атворини ташлай олмаган киши ҳам борми?—деб сўрадилар.

Лукмон ҳақим:

— Бор, у — жохил, бадфеъл одам. Уни шу ярамас хулқдан қайтаришга ҳар қанча уринсам ҳам фойдасиз бўлиб чикди, тузатишдан ожиз бўлдим,— деди.

* * *

Афлотун ҳақим айтади:

— Баданнинг қуввати — овқат, ақлнинг қуввати эса ҳикматли сўзлар, донолик ва донишмандликдир. Агар ақл шулардан маҳрум бўлиб қолса, овқатсизликдан бадан ҳалок бўлгани каби ҳалок бўлади.

Оналар болаларини таом едиришдан аввал сут билан боқадилар, шунга ўхшаш комил устозлар ҳам ўқувчиларга дарс беришда аввал енгил илмларни ўргатиб, кейин оғир илмга кўчадилар.

* * *

Машҳур олимлардан Абу Мансур ас-Саолибий айтади:

— Мулоимлик дарахтини эккан киши, саломатлик мевасини теради. Қийналишдан кўрқиб ўрганишни давом эттирмаган киши, илмни эгаллай олмайди. Тўғри, ҳақ гапирган киши ҳамманинг ишончини қозонади. Душман билан яқинлашган кишидан унинг дўстлари қочадилар. Ишининг оқибатини ўйлаган киши фалокатлардан омон қолади.

* * *

Шоир Бобораҳим Машраб айтади:

Ҳар киши душманга бўлса рағбати,

Охири ундан кўрар минг офати.

* * *

Олпмлардан Низомиддин ибн Ҳусайн айтади:

— Кўрқоқлик сифати энг ёмон ва зарарли сифатдир. Ёшликдан бошлаб кўрқоқликка

одатланган болалар улғайганларида ҳам кўрқоқ бўлиб қоладилар. Бир ишга бел боғлаб, ғайрат билан кириша олмайдилар. Нодон ва тарбиясиз кишиларнинг сўзларига ишониб залолат ва қоронғиликда қоладилар, тўғри йўлдан озадилар.

Болаларингизни кўрқоқлик соясига сира ҳам яқинлаштирманг, улар арслон юракли бўлиб етишсинлар. Ҳеч нарсадан кўркмайдиган ғайратли, матонатли, ишчан бўлсинлар.

Байт:

Довюрак бўлгил, болам, кўркишга ҳеч йўл бермагил,
Тарбиясизлар гапин асло қулоққа олмагил!

* * *

Олимлардан Сайид Али Ҳамадоний айтади: — Фалокатга дучор бўлишни истамасанг, мағрур ва мутакаббир бўлма. Роҳатда яшашни истасанг, дилингни ҳирсдан пок қил. Хор-зорликни истамасанг, таъмагир бўлма, ўзингга яхшилик қилинишини истасанг, яхшилик қил, ҳеч кимга озор берма, яхшиликни улуғ иш деб бил. Қадр-қимматинг ошишини истасанг, баланд ҳимматли бўл, ишинг пушаймонлик билан натижаланишини истамасанг аввал яхшироқ ўйлаб, доно тажрибакорлар билан кенгашиб, сўнгра ишга кириш. Ўзингни ҳаммага севдиришни истасанг, феъл-атворларингни тузат, адабли, тарбияли бўл. Обрўга, иззат ва ҳурматга эга бўлишни хоҳласанг, ҳалол меҳнат қил, фидокорона ишла. Ҳамманинг қошида ишончли, марғуб ва мақбул одам бўлишни тиласанг ёлғончиликдан сақлан, чақимчи, ифвогар бўлма, маъносиз, тутуруксиз сўзларни сўзлаб юришдан ҳазар қил. Мабодо ўнғайсиз ҳолда қолсанг, ишингда муваффақиятсизликка учраб, қайғу, ҳасрат ичида қолсанг дод-фарёд қилиб юрма, сабр қил. Ўнғайсиз ҳолдан қутулиш чорасини кўр.

Қитъа:

Сен қазо-ла қастлашиб йиғлама, кўп етса алам,
Сенинг минг йиғлаганинг бирла қазонинг иши йўқ.
Ғам-аламдин қутулмоқлик чорасин кўрсанг агар,
Тинч, роҳатда яшайсан, ранжу, жафонинг иши йўқ.

Ҳамиятли одам паноҳ истаб келганларни ўз паноҳига олади. Имкони борича уни ҳимоя қилади, зарар еткизмасликка тиришади.

* * *

Юсуф Хос Ҳожиб айтади:

— Тўғри сўз кўнгилга аччиқ тегади, ҳазм қила олсанг, унинг манфаати маза беради. Тўғрилиқ мақсадга еткизади. Тўғри киши қаерда бўлса ҳам кунлари бахтиёрлик билан кечади, ёруғ кунлари қоронғилашмайди. Халққа манфаат еткизган одам чин одам ҳисобланади. Уятсиз киши — кишиларнинг тубани бўлиб, унинг тили тўғри сўзни сўзламайди, кишиларнинг сараси — садоқатли кишидир. Одам фаросатли бўлса, унутмайдиган, ўйлаб иш юритадиган бўлади.

* * *

Сукрот ҳаким айтади:

— Могу дунё орттиришга кўп майл қилма, чунки кўп майл қилганга унинг хиёрати кўпроқ бўлади. У бир вақт бировни семиртиса, бир вақт йиғлатади.

Бошқалар ёнида бировга айбларини айтиб насиҳат қилиш — уни одамлар орасида уялтириш демакдир. Шунинг учун холи жойда насиҳат қилиш керак.

* * *

Искандар Румийга айтдилар:

— Сиз жуда улуғ подшоҳ бўлсангиз ҳам, кўп хотин олишга майлингиз йўқ, агар хотинингиз кўп бўлсайди, кўп ўғил-қизга эга бўлиб, шуҳратингиз яна ҳам ошарди, вафотингиздан кейин номингиз халқ оғзида доимо ёт этилади.

Искандар жавоб берди:

— Шуҳрат қозониш, шаън-шарафга эга бўлиш ва олгандан кейин ҳам номни яхшилик билан ёд этилиши хотин ва бола-чақанинг кўплиги туфайли бўлмайди, балки адолатпарвар, шафқатли, марҳаматли, умуман, ахлоқ тарбия эгаси бўлиш билангина хосил бўлади.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

Донишмандлардан бири ўғлини тикиштириб овқат ейишдан тақиқлади. Ўғли айтди:

— Эй отажон, очлик одамни ўлдиради, тўқ бўлиб ўлиш очлик ҳолда яшашдан яхшироқдир.

Отаси айтди:

— Эй ўғлим, ўртача ейишга одат қил, тикиштириб ейишдан сақлан, енгиз, ичингиз, инсроф қилмангиз деганлар, бунга амал қил.

* * *

Шоир Абдий айтади:

Солимул аъзо бўлур ким кам еса,

Жисми қувватли бўлур ҳам кам деса.

* * *

Донишманд Абуязид ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Ўғлим, гина-адоватдан узоқ бўл, кучинг етмайдиган ишга киришма. Сўз юритувчи, чақимчиларнинг сўзларига ишонма, чунки улар фитна-фасод йўлини излаб юрувчи ярамас одамлардир. Бахил, очкўз, ҳарис одамлар билан ошна бўлма, улар сени тўғри йўлга сира ҳам бошламайдилар, эҳтиёт бўл!

* * *

Олимлардан Зиёуллоҳ айтади:

— Саодатманд, доно одамлар хуш феъл атворини ўзларига абадий нажот сармояси деб биладилар. Фурсат, вақтни қўлдан қочирмайдилар, ғанимат са-найдилар, гўзал ахлоқ, одоб билан зийнатланадилар.

Мол-дунё йиғишга ҳарис бўлмайдилар, ҳеч кимнинг кўнглини оғритмайдилар. Ожиз ва ғариб кишиларга ғамхўрлик қиладилар, уларнинг эҳтиёжларини ўтай-дилар, бировнинг айбини кўрсалар, ошкора қилмасдан уни бекитадилар, қилган яхшиликлари билан мақтаниб юрмайдилар, бировдан ёмонлик кўрсалар, у кишига яхшилик қиладилар, улуғ олим, фозилларнинг сийратлари, гўзал феъл-атворларини ўзларига пешво қилиб оладилар, ўз

манфаатларини кўзлаб, бошқаларга зиён келтирмайдилар, ҳеч кимга қўполлик билан муомала қилмайдилар, тўғри сўзлайдилар, ёлғончилик кўчасига қадам босмайдилар.

Байт:

Тавозеълик бўлиб тутгил ўзинг кам,
Дарахтким мевали бўлса бўлур хам.

* * *

Лукмони ҳакимдан: «Ҳикматни кимдан ўргандинг?» деб сўрадилар. Лукмони ҳаким:

— Ҳикматни кўрлардан ўргандим, чунки улар қадам кўядиган ерларини сезмагунларича юрмайдилар,— деб жавоб берди.

* * *

Олим, фозиллардан Азиз ибн Муҳаммад Насафий айтади:

— Ҳамма билан яхши муомалада бўл, ҳеч кимни ўзингга душман қилма. Сабрли, оғирликларга чидамли ва ғайратли, матонатли бўл, шу хислатларга эга бўлсанг, оғирчиликларни енга оласан. Ёмон ишлардан парҳез қил, гўзал ахлоқли, тарбияли бўл, яхши хулқ-атворинг билан халқнинг муҳаббатини ўзингга жалб эта оласан.

* * *

Ҳиндистон донишмандларидан бири ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Ёлғон сўзлаб «менинг сўзим тўғри» деб қасам ичма, тўғри сўзласанг, тўғрилигига ҳам онт ичма. Кундалик кириш-чиқимингни қоғозга ёзиб қўйишга одат қил, чиқиминг киримингдан ортиқ бўлмасин. Йиғилишларда даража ва мартабангни пеш қилиб юқори ўринда ўтиришни талаб қилма. Бойлигинг ва даража-мартабангга мағрур бўлма.

Ўғлим, қаноат пеша бўл, ҳеч кимдан бирор нарса таъма қилма. Кўзингни оч, оламга ҳақиқат назари билан қара, ўтганлардан ибрат ол. Ҳар ким билан айтишиб, ади-бади қилишиб юрма, гипа, адоват ва хусуматдан тилингни парҳез қил. Оиланг билан яхши яша, фарзандларингни одобли, гўзал ахлоқли қилиб етиштир, илмли, ҳунарли бўлишларига диққат қил. Қариндош-уруғларингни унутма, дўст-ёрларингни ҳақларига риоя эт, яхши сўзинг, яхши ишинг билан ҳамманинг иззат ва ҳурматига сазовор бўлишга ғайрат қил, бу насиҳатларимни унутма.

Байт:

Ҳам тавозеъли бўлиб, ҳам боадаб,
Яхшиларнинг суҳбатин қилгил талаб!

* * *

Донишмандлар айтганлар:

Агар бир киши сенинг ёнингга келиб:

— Фалон киши сенинг ҳақингда ундай деди, бундай деди, ёмон сўзлар сўзлади, деб айтса, уни ҳақимчи деб ҳисобла. Ҳақимчи аҳиллик тарафдори эмас, у фосиқдир.

Байт:

Ҳақимчига ёнингдан бермагил жой
Қилур бир лаҳзада юз фитна барпой.

* * *

Алишер Навоий айтади:
Айласалар икки тарафдин вафо,
Етгай алар ҳолига анча сафо.

* * *

Сукрот ҳаким айтади:
— Дўстингга йўлиққан вақтингда эгилиб, очиқ юз билан кўриш, яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстликнинг бошланиши—мадҳ-сано биландир,

* * *

Бир ҳинд донишманди айтади:
— Дўстлик аломати мана шундай бўлади: дўстнинг дўстига дўст, душманига душман бўлсин, душманингни дўст тутган киши сени дўст тутмайди.

* * *

Араб фозилларидан Асмаий айтади:
— Мен бир кун дўстимни кўргани бордим. Дўстим бир киши сиғарлик палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосда ўтиришга таклиф қилди. Мен:
— Палос ўзингга торлик қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф қиласан?— деган эдим, у айтди:
— Икки душман бутун ер юзига сиғмайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сиға олади.

* * *

Хусайн воиз Кошифий айтади:
Сен чақимчи бўлмагил, эй беҳабар,
Бегуноҳлар оҳидан қилгил ҳазар.

* * *

Рустам Золдан:
— Сен жуда кучли, паҳлавон одамсан, чарчашнинг нима эканини билмайсан, лекин чарчаган вақтинг ҳам бўладими?—деб сўрадилар. Рустам шундай жавоб берди:
— Нодон ва эзма киши билан суҳбатдош бўлган вақтимда жуда ҳам чарчаб, ҳолсизланиб қоламан.

* * *

Шайх Саъдий айтади:
— Нафс тизгинини нопокликдан қайтарувчилар, ярамас ишлардан сақланувчилар мардлик, баҳодирликда Наримон ва Рустам Золдан юқори турадилар. Чунки нафс билан кураш, у билан жанг қилиш — бошқа душманлар билан жанг қилишдан қийинроқдир. Сен илму адабни қўлга

ол, адаб гурзиси билан душманнинг нафс бошига ур, инсоннинг нафсидан катта душмани йўқдир. Агар сен ақл ва фикр эгаси бўлсанг, ҳадеб нафсинг орзусига йўл бераверма. Агар нафсингнинг ҳамма орзусини бажо этсанг, уни семиртирсанг, у сени бир кун ҳалокат чуқурига ташлайди.

* * *

Олимлардан Жаъфар Содик айтади:

— Тўрт нарса, яъни бадфеъллик, бадқовоқлик, такаббурлик ва дилозорлик кишига хору зорлик келтиради.

* * *

Шоир Алмаий айтади:

Яхшилик тухми саодатлар берур,
Гар тикон эксанг, оёғингга кирур.

* * *

Хусайн воиз Кошифий айтади:

— Бирор ишга ғайрат билан киришган киши машаққат тортишидан қўрқмасин. Агар ғайрати соясида мақсади ҳосил бўлса, жуда яхши, мабодо иши етарли даражада бўлмай кейинга қолиб кетса, оқиллар қошида у киши узрлидир. Улуғ мақсад йўлида ҳиммати баланд бўлган киши халқ кўнглида сақланади.

Байт:

Талабда кўшиш қиларман агар топсам на армондир,
Ва гар мақсуд кўлимга келмаса ҳам узрим осондир.

* * *

Бир фозил киши ўз ўғлига шундай насиҳат қилиб айтади:

— Ўғлим, адолатли бўл, шу ишинг билан азич ва мухтарам бўласан. Агар жабр, зулм қилсанг, бир кунмас бир кун сендан ҳам зўравон ва золироқ одам сенга жабр, жафо қилади, балки ҳалокатга еткизади. Азиз ўғлим ҳеч кимни ранжитма, ҳамиша шафқатли, марҳаматли бўл.

Байт:

Феъли бад одамни носоз айлагай,
Дўстни ҳам душман сарига ундагай.

* * *

Машҳур донишманд Абул Ало ал-Маарий айтади:

— Хотинларда иффат, поклик энг улуғ жамолдир. Хиёнатга хиёнат қилиш билан қарши турма, балки хоинларни тарк қил. Бировнинг битта айбини менга сўзласанг, менга минг айбини тўнкаб бошқаларга сўзлайсан.

* * *

Олимлардан Аҳмад хожа айтади:

— Ҳар бир кишининг сўзи - ўз фазилатларининг далили ва ақлининг таржимонидир. Шунинг учун қисқа ва маъноли этиб сўзлаш лозимдир.

Беҳуда сўзлар сўзлашдан тилни тийиш керак. Беҳуда сўз яширин айбларни ошкора этади, душманларнинг қаҳр-ғазаб ва адоватларини кўзгатади.

Байт:

Эл аро кўп сўзлама, сақлаб ўзингни сўзлагил,
Суҳан бирла етказма озор, яхшилиқни кўзлагил.

* * *

Луқмон ҳақимдан:

— Сиз бировнинг қора баданли чўпони эдингиз, энди улуғ даража эгаси бўлдингиз, нима нарсани шундай улуғ даражага кўтарди?—деб сўрадилар. Луқмон ҳақим айтди:

— Доимо тўғри сўзладим, омонатга хиёнат қилмадим, маъносиз, беҳуда сўзлар сўзлашдан чекиндим. Мана шу уч хислат мени улуғ даражага кўтарди.

* * *

Донишмандлардан Абулмуин айтади:

— Ақл, идрокдан маҳрум бўлган бош сувсиз чашмага, адабсиз, тарбиясиз йигит эгаржабдуқсиз отга, шарм-ҳаёсиз хотин тузсиз таомга, илмига амал қилмаган олим хушбўй, аммо гули йўқ бўстонга ўхшайди.

Байт:

Илм агар дилга урар — ёринг эрур,
Урса танга, шубҳасиз, моринг⁶ эрур.

* * *

Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

— Ҳасад, бошқаларнинг роҳатини кўролмаслик — ҳамма сифатларнинг пастроғидир. Ҳасад ҳиммат пастлиги ва кўнгил ҳасислигида ҳосил бўлади. Булар эса жаҳолат натижаларидир. Ҳасадчи ўз ҳасади таъсиридан бир кун ўзи ҳалокат чуқурига йиқилади.

* * *

Олимлардан Аҳмад Жавоб айтади:

— Ҳар куни бир иш билан машғул бўлиб кўринган баъзи бир одамларга учраймиз. Фақат буларнинг машғулиятлари фойдали бир иш учун эмас, кўнгил очиш, вақт ўтказиш учундир. Мусиқа чалиб ашула айтиш, ўйин-кулгилар билан машғул бўлиш — инсонлар учун албатта лозимдир. Бунга ҳеч шубҳа этилмайди, фақат бу нарсалар дам олиш соатлари ва кунларида бўлиши шартдир. Ишламасдан ялқовланиб, вақтларини бекорга ўтказиб юрганлар кейин пушаймон ейдилар, ўринсиз кайф-сафо, кўнгил очишларнинг аламли натижасини кўришга

⁶ мор – илон маъносида

муяссар бўладилар.

* * *

Олимлардан Низомиддин ибн Хусайн айтади:

— Боболаримиз: «Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг олтиндир» деганлар. Бунга қараганда, ҳар ерда сўзламасдан жим ўтиришга тўғри келади. Лекин боболаримиз «Ўринсиз, маъносиз сўзлаганингдан кўра, тек турганинг яхшироқ» демоқчидирлар.

Ҳар ишнинг ўзига хос одоби бўлгани каби, сўзлашнинг ҳам ўлчови ва одоби бордир. Сўзга ёлғон қўшиш, бировнинг иззат, нафсига тегадиган сўзларни сўзлаш ва шунга ўхшаш ярамас сўзлар зарар еткизмасдан қолмайди. Шунинг учун донишмандлар «Кўп ўйла, оз сўйла, сўзинг яхши бўлса, сўзла, бўлмаса тек тур, маъносиз олди-қочди сўзлар сўзлашдан тилингни тий», деганлар.

* * *

Арасту ҳаким айтади:

— Маишатга етарли молу давлатга эга бўлган киши ундан ортиқчасини талаб қилмасин, чунки унинг поёни йўқдир. Ортиқча талаб қилган киши жуда кўп фалокатларга дуч келади.

* * *

Фисоғурс (Пифагор) ҳаким айтади:

— Ўзини ўзи мақташ, чин бўлса ҳам, маъқул ва мақбул эмасдир. Ўтганлар билан онт ичиш ёлғон-яшиқлик нишонасидир.

* * *

Алишер Навоий айтади:

Неча ким тўнин риоят бирла кийсанг, эскирур,
Чунки кийдирдинг бировга, эскимас тўн ул эрур.

* * *

Жалолиддин Румий айтади:

— Эй биродар, агар бахт-саодат истасанг, ғурур, манманликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тингла, такаббурлик, адоват, гиначиликдан ҳазар қил. Қайғу, аламлар устингга хужум этсалар, бу хужумларга ўз адабсизлигинг сабабчидир, Тарбиясиз, адабсиз одам алам, ҳасрат дарёсида ғарқ бўлади. Шунга кўра, адаб нури билан ўзингни нурлантир, қалбинг пок бўлсин.

* * *

Букрот ҳакимдан:

— Ҳамма нарсадан кўра юқори ҳисобланган нарса нима? Қайси нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди?— деб сўрадилар. Букрот ҳаким айтди:

— Ҳиммат ҳамма нарсадан юқори туради. Адл биноси ҳеч вақт вайрон бўлмайди.

Байт:

Қимматингни тут баланд эл олдида,
Ҳимматинг-ла мартабанг бўлгай баланд.

* * *

Алишер Навоий айтади:

Гавҳару дурни кулоқ озори бил,
Сўзни кулоқнинг дури шахвори бил.

* * *

Олим, фозиллардан Хуррабий айтади:

Бир қария ҳар вақт ёшларга:

— Болаларим, ёшликни ғанимат билинг, фақат ўйин, кулги, кайфи-сафо билан ёшлик даврингизни зое этманг, ўқинг, ўрганинг, илмли, ҳунарли бўлинг. Агар ёшлик даврингизда ўзингизни тутиб қолмасангиз, кейин қаттиқ пушаймон қиласиз, лекин фойда бермайди,— деб насиҳат қиларди. Шу ҳурматли чолнинг насиҳатларига амал қилган ёшлар бахт-саодатли бўлилар.

Донишмандлар тубанда айтилган ўн тўртта ахлоқий фазилатни инсон учун энг керакли фазилатлар деб топганлар:

Риёзат — нафсингни тий, ортиқ даражада ейишдан, ичишдан сақлан.

Сукут — ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам ҳеч бир фойдаси тегмайдиган олди-қочди сўзларни сўзлашдан чекил, жим бўл.

Интизом — ишларинг тартибли, интизомли бўлсин, ишингни ўз вақтида бажар, кечиктирма.

Мақсад — бир ишга киришмоқчи бўлсанг энг аввал яхшилаб ўйла, шу ишдан кутган мақсадинг нима эканини яхши тушун, бир қарорга кел. Кейин қарорлаштирган ишингни ҳеч бир камчиликсиз адо қил.

Тежаш — иқтисод, яъни тежашга риоя қил, ўзигга ва халққа фойдаси тегмайдиган ерларга пул ва мол сарф қилма, исрофдан сақлан.

Саъй ва шуғулланиш — вақт ва фурсатингни бекордан-бекорга ўтказма. Доимо фойдали иш билан машғул бўл, керак бўлмаган нарсадан чекил.

Матонат — ишингда чидамли, матонатли бўл. Ҳийла-найранг ишлатишдан ҳазар қил, тушунчанг пок, соф ва ҳаққоний бўлсин, тушунганинг каби сўзла ва ишла.

Ҳаққоният, тўғрилиқ — адолат ва ҳаққониятни ўзингга раҳбар қилиб ол, ҳеч кимга зарар қасд этма.

Мўътадиллик — ҳар вақт мўътадил ҳолда иш юрит, ҳаддан ортиқчаликдан сақлан. Ҳақсиз, лекин ўзингга лойиқ кўриб бировдан интиқом олишга журъат қилма.

Назокат — кир, ифлосликдан ҳазар қил, вужудинг, либосинг ва уй-жойингнинг тоза, покизалигига диққат қил.

Қалб ҳузур-роҳати — майда-чуйда ва истаганингча бўлмай қолган ишлардан хафаланиб саломатлигингни бузма, қалбингнинг ҳузур-роҳатини кўзла.

Иффат — адабли, шарм-ҳаёли, номусли бўл. Бу гўзал хислатлардан ажралма.

Тавозеъ — ўзингни камтар тут, тавозеъ шараф ва иззат босқичи эканини унутма.

Мулойимлик — сабрли, мулойим, очик юз, ширин сўзли бўл. Ҳеч кимга кўпол муомала қилма.

Хулоса: юқорида зикр этилган ўн тўртта ахлоқий фазилат билан ўзингни ораста қилсанг, халқнинг муҳаббатини ўзингга жалб этасан, ҳамма сенга ҳурмат назари билан қарайди.

* * *

Бир донишманд ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Ўғлим, ўзингга ва халққа фойдали ишлар қилишга ғайрат қил. Олим, фозил, ахлокли, тарбияли одамлар билан суҳбатдош бўл, уларнинг суҳбатларидан баҳра ол. Ёлғончи, нодон, бахил, гинажўй ва иккиюзлама одамларнинг суҳбатларидан парҳез қил. Ҳар ким ёлғончи бўлса, мурувват ва тантилиқдан холи бўлади. Шунинг учун тўғрилиқ ва тўғри сўзлик фазилатларнинг онаси, ёлғончилик эса ярамаслик-ларнинг онаси, деганлар.

Нодон дўст фойда еткизаман, деб зиён етказиб қўяди. Бахил одамдан бирор нарса сўраб обрўйингни тўкма. Кўнглида гина сақлаган одам фурсат топганида сени зое қилади. Иккиюзлама, фосиқ киши ўз манфаати йўлида сени қурбон қилиб юборишдан тоймайди. Байт:

Эгрига ҳар ким ҳамдамдир — куяр,
Ситам қилсанг, бўлур олдингда албатта.

* * *

Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

Иш юзига фикр ила ҳарчанд боқдим, англадим,
Яхши иш яхши экандир ундан ўзга ҳеч экан.

* * *

Аржосиб ҳаким ўғлига васият қилиб айтади: — Ўғлим, гўзал ахлоқ эгаси бўл, яхшилиқ қил, ярамас, бузуқ йўлга асло яқинлашма, гўзал ахлоқнинг билан ҳамманинг муҳаббатини ўзингга жалб қил. Хотин ва фарзандларингга меҳрибон бўл, дўстларингга лутф-эҳсон кўргиз, шу васиятларимга амал қилсанг, ҳаётинг хушвақтлик билан кечади.

* * *

Олим, фозиллардан Абдий айтади:

Оқил, доно киши ақл ишлатиб, маъносиз, беҳуда ишлардан чекилади, ақлсиз, нодон одам доимо ўзини мактаб сирларини очади. Оқил ўз ақли соясида ҳамманинг кўнглини овлайди, нодон ёмон хулқ-атвори билан ўз дўстларини четлаштиради. Оқил ўзини камтар тутаяди, манманликдан йироқ бўлади. Ақлсиз, нодон ўзини ҳаммадан юқори тутаяди.

* * *

Шоир Боту айтади:

Янги борлиқ, янги турмуш бутун-бутун янгилик
Туғилади йўқсил элнинг ҳеч туганмас кучидан.
Эл кучига ишонмаслик, элни кўзга илмаслик,
Оздиради тўғри йўлдан, сақланингиз булардан.

* * *

Болаларингизни одобли, тарбияли ва илмли, ҳунарли қилиб етиштиринг, уларнинг бахт-саодати сизларнинг тарбиянгизга боғлиқдир.

Байт:

Ҳар кишида бўлса гар илму маорифга ҳавас,
Излагай ҳар ерда бўлса, кеча-кундуз ухламас.

* * *

Шарқ элининг донишманди, ахлоқ илмининг отаси Лукмони ҳаким айтади:

— Барча юкни кўтардим, аммо бурчдан оғирроқ юкни кўрмадим. Барча лаззатни тотиб кўрдим, аммо саломатликдан чучукроқ лаззатни тотмадим. Энг ширин лаззат соғ-саломатликда эканини англадим.

* * *

Олим ва донишманд Азиз ибн Муҳаммад Насафий айтади:

— Ҳақиқий ва комил инсон ёмон хислатлардан, маъкул ва марғуб бўлмаган хулқ-атвордан пок бўлади, гўзал сифат ва ахлоқ билан ўзини ораста қилади, ҳалол меҳнат қилиб умр кечирази, ёмонлардан четлашади, яхшилар қаторидан жой олади, ҳеч кимга озор бермайди, эл гулзорига кириб берухсат бирорта гул узмайди, камчиликларини кўрсатганлардан миннатдор инсоннинг халос ва нажоти сабабчи-сидир.

Байт:

Мени диёнатли дебон даъвойи ботил айладинг,
Муддаонгни этмади исбот — кирдоринг сенинг.

* * *

Афлотун ҳаким айтади:

— Тилинг, қўлинг билан ҳеч кимга зарар, заҳмат берма, дилини оғритма. Бадбахт киши оқибати нима бўлишини ўйламайди. Ярамаслик, пасткашлик че-килмайди. Бирор масала ҳақида сўзламоқчи бўлсанг, аввал яхшироқ ўйлаб, сўнгра сўзла. Олим, донишмандларнинг ҳикматли сўзларини ўзингга қўлланма қилиб ол. Нафсинг орзу-ҳавасига ҳадеб берилма. Одоб, ахлоқ йўлидан айрилма.

* * *

Мавлоно Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

— Жидду жаҳд— серҳаракатлик, ғайрат ва матонат билан ишга киришмоқликдир. Бу сифат энг гўзал сифатлардан бўлиб, ҳимматга тобедир. Баланд ҳимматли одам жидду жаҳд қилишда машаққат тортишидан кўрқмасин, чунки икки эҳтимолдан зиёда бўлмайди. Агар жидду жаҳди соясида тилаган орзусига етса, жуда яхши, агар етолмаса, оқиллар қошида узри очик ва равшандир, унинг улуғ мақсад талабида ҳиммати баланд эканини халқ тақдир этади.

Байт:

Талабда кўшиш айларман агар топсам на армондир,
Агар максуд кўлимга келмаса ҳам узрим осондир.

* * *

Алишер Навоий айтади:

Бировким унга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд!
Бировким унинг ҳиммати йўқ турур,
Ғами бўлса ҳам ҳурмати йўқ турур.

* * *

Сукрот ҳаким айтади:

Ҳалол меҳнат, муҳтожларга ёрдам, ғазаб вақтида ёмон сўзлардан тилни, бировни ранжитишдан қўлни тийиш, камчиликни битириб, ёмон хулқ-атвори тузатиб, гўзал ахлоқ эгаси бўлиш — энг зўр фазилатдир.

* * *

Абу Али ибн Снно айтади:

Тўғри йўлдан ажралмаслик, инсофли, адолатли бўлиш, нафснинг ҳар орзусини бажо келтирмаслик, олим, фозиллар билан суҳбатдош бўлишлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат этиш, самимий дўстларнинг маслаҳатлари билан ишга тутиниш, муҳтожларга ёрдам этиш эзгуликнинг маъданидир.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

— Бир улуғ, мўътабар одамдан бир фикр, бир мақсадда бўлган самимий дўстларнинг ахлоқи ҳақида сўрадилар. Улуғ зот айтди:

— Уларнинг эътиборсиз саналгани, энг пасти ўз тилак, орзусидан аввал дўстларининг тилак, орзуларини бажо келтиради.

Донишмандлар: «Ўз ғарази, манфаатинигина кўзлаган киши қариндош—ҳеш-ақрабо эмасдир»— деганлар.

* * *

Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтади:

Ғафлат уйқусидин уйғон гар тилар бўлсанг мурод,
Ким, етар мақсадга ҳар ким бўлса ул бедорроқ.

* * *

Жалолиддин Румий айтади:

— Эй биродар, агар бахт-саодат истасанг, ғурур, манманликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тингла, такаббурлик, адоват, гиначиликдан ҳазар қил. Қайғу, аламлар устинга ҳужум қилсалар, бу ҳужумларга ўз адабсизлигинг сабабчидир. Тарбиясиз, адабсиз одам алам, ҳасрат дарёсида ғарқ бўлади. Шунга кўра, адаб нури билан ўзингни нурлантир, қалбинг пок бўлсин.

Оқил ва донолардан Ҳожимурод Одилий ўз ўғилларига насиҳат қилиб айтади:

— Азиз фарзандларим, илмли, ҳунарли одам бўлишга ғайрат қилинг, илм ва ҳунар ҳар

нарсадан қимматлидир. Бир одамнинг молу дунёси кўп бўлса-ю, хунари бўлмаса, у одам ҳосилсиз қуруқ дарахтга ўхшайди. Илмли, хунарли бўлсангиз, турмушингизда ҳеч нарсага муҳтож бўлмайсиз, халқнинг иззат, ҳурматига сазовор бўласиз.

Байт:

Ўрганинг, фарзандларим, илму қунар,
Бир макол бордир: «Хунардан — кўп унар».

* * *

Олимлардан Фаҳриддин Розий айтади:

Тиланчини қуруқ қайтариш, жоҳил билан ҳамсуҳбат бўлиш, молу дунё орттиришга ҳарислик ва оиласини маишат жиҳатидан тангликда қолдириш бадбахтлик нишонасидир.

* * *

Олимлардан Шайх Жунайд айтади:

Ёлғон сўзлаш, эзмалик, такаббурлик, чақимчилик кишининг обрўсини йўқотади. Вафодорлик, сабр қилишлик, шошма-шошарликдан парҳез этиш ва таво-зе обрўйни кўтаради.

* * *

Жалолиддин Румий айтади:

— Кумушнинг ташқи кўриниши оппоқ бўлса ҳам қўлда ва чўнтакда кўп тутилса, қора юктиради. Шунга ўхшаш баъзи одамларнинг сўзлари зоҳирида қу-муш каби порлоқ ва тоза кўринса ҳам, лекин қайғу ва зарар келтиради. Уларнинг сўзларига ишониб, ғафлатда қолган соддадил одамнинг кўнгли қораланади, тубанлашади. Кўринишда гўзал, ҳақиқатда ёмонлик мисоли бўлган одамларнинг сўзларига қараманг, жамиятга қилган тавсирларига ярамас хулқларининг кўрқинчли натижаларига қаранг, кичкинтой ёш бола чўғ-ўтни севади, куйдирса додлаб йиғлайди. Кичкинтойлар чўғдан, соддадил одамлар эса ҳийлакор, найрангбоз, мунофиқлардан қуядилар.

Байт:

Яхшилардан кўрасан меҳр-вафо,
Сенга еткизгай мунофиқ кўп жафо.

* * *

Машҳур олим ва фозил Азиз ибн Муҳаммад Насафий айтади:

— Одамнинг ташқи қиёфасига эмас, ички дунёсига эътибор бериш керак. Агар одамнинг ташқи қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам гўзал бўлса, яна ҳам яхшироқдир. Ақлли-доно одам ҳаммани кўриб билади. Яхшиларнинг фикрларини, кўрсатмаларини жону дил билан қабул қилади. Шунга кўра унинг қилган ишлари бекорга кетмайди, яхши натижалар ҳосил этади. У одам мурод-мақсадига ноил бўлади.

* * *

Фаридиддин Аттор айтади:

Қўй таъмани бор эса сенда тамиз,
Шубҳасиз эл ичра бўлгайсан азиз.

* * *

Донишмандлардан Абуязид ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Ўғлим, мол-дунё йиғишга ортиқча ҳаваскор бўлма, ишингни оқибатини кўнглинг тиламаган, юрагинг дов бермаган ишдан кўлингни торт. Дўстларинг билан маслаҳатлашиб иш бошла. Яхши билан ёмонни, дўст билан душманни ажрат, раҳм, шафқат ва марҳаматни ўзингга шиор қилиб ол. Тўғри сўзла, тўғри ишла, очкўз-ҳарис бўлма, қаноатли бўл.

* * *

Машҳур олимлардан бири айтади:

— Ҳар нарсани кўришга ва сўрашга қизиқиш -ёш болаларнинг энг яхши хосиятидир. Бу эса уларнинг илмга бўлган ҳаваслари негизидир. Агар ёш бола бирор нарса ҳақида сўраса, «жим ўтир, оғзингни юм, сен билмайсан, ҳар нарсани сўрайверма» деб уни сўрашдан тўхтатманг, берган саволларидан кулманг, болага очик юз, мулойимлик билан аниқ равшан жавоб беринг. Агар шундай қилмасангиз, боланинг илмга бўлган ҳавасини тўхтатган бўласиз.

* * *

Донишмандлардан Абуязид ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Ўғлим, қайси бир ишга киришмоқчи бўлсанг, яхши ўйлаб сўнгра кириш, дилинг тортмаган ишга киришма. Бирор ишга киришмоқчи бўлсанг, самимий дўстларингнинг маслаҳатларини ол, тўғри ишла, хиёнат йўлига кирма, ғайратли, матонатли бўл.

* * *

Бир ҳарис, очкўз одам айтади:

— Бошимдаги сочим оқарди. Замона ҳануз қаримаган, лекин мен қаридим. Мақсадимга эриша олмадим. Молу дунё тўплаган одам доимо машаққатда эканини англадим.

* * *

Фузайл исмли донишманддан:

— Мурувват ва олий ҳимматлилик нима?— деб сўрадилар.

Фузайл айтди:

— Қариндош-уруғ ва дўстларнинг хато ва айбларини кечиришдир.

Байт:

Ҳар адоват бўлса, кўнглингдан кўтар,

Афв қил корини, эй соҳиб назар!

* * *

Машҳур олимлардан Абу Мансур ас-Саолибий айтади:

— Ҳар бир киши ўзига қараб таъриф қилинса, қилган ишига қараб тавсифланади, макталади.

Фазилат насл-насаб билан эмас, ақл, адаб биландир. Ваъдасига вафо қилган, берган сўзининг устидан чиққан кишининг қадри-қиймати ортади. Сукут донолик ва зийракликдан, ростгўйлик ақл ва тўғрилиқдан дарак беради. Бошқаларнинг фикрларини сўрамасдан, улар билан маслаҳатлашмасдан ўз раъйи билан иш қилган киши оқибат хорланади.

* * *

Алишер Навоий айтади:
Бировким эрур ростликдан йироқ,
Онингдек киши бўлмагани яхшироқ.

* * *

Машҳур олимлардан Одил айтади:
— Ақлнинг қўли нафснинг тизгинини ушлаб қолса, ёмон йўлга қадам босмайди, тўғри сўз ва тўғри ишни эгри деб, эгриликни эса тўғри деб айттирмай-ди. Ҳар нарса кўпайган сайин арзонлашади, аммо ақл, илм ва тажриба соясида кўпайган сайин, қимматланади, баҳоси ортади.

* * *

Донишманд Форук айтади:
— Инсон хатодан холи эмас. Агар мен бирор хато иш қилиб қўйсам, қилган хатоимни менга айтинг, хатоларимни кўрсатиб огоҳлантирганлардан жуда ҳам миннатдор бўламан, уларни дўстим деб ҳисоблайман.

* * *

Афғон шоири Хушқолхон Ҳаттак айтади:
Икки нарса керак вужуд учун бил:
Биринчиси дилдир, иккинчиси — тил.
Дилни сен меҳр ила шафқатга тўлдир,
Тилни ҳақиқатнинг ўткир тиғи қил.

* * *

Машҳур табиблардан Хусайн Рамзий айтади:
— Инсон учун энг азиз ва мухтарам бўлган нарса кучли ва соғлом бадандир. Соғлом бадан жуда қимматли нарсадирки, инсон у билан маишатини таъмин эта олади. Соғлом бадан бир улугъ хазинадирки, саноат аҳллари фақат унинг ёрдами билан хизмат қилиб жамиятга зўр манфаат етказадилар.

Соғлом бадан қимматли бир сармоядирки, қалам аҳллари унга таяниб жамиятни таълим ва тарбия этиш йўлида фойдали асарлар вужудга келтирадилар. Соғлом бадан улугъ бир қувватдирки, унинг кўмаги билан музаффар кўшинлар азиз Ватанларини душмандан кўриқлай оладилар.

* * *

Бир донишманддан:

- Йигитлар учун нима нарса яхшироқ?— деб сўрадилар, Донишманд айтди:
- Шарм-ҳаё ва баҳодирлик. Яна ундан:
- Қариларгачи?—деб сўрадилар. Донишманд: «Сабр ва маърифат»—деб жавоб берди.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

Бир дарвеш йўқчилик ўтида ёнар эди, либосининг ямоғи устига ямоқ соларди. Бир киши унга:

— Нега шу ҳолда ўтирасан? Бу шаҳарда жуда ҳам саҳоватли бир киши фақир, бечораларнинг хизматига бел боғлаган. Агар сенинг бу паришон ҳолингни англаса, дарҳол ёрдам кўлини узатади,— деди ва ўша сахий одамнинг ёнига бориб ёрдам сўрашни тавсия қилди.

Дарвеш у кишига айтди:

— Сукут қил, чунки ҳар кишининг ёнига бориб тиланишдан, эҳтиёжни арз этишдан кўра йўқчиликдан ўлган яхшироқдир.

* * *

Қадимгилар айтганлар:

Ямоқ тик, айлагил бардош — яхши,

Ёмондир тўн тилашликда кул ўлмоқ.

Эрур дўзах азобига баробар

Сўкинчоқлик билан жаннатда бўлмоқ.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

— Боши, оёғи яланг бир камбағал киши Кўфа шаҳридан Ҳижоз қарвони билан чиқиб бизга йўлдош бўлди. У кишида дунёликдан ҳеч бир нарса йўқлигини билдим, пиёда юриб, ўйнаб-ўйнаб кетарди. Туяга минган бир бой ҳалиги камбағалга:

— Эй қаландар, қаерга кетаётибсан, орқангга қайт. Бу саҳрода заҳмат ва машаққат чекиб ўлиб кетасан,— деди. Камбағал пиёда киши, бойнинг сўзига эътибор бермай, ўз йўлида давом этди.

Нахлаи Маҳмуд деган жойга етган эдик, бойнинг ажали етиб ўлди. Камбағал пиёда киши, бойнинг ёстиғи ёнига келиб айтди:

— Биз саҳрода заҳмат ва машаққатлар чекиб, пиёда йўл юриб ўлмадик, сен нортуя устида роҳатланиб йўл боссанг ҳам ўлдинг.

Байт:

Ҳар кишининг бор эса яхши сўзи,

Орттирар обрўсин албатта ўзи.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

— Форс подшоҳларидан бирининг қимматбаҳо узуги бор эди. Бир кун сайр томоша қилиш учун бир неча яқин одамлари билан сайлгоҳга чиқди, Ҳалиги қимматбаҳо узугини бир гумбазнинг устига қўйдириб:

— Кимки бу узукнинг ҳалқасидан ўқ ўтказса, узукни унга бераман,—деб ваъда қилди. Подшоҳнинг тўрт юз мергани бор эди. Улар узукка қараб ўқ уздилар, лекин бирортасининг ҳам ўқи узук ҳалқасидан ўтмади.

Ўша топда бир бола ҳам том устида ўйнаб юриб камалакдан ҳар томонга ўқ отарди. Тасодифан унинг ўқи узукнинг ҳалқасидан ўтди. Узукни унга лойиқ кўрдилар, яна кўпгина молу дунё инъом-эҳсон қилдилар.

Айтишларича, бола ёй-камалагини куйдириб ташлади. Одамлар ундан:

— Ёй-камалагингни нега куйдирдинг?— деб сўраган эдилар, бола:

— Қозонган эътиборим йўқолмаслиги учун ёй-камалагимни синдирдим,—деди.

Қитъа:

Гоҳи бўлгайки ҳикмат аҳлидан

Чикмагай бир дурустроқ тадбийр.

Гоҳи бўлгайки беақл гўдак

Янглишиб ургуси нишонага тийр!

* * *

Олимлардан Руфъат ибн Исмоил айтади:

— Болаларингизни чет кишилар ёнида уришиб, таъзирини берманг, меҳмондорчиликка қақирсалар, болаларингизни бирга олиб борманг. Уйингизга меҳмонлар келса, ёш болаларингизни улар ёнида ўтказиб, дастурхонга қўл узаттирманг, чет кишилар ёнида оилангиздан шикоят қилманг. Мунофиқона ра-вишда бошқаларни камситиб, сизнинг ақл ва ҳаракатингизни мақтаган риёкор мунофиқларнинг сўзларига учманг. Болаларингизга бирор хизмат буюрар экансиз, яхши сўзлар айтиб, мулойимлик билан буюринг. Мағрур, мутакаббир ва аччиқ сўзли бўлманг. Оилангиз ва дўстларингизга ўзингизни севдиринг. Илгари қилган бир яхшилигингизни ҳадеб қайтариб мақтаниб юрманг. Орангизда бўлган қариндошлик, дўстликка таяниб, улардан фойдаланиш орзусида бўлманг. Ҳеч кимни уялтирманг. Уятли латифаларни сўзламанг. Ҳайвонларга ҳам раҳмдил бўлинг, уларни уриб озор беришдан сақланинг. «Ёшим катта бўлгани учун кичиклар ёнида нима сўзласам бўлаверади» деб ўйламанг. Йиғилишда эр ўз хотинидан, хотин ўз эридан шикоят қилиши дуруст эмас. Йиғилишда ҳар хил муносабатсиз савол-жавобдан тортининг, саволингизга жавоб беришни истамаган одамни «жавоб бер» деб зўрламанг, одоб, тарбияга риоя қилинг.

* * *

Ҳикоят:—Ҳимматли ва мурувватли бир одам ўз боғига ёр-дўстларини даъват қилиб зиёфат берди. У кишининг гўзал ахлоқли, тарбияли бир ўғли бор эди. У кечгача меҳмонлар хизматида бўлиб, жуда чарчади. Кечқурун уйга кириб ухлаб, дам олиш учун болохонага чиққан эди, у ердан пастга йиқилиб тушиб, дарҳол вафот қилди. Ота бечора бу қайғули ҳолни кўриб юрак-бағри эзилди, кўзига ёш олиб, ўғлига келган фалокатни хотинига ва оила аъзоларига секингина хабар бериб:

— Ҳеч қайсингиз товуш чиқариб йигламанг, ўғлимнинг вафот қилганини меҳмонлар сезмасин,— деб таъкидлади. Меҳмонларга сездирмасдан марҳум ўғлини ювдириб, кафанлатиб қўйди. Кейин меҳмонлар ёнига чиқиб, улар билан суҳбатлашиб ўтирди. Ўғлининг вафотидан меҳмонлар хабарсиз эдилар. «Ўғлингиз қаерда? Нега кўринмайди?» деб сўрадилар. Ота бечора: «Ўғлим хизмат қилиб жуда чарчаган бўлса керак, мириқиб ухлаб ётибди», деб жавоб берди. Ўша куни кечаси меҳмонлар мурувватли кишининг боғида тунадилар. Эртаси кун эрталаб

чойдан сўнг улар кетишга рухсат сўраган эдилар, ота бечора кўзига ёш олиб:

— Дўстларим, ўғлим кеча кечқурун болохонадан йиқилиб вафот қилди, кайфиятингизни бузмаслик учун сизларга хабар бермадим. Ўғлимнинг жанозасига сизларнинг ҳам иштирок этишингизни ўтинаман, — деди. Меҳмонлар бу фожиали ҳолдан хабардор бўлиб ҳаммалари йиғладилар, дарҳол ўринларидан туриб у кишига қарашдилар.

* * *

Алишер Навоий айтади:

Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт онинг нийшини нўшу, хорини гул айлади.

Ёки:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди хаёу адаб,

Чунки ёгин манбаи бўлди хаё,
Қатраси тупрокни қилур кимийё,

Бўлмас адабсиз кишилар аржиманд
Паст этар ул хейлини чархи баланд.

Кимники айлай десанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг,

Ғафлат аро хуш кўрубон хуш дема,
Воқиф ўлиб сўнгра пушаймон ема.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдан анга яхшилик.

Кимки қаноатдан эрур ҳужжати,
Яхши ёмонга йўқ онинг ҳожати,

Асра ўзингни биров озоридин,
Кимсага озордалиқ изҳоридин.

Наъфинг агар халцқа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзингга кўпроқ дурур.

Ва гар кимсадан зоҳир ўлса ёмон,
Кўрар хер не ким зоҳир этди ҳамон.

Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,
Қарилик чоғи ҳарж қилгил они.

* * *

Машхур ўзбек шоири Машраб айтади:

Мардларнинг ишларин андеша қил,
То тириксан яхши ишни пеша қил,

Жинсият ахтар агар оқил эсанг,
Изла яхшилари даре дил эсанг.

Ёки:

Агар марди дурустсан, хужраи дил посбони бўл,
Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл,

Ё бўлмасам:

Гар бўлай десанг ҳақиқатга яқин,
Тўғри сўзли бўл, мунофиқ бўлмағил,

* * *

Шоир Аҳмад айтади:

Адаб бозорига кирсанг баякбор,
Энг яхши хулқ учун бўлгил харидор,
Адаб бўлса сенинг аввал сўроғинг,
Тамомий илм ила тўлгай қулоғинг.

* * *

Шоир Алмаий айтади:

Кимки бўлса, хушчирою хушқилиқ,
Доимо кўргай жаҳонда яхшилик.
Яхшилик тухми саодатлар берур
Гар тикан эксанг, оёғингга кирур.

* * *

Мавлоно Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

Сувнинг қадрин на билурсан сув ёнида ўлтириб,
Сувнинг қадрин даштларда ташна юргандан сўра.

* * *

Ҳожаназар Ҳувайдо айтади:

Агар яхши амал қилсанг, савоб ҳосил бўлур, лекин
Ситам қилсанг, бўлур олдингда албатта ситам пайдо.

* * *

Олим, фозиллардан Абу Язид айтади:

— Энг яхши кишининг икки қўли ҳам тўғри бўлади, у бир қўли билангина эмас, икки қўли

билан яхшилик қилади.

* * *

Шоир Абдулла Авлоний айтади:

— Ифво ва чақимчилик энг ярамас сифат бўлгани учун бу ёмон сифатни ўзларига маслак қилиб олган кишилар халқ назарида мунофиқ саналади. Икки киши орасида сўз юритиб, бирини иккинчисига душман қилган, икки томонга адоват оловини ёқиб уларни бир-биридан жудо этган кишиларнинг дилларида заррача инсоният туйғуси бўлмайди, булар виждонсиз, номуссиз кишилардир. Шунинг учун улардан ҳазар қилинг.

ҲИКОЯТЛАР

НОМУС БОЙЛИКДАН АФЗАЛ

Ўтган замонда Карим исмли бир кишининг шаҳардан ташқарида бир парча ери бор эди. Карим ҳар йили шу ерига экин экиб, ундан олган ҳосилга қаноат қилиб, бола-чақаси билан умр кечирарди. Баҳор пайти бир куни ер ҳайдаб турганда бир ўғри келиб, унинг тер тўкиб ишлаётганига қараб турди. Яқин бориб, саломлашди-да, деди:

— Сиз бир камбағал кишига ўхшайсиз. Кийган кийимингиз бундан далолат бериб турибди. Оёқ яланг ишляпсиз, чориғингиз ҳам бўлмаса керак. Ерингиздан чиққан ҳосил билан оилангизни таъминлаёлмайсиз. Бунга ишончим комил. Келинг, мен билан бирга ўғирлик қилинг, пулингиз кўпаяди.

Карим унинг таклифига деди:

— Йўқ, мен энг паст, ярамас одам бўлишни истамайман. Мен ифлос йўллар билан пул топишдан ҳазар қиламан. Ҳалол меҳнат қилиб, пок яшашни истайман. Кўрдингизми, мен пешона тери тўкиб, шу ҳалол меҳнатим туфайли қалбим роҳатланиб, фароғатда умр кечираман. Сизнинг ҳам ўғирлик каби ярамас ишдан тавба қилишингизни сўрайман. Бу касбдан ор қилинг.

Байт:

Берма озор кишига, қилма ўғирлик зинҳор,
Ўғри доим чекадир ранжу укубат бисёр.

ИЛТИФОТ

Ҳукмдорлардан Баҳромгўр бир куни овга чиқди. Бир кийикни учратиб уни овламоқчи бўлганда, кийик қочиб кетди. Баҳромгўр унинг орқасидан қувлай-қувлай, ниҳоят бир қабила яшайдиган ерга етиб келди. У қабиланинг Қабийса исмли бир сардори бор эди. Кийик ташналикдан бетоқат бўлиб Қабийсанинг чодирига кириб келди, ҳоб тили билан ундан паноҳ истади. Қабийса унга сув берди, қорнини тўйдирди. Шу топда Баҳром чодир эшиги ёнига етиб келди. Қа-бийсага дўқ қилиб:

— Эй араб, менинг овим сенинг чодирингга кирди. Дарҳол уни чиқариб менга топшир!— деди.

— Эй суворий, яхши йигит, мендан паноҳ истаб чодиримга кирган жониворни сенинг қўлингга топширишим мурувватдан эмасдир,— деб жавоб берди Қабийса.

Баҳромгўр қаттиқ сўзлаб, унга хужум қилиб, кийикни чиқариб беришни талаб қилди. Қабийса унинг сиёсатидан қўрқмай, айтди:

— Эй йигит беҳуда сўзларни сўзлама, мендан паноҳ истаб чодиримга кирган бечора жониворни нечун сенинг қўлингга топширай? Қўлингдаги ўқ-ёй би-лан мени ўлдирсанг, ўшандагина кийикни олишинг мумкин бўлади. Агар мени ўлдирсанг қабилам аҳли сени тирик қўймайди. Кел, ўз жонингга раҳм қилиб, бу бечора жониворни қўлга олиб, ўлдириш савдосидан кеч. Агар ҳирсинг томири тинч турмаса, эшигим ёнида боғлиқ турган гўзал ва чопқир отимни эгар, жабдуғи билан сенга берай.— Баҳромгўр Қабийсанинг ҳамиятига таҳсину офарин қилди. Унинг отига илтифот қилмай ўз саройига қайтиб кетди. Эртаси куни Қабийсани ўз саройига чорлади, унга кўп илтифотлар қилиб, эъзозлади.

Байт:

Истагач бир катра дарёдин паноҳ,

Айлади унга садафдан такягоҳ.

ДЕВОНА БАҲЛУЛ

Машҳур халифа Хорун ар-Рашиднинг замондоши Баҳлулни девонавор ҳаёт кечиргани учун «Девона Баҳлул», ҳикматли сўзлари билан машҳурлиги учун «Доно Баҳлул» дер эдилар. Хорун ар-Рашид Баҳлулни ҳурмат қилар, у билан суҳбатлашиб, ҳазиллашарди. Бир куни Хорун ар-Рашид гўристондан ўтар экан, эшик ёнида Баҳлулнинг бир девона билан суҳбатлашиб турганини кўриб қолди. Маҳрамларига:—уларни саройга олиб боринг,— деди. Хизматчилар девонани олиб кетдилар. Хорун ўз саройига қайтиб келгандан кейин ҳар икки девонани ҳузурига келтириб, Баҳлулга:

— Бағдод шаҳрида сиз икки девонадан бошқа девона қолгани йўқ, энди иккингишни ҳам ўлдириб, Бағдодни девоналардан тозаламоқчиман,— деб ҳазил-лашган эди, Баҳлул девона:

— Бизларни ўлдирсангиз, учинчи девона бўлиб ўзингиз қоласиз. Бағдодни девоналардан тозалаш керак бўлса, ўзингиз ҳам биз билан бирга у дунёга марҳамат қиларсиз деб ўйлаймиз,— деди. Хорун ар-Рашид Баҳлул билан ҳазиллашганидан уялди. Кулиб ҳар икки девонага инъом эҳсон қилди. Ножўя ҳазил кишини уялтиради-да!

ТОШЛАР

Қилган гуноҳларини арз этиб тавба-тазарру қилиш учун икки хотин нуроний бир чол ҳузурига келдилар. Булардан бири ҳали ёш, иккинчиси эса қирқ-қирқ бешларга кирган ўрта ёшли хотин эди. Ёш хотин ўзининг зўр гуноҳли эканини билиб, шу қилган гуноҳи учун қайғуларди. Ўрта ёшли хотин эса ўзини художўй хотин ҳисоблаб баъзи майда-чуйда гуноҳлардан бўлак зўр гуноҳ қилмаганига ишонарди ва бунинг учун ўз ҳолидан мамнун эди.

Чол икки хотиннинг ҳар биридан қандай умр кечирганини сўради. Ёш хотин кўзларидан ёш тўкиб:

— Мен жуда зўр гуноҳ қилдим, эрим билан уришдим, қаттиқ-қаттиқ сўзлар айтиб, унинг кўнглини вайрон қилдим,— деди. Ўрта ёшли хотин:

— Мен художўй хотинман, эҳтимол баъзи майда-чуйда гуноҳ қилган бўлсам керак, буларни эслай олмайман, аммо зўр гуноҳ қилмаганимга ишонаман, майда гуноҳларимга тавба қилсам бас,— деди.

Чол буларнинг сўзларини диққат билан тинглаб, ёш хотинга:

— Мана шу боғчанинг четида анчагина катта-катта тошлар ётибди. Шулардан ўзинг кўтара оладиган бир тошни олиб кел,— деди.

Художўй ўрта ёшли хотинга:

— Сен ҳар қаердан майда тошларни териб олиб бир халтага солавер, халтанг тўлгандан кейин олиб кел,— деб буюрди.

Хотинлар чол буйруғини бажардилар. Ёш хотин катта бир тошни, ўрта ёшли хотин эса бир халта тўла майда тошларни келтирди. Чол ҳар икки хотиннинг келтирган тошларини кўздан ўтказгандан сўнг уларга:

— Энди келтирган тошларингизни ўз жойларига элтиб қўйиб, кейин менинг ёнимга қайтиб келинг,— деди ва майда тошлар келтирган ўрта ёшли хотинга:

— Сен ҳар қайси майда тошни қаердан олган бўлсанг, уни ўз жойига қўй,— деб алоҳида таъкидлади.

Хотинлар тошларини олиб кетдилар. Катта тош келтирган ёш хотин тошини янглишмасдан

жойига элтиб қўйиб, дарров чол ёнига қайтиб келди. Ўрта ёшли хотин эса ҳар бир тошни қаердан олганини била олмай гаранг бўлди. Чол ҳар икки хотинга қарата:

— Гуноҳлар ҳам шу тошлар каби катта ёки кичик, майда бўлади. Майда гуноҳларга эътибор бермасак, кейинчалик катта гуноҳлар қилишга ўтамиз. Шунинг учун майда гуноҳларни унутмайлик,— деди ва ёш хотинга:

— Сен оғир тошни қаердан олганингни эсингдан чиқармай, яна ўз жойига элтиб қўйдинг, Шунга ўхшаш қилган айбонг, гуноҳингни ҳам унутмай қайғурдинг, виждонан азобланинг, тавба қилдинг, шу билан гуноҳ шумлигидан қутулдинг,— деб қўшимча қилди-да, художўй хотинга:

— Сен майда тошлар ўринларини унутганинг каби майда гуноҳларингни ҳам унутгансан, аста-секин гуноҳлар лойига ботганингни ҳам сезмай қолгансан, тавба қилмай шу кунгача гуноҳли умр кечиргансан, кўрдингми, ёш хотин қилган гуноҳига иқроор бўлиб йиғлаб тавба қилди. Художўйлик амалсиз бўлса, унга эътибор берилмайди. Кел, катта-кичик ҳамма гуноҳларингга тавба қил, бундан кейин ҳеч гуноҳ этмасликка аҳд қил,— деди.

Нуроний чолнинг сўзлари бу художўй хотинга қаттиқ таъсир этди. Йиғлаб ҳамма гуноҳларидан тавба қилди. Шундан кейин ҳар икки хотин чолнинг одоб, ахлоқ ҳақидаги панд-насиҳатларини тинглаб, у билан хайрлашиб уйларига қайтдилар.

ПОК ВИЖДОНЛИ ҚИЗ

Қадимги араб халифаларидан Умар бир кечаси кўчаларни айланиб юрарди. Бир уйнинг ёнидан ўтаркан, бир хотиннинг ҳовлида қизи билан жанжаллашиб сўзлаган товушини эшитди ва уй эшиги ёнида туриб уларнинг сўзларига қулоқ солди. Хотин қизига аччиқланиб:

— Нега мен билан олишасан? Эртага сотиладиган сутимизга бир оз сув қўш,— деди.

Қиз қабул қилмай:

— Ахир халифа Умар ҳамма сутчиларга сутга сув қўшиб сотмаслик ҳақида буйруқ берганини унутдингизми?

— Нега бунча бижирлайсан? Сув қўш дедимми, қўшавер, бизнинг сув қўшганимизни Умар қаердан билади?—деб онаси қизига аччиқланиб сўзлади. Қизи:

— Онажон, ахир халифа сутга сув қўшганимизни кўрмаса, виждонимиз кўриб турибди-ку, ҳеч бўлмаса виждонимиз амрига итоат қилайлик, виждонсизлик қилмайлик,— деди қизи ва онасининг буйруғини рад қилиб тураверди.

Сутчи хотин қизининг сўзларига халифа жуда ҳам завқланди, шу номусли, виждонли қизни ўзига келин қилиб олмоқчи бўлди. Саройига қайтгач, бир неча кундан кейин ўша қизни ўғлига ийик қилиб олиб берди, виждонли келинга эга бўлди.

Байт:

Қолмагай тўғрилар иши пинҳон,

Қилмагай тўғри сўз кишига зиён.

ЭНГ БУЮК ЗАВҚ

Хорун ар-Рашид ўз вазири Жаъфар, яна ўзининг энг яқин хизматчиси билан суҳбатлашиб ўтирганди. Гапдан гап чикиб Жаъфар Хорундан:

— Нимадан энг кўп завқланасиз?— деб сўради, Хорун ар-Рашид шундай жавоб берди:

— Мен энг нафис кийимлар кийдим, лаззатли овқатлар едим, энг нодир шарбатлар ичдим,

энди буларнинг ҳеч бири мени завқлантира олмайди. Умрим-нинг шу даврида соф, тоза ҳавода нафас олиш, бир пиёла кўм-кўк ва муздек сув ичиш ва бола-чақаларимнинг атрофимда гирди-капалак бўлиб юришларини кўриш энг буюк завқимдир.

Шундан кейин Хорун ҳам Жаъфарга шундай савол берди, Жаъфар айтди:

— Марҳамат қилиб берган боғингизда умр кечириш мен учун энг буюк завқдир.

Жаъфарнинг жавобини эшитгандан кейин Хорун ар-Рашид суҳбатлашиб ўтирган энг яқин хизматчисига ҳам худди шундай савол қилди. Хизматчиси айтди

— Менинг оладиган завқим сизларникидан тамом бошқачадир. Қандай завқ дейсизми? Мана эшитинг, диққат билан кулоқ солинг. Етим-есирларга, муҳтож-ларга қўлдан келгунча ёрдам бериш, умуман, ҳаммага яхшилик қилиш мен учун энг буюк завқдир. Бу завқ халқ кўнглига нақш этилган, шоирлар томонидан макталган, ҳаммага маъқул ва мақбул бўлган энг буюк завқдир.

Хорун ар-Рашид хизматчининг сўзларини эшитгач, ўрнидан туриб Жаъфарга:

— Бугунги суҳбатимиз етади, кетайлик, бу хизматчим ҳақ сўзлари билан мени ҳам, сени ҳам мағлуб этди,— деди.

ОБРЎ

Фазл номли мўътабар бир одамнинг икки яқин одами бор эди. Бирининг оти Назар, яна бирининг оти Соқиб эди. Бир кун Фазлнинг ҳузурида Назар билан Соқиб бир-бирлари билан ҳазиллашдилар, аскиябозликка киришдилар, охир ҳазиллари зилга айланди, ҳар иккиси қизишиб бир-бирини ҳақорат қилишга, уришишга киришдилар. Назар Соқибни икки қўли билан силкиб эди, Соқибнинг дўпписи ерга тушди. У бундан жуда ҳам аччиғланди. Фазл унга:

— Нега жуда ҳам ғазабланинг? Ҳазилкашликда бундай ишлар жуда кўп бўлади. Дўппингнинг ерга тушиши билан бунча аччиғланишинг тўғри эмас,— деди.

Соқиб аччиғини босолмай:

— Нега аччиғланмайин? Сендек улуғ киши ҳузурида дўппим ерга тушиб кетиб, обрўйим тўкилди,— деган эди, Фазл кулиб:

— Дўппингнинг ерга тушиб кетиши учун мунча ғазабланишинг ўринсиз. Менинг қошимда сенинг обрўйинг тўкилганига кўпгина вақт бўлди. Эсингда бор-ми, бир куп менга: «Менинг отим бир кечанинг ўзидаёқ Марв шаҳридан Нишопур шаҳрига етди»—деб ёлғон сўзлаган эдинг, ўша кундан бошлаб сўзингга ишонмай қолдим. Обрўйинг тўкилди. Энди обрў учун талашмай қўя қол, ёлғончида қандай обрў бўлади?— деди.

Қитъа:

То иложинг бор эса, ёндирма ёлғондан чироғ,

Чунки ёлғоннинг чироғи ичра йўқдир ҳеч ёғ.

Ҳар замоники агар ёлғондан урсанг, бир нафас,

Сўнгра ҳаргиз қилмагайсан обрўйингдан сўроғ.

ОМОНАТГА ХИЁНАТ

Кунлардан бир кун бир киши ўралган, муҳрланган бир халтачани дўстининг ҳузурига келтириб:

— Дўстим, мен сафарга чиқиб кетаётибман, ичида минг олтин бўлган шу халтачани сенга омонат топшираман, сафардан қайтиб келганимдан сўнг ола-ман,—деб халтачани топширди ва

ўша кун сафарга чиқиб кетди. Сафари узоқ вақтга чўзилди.

Дўсти омонатга хиёнат қилиб, халтачанинг бир томонини сўкди, олтинларни олиб, тангалар билан тўлғизди, сўкилган жойини ҳеч билинмайдиган қилиб тикиб қўйди. Орадан ўн йил ўтгандан кейин омонат эгаси сафардан қайтиб келиб, дўстидан қўйган омонатини талаб қилди. Дўсти халтачани чиқариб берди. Омонат эгаси халтачани очиб, тангаларни кўргач, ҳайрон бўлиб дўстидан:

— Халта ичидаги олтинларим қани?—деб сўраганди, дўсти инкор қилиб: «Халтачага нима солиб қўйган бўлсанг, шундай турибди, қараб кўр, босган муҳринг ҳам бузилмаган, тагин нима даъво қиласан»,— деди. Омонат эгаси халтачани олиб шаҳар қозисини хузурига бориб воқеани баён қилди. Қози жуда ақлли ва тадбирли одам эди. У дарҳол хиёнатчи дўстни чақириб олиб, омонат эгасининг шикоятини айтди. Хиёнатчи дўст инкор этишда давом қилди.

— Омонат қўйганингга неча йил бўлди?— деб сўраган эди, у киши омонат қилиб топширганига ўн йил бўлганини айтди.

Қози ҳамма тангаларнинг босилган йилларига кўз ташлади. Тангаларнинг босилганига икки-уч йилдан ортиқ бўлмаган эди. Қози хиёнатчи дўстга тангалар-нинг босилган йилларини кўрсатган эди, у шарманда бўлиб, қилган айбига иқроор бўлишга мажбур бўлди. Тадбирли, фаросатли қози олтинларни хиёнатчидан олиб эгасига топширди.

Қозининг буйруғи билан хиёнатчини эшакка тескари миндирдилар. «Омонатга хиёнат қилган кишининг жазоси шундай бўлади?» деб қичқириб, шаҳар, кўча ва бозорларни айлантирдилар.

ДИЁНАТ

Бир диёнатли фозил одамнинг уйида сичқонлар кўпайиб кетди. Одамлар унга:

— Нега уйингизда мушук асрамайсиз? Мушук сичқонлар кушандаси эканини биласиз-ку. Агар битта мушук асрасангиз, сичқонлар хужумидан қутуласиз,— дедилар.

Диёнатли фозил одам уларга:

— Тўғри айтасизлар, лекин бу маслаҳатингизни виждоним қабул қилмайди. Агар мушук асрасам, ҳамма сичқонлар мушуклари йўқ қўшнилариمنىнг уйларига тарқаладилар, қўшнилариimgа кўп азият берадилар. Ўзимга истамаган нарсамни қўшнилариimgа истайми? Ўз фойдамни кўзлаб, бошқаларга зарар етказайми? Йўқ, бу ишни виждоним асло қабул қилмайди,— деб жавоб берди.

Байт:

Ҳар нимаики ўзингга бўлмас писанд,

Тутма раво ўзгага, эй аржуманд.

УЛУҒЛИК

Бир киши араб подшоҳининг қариндош-уруғларидан бир нечтасини ўлдириб қочиб кетди. Бир қанча вақт ўтгандан кейин подшоҳнинг ёнига қайтиб келди, Подшоҳ таажжубланиб:

— Ажаб довурак, қўрқмас, жасоратли киши экансан, қариндошларимдан бир нечтасини ўлдириб буюк гуноҳ қилсанг ҳам қаҳр-ғазабимдан қўрқмай яна ёнимга қайтиб келдинг,— деган экан, у киши таъзим қилиб;

— Сизнинг афв ва марҳаматингизни улуғлигини яхши биламан. Гуноҳим буюк бўлса ҳам, афв, марҳаматингиз ундан ҳам улуғроқдир.— деб жавоб берди. Подшоҳга унинг сўзи ҳуш келиб

гуноҳини кечирди, инъом-эҳсон қилди.

Унинг яқин кишиларидан бири:

— Шундай душманни қўлга туширдингизу ўч олмай, унинг сўзига алданиб озод этдингиз, бу нима қилганингиз?— деди.

— Иш сенинг ўйлаганингча эмас, ундан ўч олсам, нафсим шодланади, озод қилсам, унинг кўнгли шодланиб, дунёда номим яхшилик билан ёд этилади. Мана шуни ўйлаб, уни озод қилдим,— деб жавоб берди подшоҳ.

Байт:

Гар улуғликни тилар бўлсанг диёнат бирла бўл,

Ким будур мулки саодат сориға бормоққа йўл.

УЧ БУЮК ТАБИБ

Бир табиб қаттиқ касал бўлиб ётиб қолди. Унинг шогирдлари йиғилиб устодларини даволашга киришдилар. Касал устод уларга:

— Севимли шогирдларим, мени даволаш учун беҳуда заҳмат чекманг, тузалишдан умид узганман, ўлимим яқин қолганга ўхшайди. Вафот топганимдан кейин жуда қайғуриб оҳ-воҳ қилманг, чунки, ўрнимга учта буюк табиб қолдириб кетаман. Шу зўр уч табибнинг маслаҳатларига ҳаммангиз эътибор беринг ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилинг,— деди. Шогирдлардан бири:

— Бизларнинг азиз устодимиз, сиздан кейин ўрнингизда қоладиган учта табиб кимлар?— деб сўради. Устод кўзларини очди, ёнидаги шогирдларига шундай жавоб берди:

— Сизларга сўзлаганим учта зўр табибнинг биринчиси—поклик, иккинчиси парҳез, учинчиси бадантарбиядир. Доимо пок, озода бўлишлик, тикиштириб апл-тапил емасдан ўз миқдорида овқатланиш, ичкиликдан тийилиш, бадан аъзоларини ҳаракатсиз қолдирмасдан бадантарбия билан шуғулланиш — мана буларнинг ҳаммаси саломатликни сақловчи энг яхши чоралардир.

ЭР КИШИНИНГ ИШИ

Боболаримиз: «Яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир, ёмонликка яхшилик эр кишининг ишидир», деб жуда тўғри айтганлар.

Қадим замонда бир вилоятнинг бошлиғи олим, фозил бир одамни тухмат орқасидан қамоққа олди. Бир йилгача ўз ҳузурига келтириб юз марта калтаклаб азобларди. Бир йилдан кейин аҳвол тамом ўзгарди. Ҳалиги золим бошлиқнинг ўрнига шу олим, фозил одам вилоят бошлиғи бўлди.

Ҳамма одамлар:

— Олдинги бошлиғимиз бу олим бошлиғимизга кўп жабр, зулм қилганди, бу ҳам энди интиқом олса керак,— деб ўйладилар, лекин иш одамлар ўйлаганларича бўлмади. Янги бошлиқ эски бошлиқни ўз ҳузурига келтириб, унга кўп илтифотлар кўрсатди, сарполар кийгизди. Хазиначисини чақириб олиб, ҳар кун юз марта урган калтагининг ҳар бирига бир тангадан юз танга беришга ва буни ҳар куни давом эттиришга буюрди.

Орадан бир неча вақт ўтгандан кейин олдинги бошлиқ жуда ҳам хижолат чекиб, ўлимига рози бўлди, олим бошлиқнинг ҳузурига келиб:

— Мени қатл этинг, ёки ҳар куни бераётган инъомингизни тўхтатинг, буни сиздан илтимос қиламан,— деди.

Янги бошлиқ бир йил мобайнида баданига урилган калтак зарбидан тўкилган бадан пўстларини йиғиб қўйган эди, аввалги бошлиқнинг илтимосини эшитгач, ўша пўстларини келтириб тарозуга тортишга буюрди. Пўстлар анчагина оғирликда эди. Аввалги бошлиққа шу пўстлар оғирлиги миқдорда олтин беришга буюриб:

— Емонлик қилганга ёмонлик қилиш осон, лекин мен яхшилик қилиш истайман. Бу олтинларни олсин ва ўзининг кимлигини билсин!— деди.

УМАР ИБН АБДУЛАЗИЗ

Қадимги арабларнинг «Умавия» сулоласи халифаларидан Умар ибн Абдулазиз энг одил ва ҳеч кимнинг кўнглини оғритмаган, зулм, ҳақсизликларни битиришга киришган зот эди. Халифанинг бу хислатларини кўролмаган шахслар бир одамни ёллаб, халифани заҳарлабдилар. Лекин заҳар берган одам қочиб кутула олмади. Уни Умарнинг ҳузурига келтирдилар.

Умар у одамдан:

— Менга нима учун заҳар бердинг? Бундан мақсадинг нима?—деб сўради. У одам:

Халифам, мен сизни олижаноб халифа эканингизни биламан. Душманларингиз менга минг олтин бериб, сизни заҳарлашни буюрдилар. Пул учун виждонимни сотиб шу ярамас ишни қилишга мажбур бўлдим, ўз ишимдан ўзим хижолатдаман,— деди.

Халифа у одамдан минг олтинни олиб давлат хазинасига топширди. Кейин у кишига хитоб қилиб:

— Пул, мол учун бировга ёмонлик қилишнинг зўр гуноҳ эканини билмадингми? Агар зўр гуноҳ эканини билсанг эди, бундай ишга жасорат қилмасдинг. Мен сени афв этдим, чунки инсон, ёмонлик қилган кишидан ўч олмаслиги, унинг гуноҳини кечириши лозимдир. Агар сен берган заҳардан вафот этсам, одамларим сени пора-пора қилиб юборардилар. Шунинг учун тавба қил, пул, молга таъма қилиб, бировнинг ҳаётига қасд қилма,— деди.

У киши йиғлаб, тавба қилди, халифадан узр сўради, хайрлашиб кетди. Халифа ҳамма ходимларига бу кишига асло тегмасликни буюрди.

БУЗУРЖМЕХР

Бир гуруҳ ҳинд ҳакимлари бир мажлисда Анушервонни машҳур донишманд вазири Бузуржмеҳрнинг камолотини таъриф ва тавсиф қилиб, унда бор-йўғи бир айбдан бошқа айб топа олмадилар. Бузуржмеҳр бир масала ҳақида сўзларкан, тўхтаб-тўхтаб, бир оз ўйлаб сўнгра сўзини давом эттирарди. Унинг бу иши тингловчининг анчагина вақтини оларди.

Бузуржмеҳр ҳинд ҳакимлари томонидан ўзига қўйилган мана шу биргина айбни эшитиб айтди:

— Аввал «нимани сўзласам экан?» деб ўйлагандан кейин сўзлаш — «бу номаъқул сўзларни нега сўзладим?» деб пушаймон қилишдан кўра яхшироқдир.

Байт:

Ўйламасдан сўзлама, сақлаб ўзингни сўзлагил.

Яхши ўйлаб, сўнгра сўзла, тез олғирлик қилмагил.

УМАР

Қадим замонда Ҳалаб шаҳрида Умар номли саховатли, олижаноб бир одам яшарди. Бир кун йўлда кетаётган эди, бир ҳовли эшиги ёнида иккита гўдак боласини бағрига босиб йиғлаб ўтирган хотинни кўриб қолди. Умар хотиннинг паришон ҳолига раҳм қилиб, дарҳол унинг ёнига борди.

— Синглим, нега йиғлаб ўтирибсан, сенга нима бўлди, ким сенга озор бериб, дилингни вайрон қилди?— деб сўради.

Хотин аччиқ-аччиқ кўз ёшларини тўкиб, ҳолини баён қилишга киришди:

— Менга ҳеч ким озор бергани йўқ, фақат толесизлигимдан нолийман, бахтсизлигимдан кўз ёшларимни тўкиб фиғон этаман. Илгари турмушимиз ях-шигина ўтиб турган эди. Бундан бир йил аввал эрим оғир касалликка йўлиқиб вафот топди. Мен шу икки гўдак болам билан дод-фарёд қилиб қолавердим. Мен ўзим касалманд, нимжон хотин бўлганим учун бирор ишга киришиб маишатимизни таъмин этишга мадорим йўқ эди. Бир йилгача уйдаги бор нарсаларимни сотиб болаларим билан бирга умр кечирдим. Энди ҳеч нарсамиз қолмади. Очлик, яланғочлик хавфи остида қолдик. Бундан кейин аҳволимиз қандай кечишини била олмай бахтсизлигимдан нола қилиб йиғлаб ўтирибман.

Умар бечора хотиннинг ноласига чидолмай кўзига ёш олди, болаларни қўлига олиб кучоқлаб, юз-кўзларидан ўпиб эркалади, хотинга тасалли бериб:

— Синглим, йиғлама, ўрнингдан тур, сизларни уйимга олиб кетаман, менинг меҳмоним бўласиз, мен сизларни шундай аҳволда қолдирмайман. Ёрдам бераман, бу митти, гўзал болаларинг менга ҳар нарсадан ҳам қиммат туради,— деди ва болаларни яна эркалаб юз-кўзларидан ўпди. Хотин бечора шодланиб ўрнидан турди, йиғлаб Умарга миннатдорчилик билдирди. Умар икки гўдакни кўтариб олди. Хотин ҳовли эшигини қулфлаб Умар билан бирга йўлга тушди.

Умарнинг оиласи бу бахтсиз меҳмонларни шодлик билан қарши олди. Уларни яхшилаб зиёфат этдилар, хотин ва икки етим гўдакка янги либослар кийдирдилар. Умарнинг хотини ва қизлари гўдакларни эркалаб, қўлларидан туширмас эдилар. Хотин бир неча кун меҳмон бўлиб тургандан кейин ўз уйига қайтиш учун рухсат сўради.

Умар дарҳол ёғ, гўшт, гуруч ва бир қон ун тайёрлаб аравага ортди. Бахтсиз меҳмонларни ҳам аравага ўтқизиб уйларига олиб келиб қўйди. Кейин хотиннинг қўлига кўпгина пул бериб:

— Синглим, мана бу пулни харажат этиб уй асбобларингни тузатиб ол. Пул ва келтирилган озиқ-овқатлар тамом бўлса, яна менинг уйимга кел, яна ёрдам бераман. Асло хафа бўлма, болаларингни яхши тарбия қил, сен менинг қиёматли синглимсан!— деди.

Бечора хотин кўзларидан шодлик ёшларини тўкиб, Умарга миннатдорчилик билдирди.

ГЎЗАЛ ТАДБИР

Бир шоир хотинлардан кулиб шеър ёзганди. Подшоҳ саройидаги хотинлар, вазир, ҳаким ва бойларнинг хотинлари жуда ҳам аччиқланиб, ўз қўллари билан у бечора шоирга жазо бермоқчи бўлдилар. Бу ниятларини подшоҳга арз қилиб, шоирни дарҳол саройга келтиришни талаб қилдилар.

Подшоҳ қабул қилиб, шоирни зудлик билан ўз ҳузурига келтирди. Уни ечинтирди ва қўлига бир таёқ олиб хотинларга:

— Шоирни мана шу таёқ билан уриб ўч олинг, фақат бир шартим бор, орангизда ким хунук, бадбашара бўлса, энг аввал ўша хотин таёқ билан уриб ўч олишни бошлаб бериши керак,— деди. Бироз вақт кутди, хотинлардан чурқ этган товуш чикмади, бирор хотин ҳам хунук, бадбашара деган номга эга бўлишни истамади.

Кейин подшоҳ табассум билан шоирга:

— Ҳеч бир хотин биринчи бўлиб таёқ уриб, ўзини хунук деб кўрсатишни истамайди. Тур энди, кийимларингни кийиб уйингга кетавер,—деб шоирни жўнатиб юборди. Шундай қилиб, подшоҳ гўзал тадбир соясида шоирни хотинлар ҳужумидан қутқазди.

Байт:

Ақл элидан мушкул иш осон бўлур,
Йўқ эса одам балоларга қолур.

ТАДБИРКОР ВАЗИР

Бир подшоҳнинг жуда ҳам чиройли оти бор эди, Подшоҳ отини жуда севарди. Кунлардан бир кун унинг ана шу гўзал ва чопқир оти касалланиб ўлди. Ғазаб отига минган подшоҳ отбоқарини ўлдириш қасдида ҳузурига чақиртирди. Унинг доно вазири бор эди. Вазир орага тушиб, подшоҳни бу ниятидан қайтарди:

— Подшоҳим, сабр қилинг, аввал бу ярамас отбоқарнинг қилган жинояти қандай натижалар берганини ўзига бирма-бир айтайлик, иқроор бўлгандан кейин ўлдирсангиз бўлади,— деди. Кейин отбоқарга, гўё ғазабланган бўлиб, айтди:

— Эй ярамас отбоқар, қилган жиноятингни келтирган ёмон натижаларини биласанми? Билмасанг, мен бирма-бир айтиб берай, айбингга иқроор бўлсанг, ўлимдан озод бўлиб, яна хизматингни давом эттирасан.

Биринчидан, биламиз, подшоҳимизнинг отини яхшилаб боқдинг, унинг ўлишинигина эмас, ҳатто касал бўлишини ҳам истамадинг, лекин бечора от қазоси етиб, ўлиб қолди. Бало-қазони қайтариб, отнинг умрини узайтиришга нега кучинг етмади? Мана шунинг учун айбдорсан, тўғрими, эй нобакор отбоқар, айбингга иқроор бўл?!

Иккинчидан, биламиз, отни сен ўлдирмадинг, умри тугаб, қазоси етиб ўлди, лекин подшоҳимиз сендан гумон қилиб, шу даражада ғазабландиларки, муборак қўлларига қилич олиб, сени ўлдирмоқчи бўлдилар. Бу ишлари билан оламга кулги бўлишларига сал қолди. Бунинг учун ҳам сен айбдорсан, айбингни бўйнингга ол!

Учинчидан, подшоҳимиз бир от деб сени ўлдирсалар эди, бутун одамзод:—«Фалон подшоҳ бир ҳайвон деб отбоқарини ўз қўли билан ўлдирган, инсондан ҳайвонни ортиқ ҳисоблаган, инсоннинг кадр-қимматини ерга урган»,— деб подшоҳимизга лаънат ўқирдилар, нафрат назари билан боқардилар, шу билан подшоҳимизнинг муборак номлари булғанарди. Бунга яна сен сабабчи бўлардинг. Кел, подшоҳимизга узр айт, ҳамма айбларингга иқроор бўл, ундан кейин подшоҳимиз нима қарорга келсалар, ўзлари биладилар. Менинг сўзларимни уқдингми, ярамас отбоқар?

Подшоҳ тадбирли вазирнинг кинояли сўзларидан таъсирланиб, қўлидаги қиличини улоқтириб юборди, отбоқарни ўлдиришдан қўл чекди, уни яна ўз хизма-тига қўйди. Шундай қилиб тадбирли вазир ғазаб отига минган подшоҳни ножўя ҳаракатдан тўхтатди, уни огоҳлантирди, шу билан гуноҳсиз отбоқарни ўлимдан қутқазди.

Байт:

Ҳар кишида бўлса эрликдан нишон,
Ҳеч бир одамга раво кўрмас зиён.

МАТЛУБ МЕРОС

Миср ҳукмдори Рум ҳукмдори билан келишиб, ораларидаги адоватни бартараф қилдилар. Дўстлик аҳдин туздилар. Дўстликларини ҳам кучайтириш, абадийлаштириш учун Миср ҳукмдори ўз қизини Рум ҳукмдорининг ўғлига берди. Рум ҳукмдори ҳам ўз қизини унинг ўғлига никоҳлади. Шундай қилиб, ҳар икки ҳукмрон бир-бирларига қарши қуда бўлдилар. Бу ошнолик туфайли ҳар икки томондан элчи ва мактуб бот-бот бориб келиб турди, ҳар иккиси бир-бирлари билан маслаҳатлашиб иш олиб бордилар.

Бир куни Миср ҳукмдори қудаси Рум ҳукмдорига шу мазмунда хат ёзиб юборди:

— Кўзларимизнинг нурлари бўлган фарзандларимизнинг вафотимиздан кейин ҳам роҳат ва фароғатда яшашлари учун шу топдан бошлаб чора кўришимиз керак. Мен ўғлим учун жуда кўп мол-дунё жамладим. Чиройли боғ ва иморат вужудга келтирдим. Сиз ҳам куёвим бўлган ўғлингиз учун шундай қилган бўлсангиз керак.

Рум ҳукмдори қудаси Миср ҳукмдорининг хатини ўқиб табассум қилди ва шу мазмунда мактуб битди:

— Мен сиздан кўра бошқачароқ йўл топдим. Вафосиз мол-дунё, матоларга илтифот этмайман. Шунинг учун мен ўғлимга молу дунё эмас, илм, ҳунар, одоб, ахлоқни мерос этиб қолдиришни истадим, уни илмли, ҳунарли, одоб, ахлоқли қилиб ўстирдим, адаб либоси билан уни безадим, яхши хислатларни ўғлим учун мерос этиб қўйдим. Мол-дунёга завол етади, аммо одобга завол етмайди.

Миср ҳукмдори қудасининг хатини ўқигач, унинг сўзини маъқуллаб:

— Қудам тўғри айтади, одоб, ахлоқ — олтиндан ҳам қимматли,— деди.

Қитъа:

Эмас манзур ҳуш ақлига моли,
Нечукким молнинг бордир заволи.
Улар матлуби бўлган илму одоб,
Ки топганлар адабдан яхши алқоб,

БАХТ САРОЙИ

Қиш куни. Кеч бўла бошлаганди. Бир йигит йўлда кетаркан, унга катта бир ўрмон ичидан ўтишга тўғри келиб қолди. Ўрмон қоронғи, қалин дарахтлар билан қопланганди. Йигит ўрмон ичида юра-юра йўлни йўқотиб қўйди, адашди.

Ҳушдан кетиб йиқилди. Бир оздан кейин очлик ва совуқ таъсири билан ҳушига келиб кўзини очди-ю, ёнида уч кишининг турганини кўриб, қўрқиб, нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Булардан биттаси ипак кўйлак кийган, белига олтин камар боғлаган, иккинчиси қора кўйлак кийган, қора камар боғлаган ва учинчиси эса ҳаво ранг кўйлак кийган, қайишдан камар боғлаган одам эди.

Бу кишиларнинг ҳаммаси бирдан:

— Эй йигит, сен бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб сўрадилар. Йигит титраб:

— Бекорчиман, ҳеч бир иш қилмайман, ўрмондан ўтаётиб адашиб қолдим,— деди. У кишилар:

— Айт, биздан нима истайсан?—деб сўраган эдилар, йигит бу қўрқинчли ўрмондан қутқозишларини ўтинди.

У кишилар йигитга:

— Сенга бир йўл кўрсатувчи керак экан, қани, биримизни танлаб ол, қайси биримиз сенга йўлбошчилик қилайлик?— дедилар.

Йигит ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят ипак кўйлак кийган, белига олтин камар боғлаган, бой савдогар

киёфали кишини танлади. У киши кулимсираб йигитни олиб кетди. Юрдилар-юрдилар, охири йигит чарчаб тўхтаб қолди. У киши:

— Нега тўхтаб қолдинг? Қани юр, ҳали анча юришимиз керак,— деган эди, йигит юришга мажоли қолмаганини айтди. Бой савдогар киёфали киши ёнидан катта ўткир пичоқ олиб:

— Мана шу ўткир пичоқни ол,— деб уни йигитнинг қўлига берди. Йигит хайрон бўлиб ундан:

— Менга нега пичоқ бердингиз? Бу пичоқни нима қиламан?— деб сўраган эди, у:

— Мана бу чет томондаги йўлдан ҳозир отга минган бир киши етиб келади. Сен у кишига хужум қилиб ўлдир. Кейин унинг отига миниб, ўрмондан чиқиб кетасан,— деди. Йигит у кишидан:

— Сиз ким бўласиз, отингиз нима?—деб сўраганди, у киши айтди:

— Менинг отим — ёмонлик, кел, мен кўрсатган йўл билан юр, шогирдим бўл.

Йигит ёмонлар устодининг ярамас сўзларини эшитиб, жуда ҳам аччиғланди. Қўлидаги пичоқни иргитиб юбориб айтди:

— Кет, йўқол, малъун! Мени ярамас йўлга бошламоқчи бўласан, сен кўрсатган ёмон йўлга юрмайман,— деб бақирди, ўзидан кетиб беҳуш бўлиб йиқилди.

Байт:

Ёмонларнинг сира пайванди бўлма,

Ҳаво бирла ҳаваснинг банди бўлма.

Йигит бир оздан кейин ҳушига келиб, қолган икки киши унинг ёнида турганини кўрди. Дарҳол қора кийим кийган, қора камар боғлаган кишига мурожаат қилиб, шу қоронғи ўрмондан чиқишга ёрдам беришини сўради. У киши йигитнинг илтимосини қабул қилгач, икковлари йўлга тушдилар.

Анча йўл юриб, бир жар ёқасига етиб келдилар. Йигит ортиқ даражада чарчаган, юришга мадори қолмаган эди, ўша ерда тўхтаб, дам олмоқчи бўлди. У киши йигитнинг тўхтаб қолганини кўриб: «Нега тўхтаб қолдинг? Йўлимиз ҳали узоқ. Дам олишни истайсанми? Хўп, дам ол, мана шу баланд ердан ўзингни ташла, пастда роҳатланиб дам оласан», деди. Агар йигит ўзини жарга ташласа парча-парча бўлиб кетарди.

— Сен кимсан? Отинг нима, бу қандай таклиф, менинг ўлишимни истайсанми?— деб ғазабланиб сўзлади йигит. У киши:

— Менинг отим — умидсизлик, сен ишсиз, ялқов йигитга ўхшайсан, ҳаётга умидсизлик билан қарайсан. Худди менбоп бир йигит бўлганинг учун сенга йўл кўрсатдим, кел, таклифимни қабул қил,— деб жавоб берди.

— Кет, йўқол, сенинг кўрсатган йўлингга муҳтож эмасман, мен яшашни истайман, ялқов ҳам эмасман. Менга чин йўлни кўрсатган олижаноб одамлар изи-дан бормоқчиман,— деди йигит.

Байт:

Ноумид бўлма, ўғил, ғайрат билан ишга кириш,

Бўл умидли, тинмай ишла, иззат, обрўга эриш.

Йигит бир оздан кейин кўзини очиб, у ёқ-бу ёққа қараганди, ҳаво рангли кийим кийган, белига қайиш камар боғлаган бир киши унинг ёнида турганини кўрди. Аввалги икки кишидан яхшилик кўрмай юрак-бағри куйган йигит бу учинчи кишига ҳам ишонмай, унинг ёнидан қочиб кетмоқчи бўлди. Лекин у киши мулойим товуш билан:

— Ўғлим, мендан кўрқма, бери кел, мен сени бу кўрқинчли ўрмондан олиб чиқиб тўғри

йўлни кўрсатаман,— деди.

Йигитнинг кўнгли ором олди, у киши ёнига келиб, салом бериб кўришди, сўнгра йўлга тушдилар. Тонг ҳам ота бошлаган эди. Ҳалиги йўлбошчи киши ерда ётган узун ва йўғон дарахт шохини кўрсатиб:

— Бу шохни елкангга қўйиб ол,— деди.

Йигит қабул қилиб шохни кўтариб олиб елкасига қўйди. Бироз юрганларидан кейин кўрқинчли ўрмондан чиқиб, катта ва равон йўлга тушдилар. Йўлнинг бир томонига солинган буюк ва гўзал бир сарой кўринди. Ҳалиги одам:

— Ўғлим, бу ўрмонни ва бу дарахт шохини унутма, шохни ерга ташлаб, саройга кир, барча мақсадинг ҳосил бўлиб, бахтли умр кечирасан,— деди ва ўзи ўрмон томонга қараб кета бошлади.

Йигит шохни ерга ташлаган эди, шох ерга тушиб бир қоп олтин бўлиб сочилиб кетди. Йигит жуда ҳам ҳайратда қолди. Ҳалиги кишини чақириб:

— Оғажон, тўхтанг, очик, равшан йўлга солдингиз, сиз кимсиз? Отингиз нима? Бу қандай сарой?— деган эди, у киши ўрмон ичидан баланд овоз билан:

- Ўғлим, менинг отим — меҳнат, лақабим саъй-ғайрат. Бу сарой «Меҳнат саройи» деб аталади. Бу гўзал саройга кириб, чин ихлос билан ишла, саъй-ғайратни қўлдан берма, меҳнатинг туфайли азиз ва мукаррам бўласан, - деб жавоб берди. Йигит севиниб «Меҳнат саройи»га кирди, унга бахту иқбол эшиклари очилди.

Байт:

Бахту иқбол, саодат, эй ўғил, меҳнатдадир,

Саъй-ғайрат бирла ҳар ким ишласа, роҳатдадир.

ЖАВОНМАРДЛИК

Қадимги «Аббосия» сулоласи халифалари Бағдод шаҳрида турардилар.

Уларнинг ўнинчи халифаси Мутаваккилнинг Фатҳ исмли бир ёш кули бор эди. Фатҳ ақлли, тарбияли ва зийрак йигит бўлгани учун Мутаваккил уни фар-зандликка қабул қилиб, ўз фарзандларидан кўпроқ унинг тарбиясига аҳамият берарди. Фатҳ доимо сувда сузишга ўрганишни ҳавас қиларди. Кемачилар унга Дажла дарёсида сузишни ўргатдилар. Кунлардан бир кун Фатҳ Дажла дарёсида сузиб, ўз хунарини кўрсатмоқчи бўлди. Шу ният билан ҳеч кимга сездирмай дарё қирғоғига бориб, ўзини сувга ташлади. Сув жуда тез оқарди. Фатҳ қулоқ отишга улгура олмади. Сув уни оқизиб кетди. Фатҳ сув юзида қалқиб кетавериш, ниҳоят сув уни қирғоқ яқинига оқизиб келтирди. Фатҳнинг дармони қуриган эди. Қирғоқ бўйидаги бир кичик ғорга кириб олиб, жон сақлади, бир неча кун у ерда умр ўтказди.

Фатҳнинг сувда оқиб кетганини кўрган одамлар бу воқеани дарҳол Мутаваккилга хабар берган эдилар. Мутаваккил ҳамма кемачиларни чақириб, Фатҳни топиб келтиришга буюрди.

Фатҳни тириклигича ёки ўлган бўлса жасадини келтирган кишига инъом-эҳсон ваъда қилди. Ҳамма кемачилар Фатҳни излашга киришдилар. Бир кемачи Фатҳ ётган ғорга келиб қолди. Ғорда ўтирган Фатҳни кўриб, жуда шодланди, дарҳол уни қайикка ўтказиб, Мутаваккилнинг ҳузурига келтирди. Халифа жуда ҳам хурсанд бўлиб, топиб келтирган кишига кўп инъом-эҳсон қилди.

Мутаваккил, ўғлим неча кундан бери овқат емаган, оч ётган, деб ўйлаб овқат келтиришга буюрганди, Фатҳ қабул қилмай қорни тўқ эканини айтди.

Мутаваккил ҳайрон бўлиб, ўғлидан бунинг сабабини сўради.

— Мен ғорда бир ҳафта турдим. Ҳар кун бир идиш ичига жойланган йигирматача нон сув

юзига оқиб келарди. Мен ўша нонлардан уч-тўрттасини олиб қолиб, идишни яна оқизиб юборардим, Мана шу нонларни еб ҳаётимни сақладим. Қизиғи шунда-ки, ҳар бир ноннинг юзига «бу нонларни дарёга ташлаган киши Ҳасан кафшдўзнинг ўғли Муҳаммаддир» деган жумла ёзилганди,— деб жавоб берди Фатҳ.

Мутаваккилнинг буйруғи билан жарчи шаҳар халқига:

— Ҳар кун дарёга нон оқизадиган киши ўзини маълум қилсин, халифа унинг иззат-хурматини бажо келтириб, инъом-эҳсон билан хурсанд қиладилар — деб эълон қилди. Эртаси куни бир киши халифа ҳузурига келиб, ҳар кун дарёга нон оқизиб турган киши ўзи эканини айтиб, нонларга ёзилган жумлани далил этиб кўрсатди. Мутаваккил ундан: «Шу иш билан неча вақтдан бери машғул бўласиз? Нон оқизишдан муддао нима?»—деб сўради. У киши:

— Мен бобомдан: «Яхшилик қилиб, дарёга ташласанг ҳам албатта бир кун сенга фойдаси тегади» -деб эшитган эдим. Менинг қўлимдан бошқа хил яхшилик келмас эди, куч-қудратим фақат нонга етарди. Шунинг учун сувда ғарқ бўлишдан ёки бошқа бир фалокатдан қутулиб дарё қирғоғи бўйида оч ўтирган одамлар олиб есинлар деб, ҳар кун дарёга нон оқизардим. Нонларимни олиб еганлар ҳаққимга дуо қилсинлар деб, нон юзига ўзимнинг ва отамнинг исмини ёзиб қўярдим. Бир йилдан бери шу иш билан машғулман. Бобомнинг сўзларига ишониб қилган яхшилигимнинг мукофотини кўрарман деб умид этаман,— деди.

Мутаваккил у кишига кўп илтифот қилиб:

— Бобонгиз жуда тўғри айтган, қайси йўл билан бўлса ҳам яхшилик қилган киши, албатта яхшилик мукофотини олади. Сизнинг қилган яхшилигингиз соясида ўғлим Фатҳ очлик заҳмати чекмаган, ҳаётини сақлаб қолган,— деб Фатҳнинг бошидан ўтган воқеани айтиб берди. У кишига кўп олтин ҳадя қилди, инъом-эҳсон қилиб, уни хурсанд этди.

НУЪМОН ВА АРСЛОН

Қадимги Юнонистон шаҳарларидан Карфаген шаҳрида қул сотиб савдо қилувчи бир савдогар яшарди. Ҳамма қулларига, хусусан Нуъмон исмли қулига ҳам кўп жабр-жафо етказарди. Савдогарнинг зулмига чидолмай Нуъмон, ниҳоят, қочиб кетишга қарор берди. Бир куни кечаси ҳеч кимга сездирмай ундан чиқиб, шаҳардан бир неча чақирим узоқликда бўлган ўрмонга кириб яширинди. Бир-икки кун ўрмон ичида сарсон-саргардон бўлиб юргандан кейин бир ғорни кўриб қолди.

Очлик, чарчаганлик жуда ҳам таъсир қилгани учун ғорга кириб ётди ва ширин уйқуга кетди. Кўп ўтмай ваҳший бир ҳайвоннинг шиддатли ўқиришидан чўчиб, уйғонди. Дарҳол ғорнинг оғзига келиб атрофга қараган эди, жуда катта, баҳайбат бир арслоннинг ғорга қараб турганини кўрди, қочиб қутулишнинг иложи йўқ эди.

Бечора Нуъмон кўз олдидаги даҳшатли ҳайвон томонидан парчаланиб ейилишини маъюсона ўйлаб турганди, арслон ҳеч даҳшат кўрсатмасдан аста-аста қадам босиб унинг ёнига кела бошлади. Ҳар бир қадам босганда гўё ёрдам беришни ўтинган каби секин ва қайғули товуш чиқарарди. Даҳшат ва ҳайрат ичида қотиб турган Нуъмон биров эсини тўплаб арслонга қаради. Арслоннинг оқсоқланиб қадам босганини, оёғининг теги қавариб шишганини кўрди. Кейин арслоннинг ёнига келиб, унинг бошини силади, жароҳатланган оёғини қўлига олди, жарроҳ касални қандай текширса, арслон оёғини шундай текширди. Унинг оёқ тўпиғига узун ва йўғон бир тикан кириб қолганини кўрди. Дарҳол тиканни олиб ташлади, ёнидан рўмолини олиб йиртиб ярани боғлаб қўйди.

Нуъмоннинг шу соддагина даволаши соясида катта ва даҳшатли арслон оёқ оғриғидан қутулди. Бундан сўнг у қўлдан келганча Нуъмонга миннатдорлик билдиришга ва муҳаббат изҳор қилишга киришди. Нуъмоннинг қаршисида сакраб-сакраб ўйнар, ғойибдан етишган бу

табибининг оёқларини ялар эди. Ўша кундан бошлаб, Нуъмон арслоннинг меҳмони бўлиб қолди. Арслон овга чиқиб, қўлга киргизган ўлжадан бир қисмини Нуъмонга келтирарди, баъзи кунлари уни устига миндириб олиб ўрмонни томоша қилдиради.

Нуъмон бир неча ой ўрмонда, арслон ёнида умр кечирди. Ниҳоят, бир кун савдогарнинг кидирувда юрган одамлари арслон йўқ вақтида Нуъмонни тутиб олиб унга топширдилар. Савдогар шаҳар ҳокимига Нуъмоннинг қочиб кетиб, сўнгра тутиб келтирилганини билдирди. Ҳоким Нуъмонни халқ кўзи олдида арслонга едириб юбориш жазосига ҳукм қилди. Ҳукмни ижро этиш куни келди, мудҳиш жазо майдонига жуда кўп одамлар йиғилди. Жаллодлар мазлум Нуъмоннинг қўлларини боғлаб майдоннинг ўртасига келтириб қўйдилар. Бирпасдан кейин арслоннинг ўқирган даҳшатли товуши томошабинларни ларзага туширди. Мана, яширин бир жойдан катта, баҳайбат бир арслон ўқириб чиқиб келди. Унинг кўз-лари ўт каби ёнарди, бирдан Нуъмон тарафига қараб югурди. Бу кўрқинчли манзарани томоша қилиб турганлар: «Ҳозир бу даҳшатли ҳайвон Нуъмон бе-чорани тилка-пора қилиб ташлайди»,— деб қараб турардилар, лекин иш улар ўйлаганларича бўлиб чиқмади.

Ақлли ҳайвон Нуъмоннинг ёнига келар-келмас унинг ёнида тиз чўкди, кичик болалар каби эркаланиб унга юз-кўзларини сурди, оёқларини ялади, унинг ёнида сакраб-сакраб ўйинга тушди.

Бу ҳолни кўрган томошабинлар шошиб қолиб ҳайрат билан бармоқларини тишладилар. Севинганларидан беихтиёр кўз ёшларини тўкдилар. Ҳайратда қолган ҳоким Нуъмонни ўз ёнига жалб этиб, бу ваҳший ҳайвон унинг ёнида қўй каби ювош бўлиб қолганлигининг сабабини сўради. Нуъмон бутун воқеани баён қилиб, бу арслон ўрмондаги ўша дўсти арслон эканини айтди. Нуъмоннинг бу ҳикоясини эшитган томошабинлар уни қулликдан озод этилишини ҳокимдан ўтиндилар. Ҳоким буни қабул қилиб, Нуъмонни озод қилди.

Байт:

Кимки истар доимо бўлгай омон,
Яхшилик қилсин, сира этмас зиён.

УЛУҒ МУКОФОТ

Бир кун Аҳмад исмли ёш табиб ота-она ва хотини Карима билан аравага ўтириб водий бўйлаб кетмоқда эди. Водийнинг ўнг томони тошлиқ, чап томони тоғлиқ эди. Тоғ ён бағрида туби қоронғи ғорлар кўринади.

Йўловчилар тоғ этаги бўйлаб кетар эканлар, бир ғор ичидан бировнинг инграган товуши эшитилди. Йўловчилар бу кимнинг товуши эканини билиш учун аравадан тушиб, товуш эшитилган томонга қараб кетдилар. Ғорга етиб келиб, унинг ичига қадам қўйдилар. Ғор анча узун ва кенг эди. Аллакимнинг: «Афсус, хотин, бола-чақаларимни кўролмай ўлиб кетаман!»— деб инграган товуши эшитиларди. Йўловчилар ғор ичининг ўрта ерига етганларида, қирқ ёш чамасидаги бир одамнинг қонга бўялиб ётганини кўрдилар. У бечора зўрға нафас олиб:—сув!— дер эди. Йўловчилар у бахтсизнинг ҳолига ачиниб кўзларига ёш олдилар. Ўғрилар бу одамнинг бор нарсасини олиб, ярадор қилиб ғор ичига ташлаб кетган эканлар.

Карима сув келтириш учун югурганича ғордан чиқиб кетди. У кетгандан кейин табиб Аҳмаднинг отаси ўғлидан:

— Мен бу одамни танийман, исми Акрам, бизга яқин қишлоқда туради, яхшилаб даволанса соғайиб кетадими?—деб сўради.

Ўғли:

— Ҳа, даволаса, тузалиб кетади. Сиз ва онам дарров шу ердан уйга қайтинг, тезликда бу

бечоранинг қишлоғига бориб оиласига хабар беринг, олиб кетсинлар,— деди.

Шундай қилиб, ҳаммалари уйга қайтмоқчи бўлдилар. Аҳмад мажруҳнинг ярасини яхшилаб боғлади, кейин аравага ётқизиб, уйга олиб қайтдилар. Аҳмад-нинг отаси мажруҳ Акрамнинг оиласига хабар берди. Аҳмад мажруҳ Акрамни жиддий равишда даволашга киришди. Карима ва қайнатаси Акрамнинг ёнидан айрилмай, доимо ҳолидан хабар олиб турдилар. Акрамнинг оила аъзолари ҳам хабар олганларидан кейин етиб келдилар. Аҳмадга, уннинг отаси, онаси ва хотини Каримага миннатдорчилик билдирдилар.

Бир ойдан кейин Акрам шифо топди, фарзандлари келиб олиб кетмоқчи бўлдилар. Кетар олдида Акрам йиғлаб, бу олижаноб оила билан хайрлашиб айтди:

— Сизлардан кўп миинатдорман, мени ўлим хавфидан қутқаздингиз. Қилган яхшилигингиз учун сизларга қандай хизмат қилишимни, нима билан му-кофотлашимни билмайман. Ўзим ва оилам номидан сизларга ташаккур билдираман, бу қилган яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмайман,— деди.

Аҳмад шодланиб, миннатдорчилик изҳор қилиб турган Акрамга хитоб қилиб айтди:

— Шукр, ҳалокатдан қутулиб, оилангиз билан кўришдингиз, жуда хурсандмиз. Биз сизни ўлим хавфидан қутқазиш билан инсоний вазифамизнигина адо этдик. Сиз ҳам виждонингизнинг энг қимматли гавҳарларини бизга ҳадя қилдингиз, улар эса шодликдан тўкилган кўз ёшларингиздир. Оилангиз билан соғ-саломат кўришганингизнинг ўзи — биз учун энг улуғ мукофотдир. Бундай улуғ мукофотдан бошқа яна нимани ҳам истаймиз?

Олижаноб Аҳмад ва унинг оиласи Акрамни катта йўлгача кузатиб, хайрлашиб қайтдилар.

Қитъа:

Ожизу дардмандларга қил қарам,
Токи бўлғайсан жаҳонда мухтарам.
Сен бу иш бирла агар бўлсанг мудом,
Мақсади аълода тутғайсан мақом.

ЭНГ УЛУҒ ФАЗИЛАТ

Қадим замонда бир мўътабар одамнинг уч ўғли бор эди. Бир куни уларни ўз ҳузурига чақириб олиб:

— Ўғилларим, сизларни синамоқчиман, бир ой саёҳат қилинг. Шу бир ойлик умрингизни халққа фойдали, яхши ишларга сарф этинг. Қайси бирингизнинг қилган яхшилигингиз энг улуғ фазилат касб этса бармоғимдаги мана шу жуда қимматбаҳо узукни унга бераман,— деди.

Ўғиллари ҳар тарафга тарқалиб, саёҳатга чиқиб кетдилар. Бир ой саёҳат қилиб юриб, яна оталарининг ҳузурига қайтиб келдилар. Ота катта ўғлидан сўради:

— Ўғлим, шу бир ой ичида қандай энг улуғ фазилатли яхшилик қилдинг?

— Отажон, бир куни танҳо ўзим бир боғ кўчасидан ўтиб кетаётсам, бир ерда жуда ҳам қимматли олмос тушиб ётган экан. Уни олиб дарҳол тегишли маъмурларга топширдим. Маъмурлар бошлиғи менга ташаккур айтиб, қўлимга мана шу тақдирномани ёзиб берди, олмоснинг эгасини топтириб унга топширди. Шу қилган ишим тўғрилигимга бир далил, шу ҳаракатим энг улуғ фазилат эмасми,- деб жавоб берди катта ўғли.

Отаси айтди:

— Жуда тўғри иш қилгансан, ўғлим, виждоний вазифангни адо этгансан. Лекин, у олмос сенинг хусусий мулкинг эмас-ку.

Кейин ўртанча ўғли сўзга киришди.

— Мен бир куни катта ариқ каноридан кетиб борардим. Шу чокда бир ёш бола сувга тушиб

кетиб, ҳалок бўлиш хавфи остида эканини кўриб қолдим. Дарҳол ўзимни сувга ташладим, кўп машаққат чекиб болани сувдан олиб чиқдим. Шу билан уни ўлимдан қутқазиб, ота-онасига эсон-омон топширдим. Ота-онаси мендан кўп миннатдор бўлиб, ҳақимга дуойи хайр қилдилар. Ҳаётим кўрқинч остида қолса ҳам ёш болани ўлимдан қутқазиб учун қилган шу ҳаракатим билан мукофотингизга лойиқ бўлсам керак, деб ўйлайман.

Отаси ўртанча ўғлининг кўлини ушлаб:

— Офарин, ўғлим. Сени табрик қиламан, фақат шу гўзал ишинг туфайли қалбинг завқ-шавқ билан тўлганини ҳис этгансан, шунинг ўзи мукофот эмасми?— деди.

Кейин кичик ўғли отасига таъзим қилиб айтди:

— Отажон, менга доимо душманлик назари билан боқиб, зарар етказиб юрган бир одам бор. Мен унга ҳеч бир ёмонлик қилмаган бўлсам ҳам, у пайимда юради, ҳатто мени ўлдириш учун фурсат кутади. Кеча у душманимнинг жуда паст бир жар ёқасида ухлаб ётганини кўрдим. Агар уйқусираб бир ёндан иккинчи ёнга ағдарилса ёки қаттиқроқ товуш чиқариб уйғотилса, туришга ҳаракат қилиб жарга қулаб тушиши мумкин эди. Мен товуш чиқармасдан, секингина юриб унинг ёнига бордим. Жуда эҳтиётлик билан уни ушлаб, аста-секин ўз томонимга торта бошладим. Анча берига келиб хавф-хатардан қутулгандан кейин руҳим кўтарилди, шодланиб йўлимда давом этдим.

Отаси ўғлининг бу гўзал ишидан, олижаноблигидан шодланиб кўзига ёш олди, уни кучоқлаб, юз-кўзидан ўпиб:

— Бор бўл, ўғлим, яша, умринг узок бўлсин! Мукофотимни олишга сен ҳақлисан, чунки дунёда энг улуғ фазилат ёмонликка яхшилик қилишдир,— деб қимматли узугини ўғлининг бармоғига кийгизди, унинг ҳақиға дуо қилди.

Байт:

Отанг эрдир, сен ҳам эрдек қилиқ қил,

Ёмонлик айлаганга яхшилик қил.

ЙЎЛЧИ ВА ОТ

Бир отни ўтлоқ ерга қўйиб юборган эдилар. От у ўтлоқдан ўтлаб, истаган ерига чопиб, сакраб ўйнаб юрарди. Ўтлоқнинг охиридаги чуқурроқ бир йўлдан ўтиб кетаётган йўлчиларни от ора-сира томоша қиларди.

Бола-чақаларига озиқ-овқат олиб кетиш учун қишлоқдан шаҳар бозорига бораётган яхши қалбли бир одам ўша чуқурлик йўлдан ўтаётганда, от гўё салом берган каби унинг ёнига «ҳи-ҳи» лаб келди. У одам ҳам тўхтаб отнинг юз-кўзидан сийпаб, эркалаб, яна йўлида давом этди.

Бир оздан кейин қаттиқ кўнгилли, кўпол табиатли бир одам ҳам ўша йўлдан ўтаётган эди, от «ҳи-ҳи» лаб кишнаб унинг ёнига кела бошлади. Бу киши бир тош олиб отга отди, тош отнинг бошига тегиб яраланди. Бечора от яраланган бошини қуйи солиб қочиб кетди.

Бу икки одам шаҳар бозорига етган вақтларида сел қуйиб, чуқур йўл сув билан тўлди. Яхши қалбли одам шаҳардан юмушини битириб қишлоғига қайтаркан, ўша чуқурлик ёнига келди, фақат қандай ўтиш керак? Сув тиззагача чиққанди, ё сувга тушиб ҳамма либосини шалаббо қилиб ўтиш ёки сувнинг силжиб оқиб тамом бўлишини кутиш керак эди. Сув ичига тушиб ўтса, тумов бўлиб қолиши ҳам мумкин эди. Яхши қалбли киши нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турганди, шу пайт отнинг «ҳи-ҳи»лаган товушини эшитиб дарҳол уни ёрдамга чақирди. От ҳам ўзига яхши муомала қилган бу одамнинг овозини эшитиб дарҳол ёнига келди, уни устига миндириб сувдан ўтказиб қўйди. Яхши қалбли одам ҳеч бир ери ҳўл бўлмасдан сувдан ўтиб кетди.

Шу вақт отни тош билан урган кўпол табиатли одам ҳам келиб қолди. От яхши қалбли одамни сувдан ўтказиб қўйганини кўриб, бу ҳам уни ёрдамга чақирди. От бу одамни ҳам таниб ёрдам беришни истамади. «Ҳи-ҳи»лаб кишнаб ўтлоқнинг бир томонига қочиб кетди. Кўпол табиатли одам сувнинг оқиб тамом бўлишини кутиб у ерда қолиб кетди.

ЖАСУР ЙИГИТ

Илк баҳор. Тоғлардан эриган қор сувлари пастга шиддат билан оқиб тушарди. Наҳр кўпригининг ўртасида бўлган кичкина бир уй ичида кўприк қоровули ва унинг шаҳардан кўргани келган хотини, иккита боласи суҳбатлашиб ўтиришарди.

Шу пайт ҳар томондан:

— Қоровул, тезроқ бўл, ўзингни ва оилангни ҳалокатдан қутқаз!—деган товушлар эшитилди. Сел ва тўлқинлар кўприкдан ошиб, қоровул уйи ва атрофини емира бошлади, кўприк силкинарди. Қоровул дарров уйчасининг томига чиқиб олиб:

— Бизга ёрдам қилинг, ёрдам!—деб қичқирди. Бир қари чол:

— Уларнинг ҳалок бўлишларига озгина вақт қолди. Уйча ағанай деб турибди, нега қараб турибмиз? Бир жасур йигит борми ахир?—деб фарёд қилди. Бошқа қишлоқдан келган бир йигит қари чолнинг сўзларини эшитгач, отилиб ўртага чиқди.

Жасур йигит наҳр қирғоғидаги кичкина бир қайиқчага ўтириб, шиддат билан оқиб турган сувда кўп машаққатлар чекиб уйчанинг ёнига етиб келди. Аввал қоровулнинг икки боласини қайиқчага ўтқизиб машаққатлар билан уларни соҳилга соғ-саломат еткизди. Сўнгра яна кўп машаққат тортиб, бориб қоровул ва унинг хотинини олиб келди.

Ҳамма ҳаддан зиёд шодланиб, олижаноб, жасур йигитни олқишлаб миннатдорчилик изҳор қилдилар. Қари чол ва кампирлар кўзларидан шодлик ёшларини тўкдилар, жасур йигитга таҳсинлар ўқидилар.

Ўша ердаги мўътабар бир одам жасур йигитни мукофотламоқчи бўлиб:

— Раҳмат, олижаноб йигит, қилган одамгарчилигинг, яхши хизматинг учун, мана бу мукофотимни қабул қил,—деб унинг қўлига пул узатди.

Жасур йигит мукофотни қабул қилмай:

— Илтифотингизга раҳмат, мен мукофот олиш учун эмас, виждон амри билан, инсоний вазифамни адо этдим, буни пулга сотмайман. Менга берадиган шу пулларингизни қоровулга берсангиз, мен жуда ҳам хурсанд бўламан, чунки у рўзғордаги ҳамма нарсаларини бой берди, ёрдамга муҳтождир,—деб ҳамма билан хайрлашиб, ўз қишлоғига жўнади. Ҳамма у йигитга қойил қолди.

ДЎСТЛИК

Бир киши бир оз пулга муҳтож бўлиб қолди, дўстидан ёрдам олиш мақсадида унинг уйига келиб эшикни тақиллатди. Дўсти чиқиб, у билан кўришди, уйга таклиф қилса ҳам у киши қабул қилмай:

— Дўстим, мени кечир, уйга қилган таклифингни ҳозирча қабул эта олмайман, вақтим зик. Бир кишидан юз сўм қарздор эдим, бугун келиб пулини қистади. Қўлимда пул йўқ эди. Шунинг учун сенинг ҳузурингга келдим, ёрдам этарсан деб умид қиламан,—деди.

Уй эгаси дарҳол ичкаридан юз сўм олиб чиқиб, дўстининг қўлига берди.

— Дўстим, бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, мендан яширма, қўлимдан келганча ёрдам беришга тайёрман,—деб дўстининг кўнглини кўтарди. Дўсти хурсанд бўлиб, у билан

хайрлашиб уйига қайтди.

Уй эгаси дўсти қайтиб кетгандан кейин йиғлаб уйига кирди. Хотини: «Эрим кўп пул бериб юборганига пушаймон қилиб йиғлаётган бўлса керак»,— деб эрига:

— Бирор нарсани баҳона қилиб пул бермасдан қайтариб юборсангиз бўлмасмиди? Энди пушаймон қилиб йиғлайсиз,— деган эди, эри шундай жавоб берди:

— Йўқ, сен ўйлаганча эмас, дўстим пулга муҳтож бўлиб қолганини билмаганман. У келиб сўрамасдан олдин ўзим бориб:

— Дўстим, бирор нарсага муҳтожмисан, тортинма, айт,— деб сўрашим керак эди,— ғафлатда қолганимга ачиниб йиғлайман.

Байт:

Тут ул дўстингни сут устида қаймоқ,

Азиз жонингча кўргил, балки беҳроқ.

ҲАСАД

Айтишларича, Искандар Румий замонида бир жонивор пайдо бўлди, унга ким рўпара келса дарҳол ҳалок бўларди. Искандар донишмандлари бу балони даф қилиш учун ҳар қанча уринсалар ҳам, ҳеч нарса қила олмадилар.

Нихоят, бу балони даф қилиш чорасини Арасту ҳаким топди. Унинг буйруғи билан жуда ҳам катта ойна тайёрладилар, у ойна орқасида бир-икки кишининг бекиниб ўтириши мумкин эди. Ўша ойна сиғарлик жуда катта арава тайёрлаб, уни аравага кўтариб қўйдилар. Арасту ойна орқасида бекиниб ўтирди. Аравани у жонивор турадиган жойга яқинроқ ерга келтириб қўйдилар.

Жонивор одам исини олиб, арава томонига қараб кела бошлади. Аравага яқин келган эди, кўзи ойнага тушди, ойнада ўз суратини кўриб, дарров йиқилиб ўлди. Искандар бу ишдан жуда таажжубланиб Арастудан бунинг ҳикматини сўради. Арасту шундай баён қилди:

— Эй Искандар, бу жонивор ер остида неча йил ётган бадбўй буғлардан вужудга келганди, унинг кўзида заҳари қотил бор эди, кимга кўзи тушса, у киши дарров ўларди. Мен олдига ойна олиб бордим, унинг акси ойнада пайдо бўлди, назари унга тушди. У назар бу акс воситаси билан ўзига қайтди ва ўз назарининг асари ўзига уриб ҳалок бўлди,

Искандар Арастуга таҳсин ўқиди. Ҳасадининг ёмонлиги ўзига қайтади. Ўт куйдириш учун бирор нарса топмаса, ўзини ўзи куйдиради.

БОҚИЙ УМР

Айтишларича, мўътабар бир одамнинг мажлисида бир олим, фозил кишини кўп таъриф ва тавсиф қилдилар, Мўътабар одам у олимни кўриб суҳбатидан фойдаланишни орзу қилиб, уни шу мажлисга даъват қилиш учун ўз қариндошини юборди. Олим мажлисга келгач, салом бериб ҳамма билан кўришди. Кейин мўътабар одамга таъзим қилиб:

— Мажлисингизга даъват қилганингиз учун ташаккур этаман, минг йил роҳат ва фароғатда умр кечиринг,— деди.

Мўътабар одам олимнинг сўзига таажжуб қилиб айтди:

— Мажлисимизда ҳали ўтирмай туриб, мумкин бўлмаган сўзни оғзингиздан чиқардингиз, бир одамнинг минг йил умр кўришига ақл бовар қиладими?! Бундай сўзни айтиш сиздек олим ва фозил кишига муносибмикан?

— Инсоннинг тириклиги фақат жисмнинг боқийлиги билангина эмас. Одам минг йил умр кўрмаслигини ҳамма билади. Лекин ўлгандан кейин қолган яхши ном яна бўлак умрдир. Сизнинг олижаноб, марҳаматли, шафқатли одам эканлигингизни халқ унутмай, номингизни доимо ҳурмат билан ёд этиб туради. Вафотингиздан кейин ҳам қилган яхшилигингизни халқ унутмайди, номингизни кўнглида абадий сақлайди, деган маънода «минг йил умр кўринг»,— дедим,— деб жавоб берди олим.

ОШНОЛИК ҲАҚИ

Бир киши бировнинг уйини ижарага олиб, бир неча вақт ўша ерда яшади. Кунлардан бир кун у киши ўзи яшаган шаҳардан чиқиб бошқа бир вилоятга борди. У вилоят ҳукмдорига манзур бўлиб вазирлик мансабига эга бўлди.

Уй эгаси уйда ижарага ўтирган кишининг вазир бўлганини билиб, ёрдам олиш умиди билан вазир турган вилоятга кетди. Вазирнинг маҳкамасига келиб, ичкари киришни истаган эди, эшик ёнида турган хизматчи қоровул кўрслик қилиб ундан:

— Сен қандай кишисан? Ҳеч кимга илтифот қилмай вазир ҳузурига киришни истайсан?— деб қойиди. Уй эгаси айтди:

— Мен вазирнинг ошнасидирман, шунинг учун шундай сурбетликка қадам қўйдим.

— Вазир билан қандай ошнолигинг бор?—деб сўради қоровул.

Уй эгаси:

— Вазир бир вақт менинг уйимда ижарага ўтирган эди, энди ундан ёрдам сўраб келдим. Шояд у мени муҳтожлик тубанлигидан иззат ва ҳурмат баландлигига кўтарса,— деди.

Қоровул уй эгасининг сўзларини эшитгач, хоҳлаб кулиб айтди:

— Эй бечора одам, нодон киши экансан, уйимда ижарага ўтиргани учун вазирда ҳақим бор, деб бўлмағур нарсани баҳона қилибсан, бор уйингга қайт, таъмагир бўлиб юрма.

Вазир ўз идорасида буларнинг сўзларини эшитиб турган эди. Дарҳол қоровулни чақириб воқеани сўради. Қоровул табассум қилиб:

— Бир киши келиб: «Мен вазирнинг ошнасиман, у бир неча вақт уйимда ижара ўтирганди. Энди ошнолик ҳақини талаб қилиб ёрдам олиш учун келдим», деди. Мен уни ҳузурингизга киргизмай маломат қилиб жўнатиб юбордим,— деди. Вазир қоровулнинг уй эгасига қилган муомаласидан қайғуриб унга:

— Ёмон муомала қилиб у бечоранинг кўнглини бузгансан, дарҳол уни қидириб, топиб келтир!— деб буюрди.

Қоровул уй эгасини қидириб топиб, вазир ҳузурига келтирди. Вазир уй эгасига кўп меҳрибонлик кўрсатди. Ҳол-аҳволини сўради. Бир неча кун ёнида олиб қолиб иззат-ҳурматини бажо келтирди, уни молу дунёдан сарбаланд қилди, хотин, бола-чақалари учун ҳам тухфалар берди, келиб туришини ўтиниб, иззат-икром билан уни ўз ватанига жўнатди. Шундай қилиб, уй эгаси севина-севина уйига қайтиб келди. Ошнолик ҳақини риоя қилиш мана шундай бўлади.

Байт:

Кўнгилни равшан эт меҳру вафодан,

Ўгирма юз бурунги ошнодан,

Агар ошнанг фақир бўлса, унутма,

Унга ёрдам этишдан қўлни тортма.

ШАФҚАТ

Тарихда золимлиги билан ном чиқарган Ҳажжож кўлига асир бўлиб тушган бир қанча кишига қаттиқ жазо беришга буюрди. Асирлар орасидан бир киши Ҳажжожга:

— Эй амир, менга қаттиқ жазо берманг, сизга жуда яхши хизмат қилганман,— деди. Ҳажжож ундан қандай хизмат қилганини сўради. У киши:

— Бир душманингиз сизни ғийбат қилиб, золим деб таъриф-тавсиф қиларди, мен уни ман қилдим,— деди. Ҳажжож ундан: «Гувоҳинг борми?»— деб сўраган эди, у киши асирлар орасидан бир кишини гувоҳ этиб кўрсатди. Асир бу ишдан беҳабар бўлса ҳам, у кишининг қутулишини кўзлаб:

— Тўғри айтади, мен у ерда ҳозир эдим, сизни ёмонлаб сўзлашдан уни манъ қилди,—деб ёлғондан гувоҳлик берди. Ҳажжож аччиғланиб унга айтди:

— У ерда сен ҳам бор экансан, душманимни ғийбат қилишдан манъ қилган мана шу кишининг сўзларига нима учун қўл ковуштириб жим ўтирдинг?

— Мен сизни энг ашаддий душманим деб биламан, шунинг учун манъ қилишни истамадим,— деб жавоб берди асир.

Иккинчи асир тўғри сўзлагани учун Ҳажжож ҳар икки тутқунни озод қилди.

Байт:

Қолмагай тўғрилар иши пинҳон,
Қилмагай тўғри сўз кишига зиён.

Олижаноб одамлар ёлғиз ўз жинсларигагина эмас, ҳатто ҳайвонларга ҳам шафқат ва марҳамат назари билан қарайдилар, уларга озор етказмайдилар.

ХУЛҚИ ХУШ

Абу Саид исмли бир мўътабар одам кунлардан бир кун ёру дўстлари учун зиефат берди. Ошпазани чақириб:

— Мен яхши кўрганим фалон хил таомни пишириб олиб кел,— деб буюрди. Ошпаз у буюрган таомни тайёрлаб, бошқа таомлар билан бирга олиб келди. Абусаид ўзи буюрган таомдан бир луқма олганди, унда бир қилни кўриб олиб ташлади, иккинчи-учинчи марта олган луқмаларида ҳам қил учратди. Ниҳоят у таомдан қўл тортиб, бошқа таомлардан ейишга мажбур бўлди.

Овқатдан кейин ошпазани чақириб:

— Мен буюрган таомни жуда ҳам лаззатли қилиб тайёрлагансан, эртага яна ўша таомдан ичида қил бўлмаслик шарти билан пишириб келтир,— деб буюрди. Зиёфатда ҳозир бўлганлар Абусаиднинг латофатли сўзига қулишдилар ва таажжубланиб:

— Абусаид дўстимиз ўз ошпазани шундай силлиқ ва мулойим сўзлар сўзлаб уялтирдиларки, унга қаттиқроқ танбеҳ беришга ҳожат қолмади,— деб таҳсин, офарин қилдилар.

Байт:

Кўрмадик сайр айлабон офокни
Хулқи хушдан ўзга яхшироқни.

ЧИН ЙИГИТЛИК НИМАДА?

Қадим замонда Мўсул шахрида Муҳаммад Али исмли гўзал, тарбияли, ахлоқли бир киши яшарди. Қўлидан келганча ҳаммага ёрдамини аямагани, шафқатли, марҳаматли одам бўлгани учун халқ уни иззат ва ҳурмат қиларди. Ораларида келишмовчилик, жанжал чиққан кишилар Муҳаммад Алининг ҳузурига келиб, унинг ҳукмига рози бўлардилар.

Муҳаммад Алининг хотини вафот топганига анчагина вақт ўтган эди, ўзининг ҳам соч-соқоли оқариб, қарилик даврига кира бошлаганди. Фақат унинг ягона тасаллигоҳи, умиди Жаъфар ва Нуриддин исмли ўғилларигина эди.

Катта ўғли Жаъфар олим табиатли, ғайратли, зўр куч ва қувватга эга бўлган бир йигит эди. Болалик чоғида ўқишда ҳам, ўйинда ҳам, сўзда ҳам ўртоқларидан юқори туришга тиришарди. Йигитлик даврида улуғ даража ва мансаб эгаси бўлишни ўй-лаб, шуни рўёбга чиқиши учун режа тузарди.

Укаси Нуриддин эса акасига тамом зид табиатли бўлиб мулойим, шафқатли, марҳаматли, саҳий, саботли бўлиши устига ғоятда яхши шоир ҳам эди. Жаъфар уруш асбобларини севса, кайф-сафо қилишни орзу қилса, Нуриддин юлдузлар билан нурланган кечалардан, ой зиёсида жилдираб оқиб турган сувлардан, тонготар пайтида боғчадаги қушларнинг ёкимли сайрашларидан ҳушланарди, ажойиб ва ғаройиб жозибакор назм ва шеърлар тарғиб этарди, бу йигит ўзининг гўзал хулқи билан машхур эди.

Муҳаммад Али ҳар иккала ўғлини баб-баравар севарди. Катта ўғли Жаъфар ҳар вақт отасига: «Мен юқори мансабни эгаллаб, номим оламга машхур бўлишини тилайман»,— деса, кичик ўғли Нуриддин: «Мен келгусида халқ манфаати йўлида хизмат қилувчи, шафқатли ва марҳаматли киши бўлишни истайман», дер эди. Бу икки ака-уканинг хулқ ва табиатлари бир-бирига тамоман зид бўлса ҳам, жуда то-тувлик билан яшаб ўсдилар.

Жаъфар йигирма ёшга киргач, ўзининг табиатига мувофиқ бирор ишга киришиб, шу восита билан тезроқ улуғ мансаб ва даража эгаси бўлишини ўйлай бошлади. Воқеан, у ҳар нарса ҳақида маълумотли, ҳар ишга кўрқмасдан киришувчи ботир юракли йигит бўлиб етишган эди. Бунинг устига зўр куч-қувватга эга, от чоптиришда биринчи даражадаги уста, ўқ-ёй ишлатишда бутун Мўсул халқи орасида машхур бўлгани учун:

— Менга зўр даража ва мансабни фақат уруш бера олади,—деб ўз-ўзича сўзларди.

Шу орада Мўсул халифаси билан кўшни ҳукумат орасида уруш бошланди. Жаъфар: «Мана энди шуҳрат қозонишимга вақт келди»,—деб севинди. Отаси ҳузурига келиб:

— Отажон, менга рухсат беринг, урушга қатнашаман. Тез кун ичида шуҳрат қозониб хизматингизга қайтиб келаман,— деди. Муҳаммад Али ҳеч нарса демасдан, совуққонлик билан рухсат берди. Жаъфар зўр ғайрат билан уришди, халифа уни ўзининг вазири ва аскар бошлиғи этиб тайин қилди. Уруш бир неча ой давом этди, ҳар икки томондан кўп киши нобуд бўлди, кўп жойлар вайрон этилди. Ниҳоят, кўшни мамлакат енгилди. Жаъфар занжирларга боғланган жуда кўп асирларни ҳайдаб тантана-ю дабдаба билан Мўсулга кириб келди. Шаҳар халқи то-моша қилгани кўчаларга чиқдилар. Фақат Муҳаммад Али ўғлининг истиқболига чиқмади.

Жаъфар асирларни керакли жойга топширишни ёрдамчисига буюриб, ўзи отасининг ҳузурига келди, салом бериб, кўришди. Лекин отаси ўғлини совуқ қарши олди. Жаъфар отасига:

— Мен ҳозир аскар бошлиғи ва подшонинг вазириман. Мени энди улуғ даража эгаллаганимни, чин йигит, ўғлингиз эканлигимни тан оласизми?— деган эди, отаси секин ва маъюслик билан ўғлига шундай жавоб берди:

— Ўғлим, халифага хизмат этдинг, урушга киришдинг, шаҳар-қишлоқлар хароб бўлди. Халқ азоб-уқубат ўтида ёнди. Бунинг сабабчиларидан бири сен бўлдинг. Айт-чи, чин йигитлик шундай бўладими? Йўқ, сен чин йигит эмассан, бу улуғ номни олишга ҳали муваффақ бўлганинг йўқ.

Ота билан ўғилнинг нималар тўғрисида сўзлашганларини ўша ерда бўлган одамларнинг биттаси ҳам англамади. Жаъфар жуда ҳам кайғуланиб, кўзлари ёш билан тўлди. Кўчага чиқиб,

ҳеч кимга қарамай, бир тарафга қараб жўнади. Шундай қилиб, аскар бошлиғи ва халифанинг ишонган, севган вазири Жаъфар кўздан ғойиб бўлди. Унинг қаерга кетгани ҳеч кимга маълум бўлмади.

Бир неча йил ўтгандан кейин шарқ мамлакатларининг бирида бир ёш табиб ва донишманд пайдо бўлиб, тез вақт ичида табиблиги, донишмандлиги билан машҳур бўлди. Ўша мамлакатнинг подшоҳи оғир бир касалликка мубтало бўлган эди. Янги пайдо бўлган донишманд табиб уни даволаб дарддан халос этди. Подшоҳ жуда хурсанд бўлиб:

— Ҳеч бир табиб тузата олмаган дарддан мени қутқаздинг, шифо бахш этдинг, миннатдорман, мендан нимани истасанг шуни беришга ҳозирман, - деди.

Ёш табиб подшоҳдан ҳеч бир ўсимлик ўсмайдиган, сувсизликдан қакраб ётган ер беришни сўради, подшоҳ унинг тилагини қабул қилиб, шундай ер берди.

Ёш донишманд табиб ўша ерга ариқ қаздириб, сув келтирди. Ерни тарбиялаб, оз вақт ичида ўзининг идроки, зийраклиги соясида уни ўсимлик ва дарахтлар экиб ўстиришга яроқли ҳолга келтирди.

Ўша ердан фойдаланиш мумкин эканига кўзи етгандан кейин уни халқ ихтиёрига топширди. Халқ у ердан кўп фойда ҳосил этди. Одамлар бу ёш йигитни табиатнинг яширин сирларини биладиган ҳаким, донишманд йигит деб тушунсалар ҳам, унинг насл-насабини, кимлигини, қаерлик эканини билмасдилар, балки кўкдан тушган фаришта деб хаёл қилардилар.

Ёзнинг жуда иссиқ, ҳавоси дим бўлган кечаларидан бирида оддийгина кийинган бир ёш йигит Мўсул шаҳрига кириб, тўппа-тўғри Муҳаммад Алининг уйига келди, эшикни тақиллатди. Уй эгасининг хизматчиси эшикни очганди, келган ёш йигит:

— Ҳожангизда менинг бир оз ишим бор, унинг ёнига кириш мумкинми?—деб рухсат сўради. Хизматчи ҳозир хожанинг истироҳат вақти эканини айтди. Йигит кўп илтимос қилавергач, ночор бўлиб хожасининг ёнига олиб борди. Муҳаммад Али ёстиққа таяниб китоб ўқиб ўтирганди. Мусофир йигит Муҳаммад Али ёнига келиб таъзим ва эҳтиром билан унга салом берди. Муҳаммад Али мусофирнинг то-вушини эшитган замониёқ ўрнидан кўзғалиб:

— Жаъфар ўғлим, сенмисан?—деб сўради. Жаъфар отасига яна таъзим қилиб:

— Отажон, мен ўғлингиз Жаъфарман, яна хизматингизга келдим,— деган эди, отаси ўрнидан туриб ўтириб:

— Ўғлим, уйимиздан чиқиб кетганингга бир неча йил бўлди, шу вақтгача қаерларда юрдинг, нима ишлар билан машғул бўлдинг?—деб сўради. Жаъфар отасининг саволига шундай жавоб берди:

— Шу вақтгача мен ўзимга ҳақиқий улуғлик ва шуҳрат изладим, «чин йигит» номини олишга ғайрат қилдим, ниҳоят мақсадимга етдим: оғир касалликка дучор бўлган подшоҳни даволаб соғайтирган табибни, ҳеч бир ўсимлик кўкармайдиган сувсиз саҳрони кўкаламзор ҳолига келтирган ва ҳамма одамлар мактаб сўзлайдиган донишмандни эшитгандирсиз. Мана шу ишларни вужудга келтирган одам — мен эдим. Бу дафъа мен аввалгидек урушиб шаҳар ва қишлоқларни хароб этишни эмас, балки бутун мамлакатга роҳат ва тинчлик уруғини сепгувчи бўлган ҳолда ҳузурингизга келдим. Сиз энди менинг улуғ одам, чин йигит эканимни тасдиқ этасизми?—деди.

Муҳаммад Али ўғлига маъюслана қараб, секин, лекин қаттиқ товуш билан айтди:

— Йўқ, тасдиқ этмайман. Сен ҳали шуҳрат ва улуғлик орқасидан юрасан, «чин йигит» деган номни ҳали ола билмадинг.

Жаъфар отасининг сўзларини эшитиб ўрнидан турди. Отасига бош эгиб таъзим қилди, у билан хайрлашиб, Мўсул шаҳридан чиқиб кетди. Қаерга кетганини ҳеч ким билмади.

Яна бир йил ўтди. Шарқнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларидаги одамлар янги пайдо бўлган шоирнинг шеърларини жуда ҳам севиб ўқий бошладилар. Унинг шеърлари нафис ва жозибадорлиги билан ўзидан аввал ўтган шоирларнинг шеърларини йўлда қолдириб кетарди.

Бу шоирнинг исми Жаъфар экани ҳаммага маълум бўлиб, шуҳрати унинг ватани бўлган Мўсул шахрига ҳам бориб етди. Мўсул шахрининг халифаси ўз саройида сақлаш, иршод этган шеърларини ўз ҳузурида ўқитиш учун Жаъфарни излаб топиб келтиришга буюрди, лекин Жаъфарнинг исми халқ орасида жуда тарқалган бўлса ҳам, унинг турадиган жойи ҳеч кимга маълум эмасди.

Кунлардан бир кун узоқ масофани босиб жуда чарчаган, уст-боши чанг-тўзонга ботган, қўлига ҳасса ушлаган бир киши Муҳаммад Али чолнинг уйига келди. Чолнинг хизматкорлари бу дарвешнинг кийими эски-туски бўлишига қарамасдан, ҳожаларининг ўғли Жаъфар эканини билдилар. Отаси ҳам ўғлини танишида камчилик кўрсатмади. У ўғлини қучоқламоқчи бўлди. Жаъфар отасининг оёғига йиқилиб, қалтираган товуш билан:

— Отажон, мана мен сизнинг ҳукмингизни эшитиш учун яна ҳузурингизга қайтдим. Менинг иршод қилган шеърларимни ҳамма севиб-севиб ўқийди. Ўл-ганимдан кейин ҳам номимни халқ асрлар бўйи ёд этади. Энди сиз менинг улуғлигимни, шуҳратимни, чин йигит ишини қилганимни тасдиқ этасизми?— деб сўради.

Муҳаммад Али ўғлини қучоқлаб, секингина ушбу сўзларни айтди:

— Эй севикли ўғлим, мен сенга ачинаман, чин мард йигитликни топа олганинг йўқ.

Жаъфар асабийлашиб:

— Мен ҳақиқий улуғликни, чин йигитликни топмасдан қўймайман, топишга ҳаракат қиламан,— деди ва отасига маъюсона бош эгди, у билан хайрлашиб, ватани Мўсул шахридан чиқиб кетди. Қаерга кетгани ҳеч кимга маълум бўлмади.

Муҳаммад Али чол кунлардан бир кун ойдин кечада ҳовлиси ёнидаги тепаликка чиқиб, нималарнидир ўйлаб айланиб юрганди. Бирдан ҳовли эшигини тақиллатишга кўрқиб тургандек туюлган бир нарсанинг шарпаси кўринди, бу Муҳаммад Алининг ўғли Жаъфар эди, у ойдинда отасининг юзини кўрди, унга қараб таъзим қилди.

— Ўғлим Жаъфар, сенмисан, қаерларга кетиб қолдинг?— деб чол югуриб келиб, ўғли билан кўришди. Жаъфар отасига бош эгиб салом берди, сўнгра отасига ўз ҳолини бирма-бир баён қилиб айтди:

— Отажон, мен ҳозир тамом бошқа йўлни ихтиёр қилдим, дунёда бўлган ҳамма нарсадан фойдаланиш орзусини ташладим, дарвешликни ихтиёр қилдим. Мен ҳозир саҳрода тураман, у ерда зоҳид обидлар йўлини тутиб, тоат ва ибодат билан машғулман. Отажон, айтинг, энди ҳақиқий улуғликка, чин йигитликка эришдимми?

Жаъфар бу сўзларни айтиб, отасининг жавобини сабрсизлик билан кутар экан, Муҳаммад Али чол ўғлига қайғули юз билан қараб, охирида шу сўзларни айтди.

— Севикли ўғлим, сен гўё авлиё бўлгансан. Сенинг виждонинг ҳақиқий улуғликка етказадиган йўлни топа олмаганини сенда бўлган шахсият, мағрурлик, такаббурлик, шуҳратпарастлик яққол кўрсатиб туради.

Жаъфар отасининг ҳукмини эшитгач, маъюсгина бош эгди, хайрлашиб, ватани Мўсулдан яна чиқиб кетди.

Кўп вақт ўтмасдан Мўсул халифаси билан қўшни ҳукумат халифаси орасида яна қаттиқ уруш бошланди. Қўшни ҳукумат халифаси билан бўлган биринчи урушда Мўсул халифаси Жаъфарнинг қаҳрамонларча уруши соясида қўшни ҳукумат халифасини енгган эди. Жаъфарнинг йўқлигини билган иккинчи халифа яхшигина тайёрланиб, яна Мўсулга ҳужум этди. Биринчи халифа, яъни Мўсул халифаси мағлуб бўлди, шаҳар бутунлай душман қўлига кирди, талон-торож этилди, уйлар ёндирилди, халқ азоб-уқубат ичида қолди.

Урушнинг энг оғирлиги Муҳаммад Али чолга келиб тушди. Душман аскарлари унинг ҳовли-жойларини ёндирдилар, молу дунёсини талон-торож этдилар. «Ўғлинг Жаъфарни топиб бер»,— деб Муҳаммад Алига кўп азоб бердилар, унинг кичик ўғли Нуриддинни Жаъфар ўрнига гаров тариқасида қўлга олдилар. Жаъфарни топиб беришларини талаб қилиб, шаҳар халқини қийнов-

қистов остига олдилар.

Муҳаммад Алининг қайғу-алами ҳамманикидан кўпроқ эди. Кўп вақт: «Болаларим, болаларим, қаердасизлар!» деб йиғлаб юргани чет кишиларга би-линмасди.

Бечора чолнинг сўзларини ўзини билдирмай бекиниб турган бир кишигина тингламоқда эди. Бу киши — саҳродан қайтган Жаъфар эди. У кўп вақтлар улуғ даража ва мансаб эгаси бўлишни ва шуҳрат қозониш йўлини ўйлай бериб, ўзининг ақли ва закилик қувватининг бироз кучсизланганини сизди. Буюк ишларни вужудга келтиришга кучи етмаслигини билиб, ниҳоят ўз-ўзини ўлдиришни ҳам ўйлайди. Шу фикрини амалга оширишдан аввал отаси Муҳаммад Али ва укаси Нуриддин билан кўришиб, улардан афв сўраш учун Мўсулга қайтиб келди. Отасининг ҳовли-жойлари қуйиб кетганини кўриб таажжубланди, қайғурди, чунки бу урушдан келган ҳамма фалокатларга қўшни ҳукумат халифасининг Жаъфарга бўлган аччиғи сабаб бўлган эди. Бу хунук манзара қаршисида Жаъфар ўзини йўқотиб қўйди.

Шу пайт Нуриддиннинг хотини Мастура қайин отаси Муҳаммад Алининг ёнига келиб, унинг елкасига бошини қўйиб йиғлади. Муҳаммад Али Мастуранинг бошини силаб, тасалли бериб секингина сўзларди. Жаъфар уларнинг тубандаги сўзларинигина эшита олди:

Муҳаммад Али:

— Якин орада Жаъфар келиб қолар деб умид қиламан, агар у келиб қолса, биз бу ҳолда бўлмаймиз,— деган эди. Мастура умидсизланиб, бош силкиб:

— Жаъфар укаси Нуриддиннинг ўрнини боса олмайди, у менга бутунлай ёт-бегона одам, у халқ манфаати ва ўз оиласининг бахт-саодати учун эмас, балки ўзинигина севиб, мартаба ва шуҳрат қозониш учунгина дунёга келган,—деб эътироз этди. Яна Муҳаммад Али:

— Бу сўзларингнинг ҳаммаси ҳақиқат бўлса ҳам, сен унинг мулойим табиатини билмайсан, агар у ҳозир бизнинг ҳолимиздан хабардор бўлса, албатта халққа ҳам, бизга ҳам ёрдам беришга ҳаракат қиларди!—деди.

Бу сўзларни эшитиб, Жаъфарнинг қайғуси юрагига сиғмади, дарров Мўсул шаҳридан чиқиб кетди. Эртаси кун эрталаб қўшни ҳукумат халифасининг пойтахтига қараб йўл олди. Пойтахтга етиб келгандан кейин халифанинг вазирига учраб, унга ўзининг Жаъфар эканини билдирди, халифа уни ҳузурига қабул этишини ўтинди. Вазир халифага хабар берганди, халифа шодланиб, Жаъфарни ўз ҳузурига қабул этди, Жаъфар халифага:

— Менинг йўқлигимдан фойдаланиб, ватаним Мўсулга ҳужум қилгансиз, аскарларингиз шаҳарни ёндирган, вайрон этган. «Жаъфарни топиб беринг»,— деб халқни қийнов-қистовга олгансиз. Уйимизни куйдиргансиз, хароб этгансиз, менинг ўрнимга гаров сифатида укам Нуриддинни асир қилиб олгансиз. Демак, бу зулм-жафоларнинг ҳаммаси фақат мени қўлга олиш учун бўлган. Мана, мен, ўз ихтиёрим билан келдим, бегуноҳ укам Нуриддинни озод этинг, халқ устидан азоб-укубатни кўтаринг, мени нима қилсангиз, ўзингиз биласиз,— деди.

Халифа кўп вақтдан бери кутган душмани Жаъфарнинг қўлга тушганига шодланиб, дарҳол Нуриддинни озод этди. Жаъфарнинг қўлини занжир билан боғлаб, уни зиндонга ташлади. Мўсул халқига жабр-жафо қилишдан қўл тортди. Нуриддин бу ишни акаси Жаъфар қилганини билиб жуда ҳам қайғуланди, акасини чиқариб ўзини зиндонга ташлашларини сўраса ҳам, қабул этмадилар, фақат акаси Жаъфар билан кўришишга рухсат бердилар.

Нуриддин йўлда кўп заҳмат ва машаққатлар чекиб, ниҳоят отаси ва хотини ёнига қайтиб келиб воқеани баён қилди. Улар Нуриддиннинг саломат қайтиб келганига шодлансалар ҳам, Жаъфар учун жуда қайғурдилар. Муҳаммад Али чол қўлини осмонга кўтариб:

— Ўғлим Жаъфар, агар сен ҳозир ёнимда бўлсанг кучоғимга олиб севар эдим, чунки сен ҳақиқий улуғликка, мартабага энди эришдинг, чин мард йигит ишини қилдинг, чунки сен халқ учун ва оиланг учун ўзингни фидо қилдинг!—деб баланд овоз билан дуои нидо қилди.

Жаъфарнинг душмани халифа уни кейин озод этдими, ёки ўлдирдими, униси маълум эмас, лекин унинг улуғ иши халқ орасида дoston бўлиб, номи доимо ҳурмат билан ёд этилади.

МАТОНАТ ЭГАСИ — ЗАНЖИ

Таълим-тарбия олимларидан Ҳофиз Умар Сомий айтади:

— Ўн саккизинчи асрда Африкадан Европага қайтган бир олим ўз кўзи билан кўрган аянчли бир воқеани шундай ҳикоя қилади:

— Бир золим мустамлакачининг қўл остида бўлган занжилардан бир қанчаси жабр-зулмга тоқат қила олмай, қочиб кетишга мажбур бўлгандилар, лекин бу бечораларни тутиб олиб ваҳший мустамлакачининг ҳузурига келтирдилар. Бундай қочоқларнинг жазоси дор ёғочи эди. Шунинг учун бу бечоралар ҳам осиб ўлдиришга ҳукм этилдилар. Жаллодлик вазифасини бажарувчи одам узоқ бир ерга кетгани сабабли жон олишга харис бўлган бу оқ танли мустамлакачи қўлга тушган қочоқ занжиларга шундай таклиф қилди:

— Ичингиздан қайси бирингиз бошқа шерикларини осигга рози бўлса, мен уни ўлимдан қутқазаман.

Демакки, ичларидан фақат орқадошларини осигга рози бўлганга, яъни энг разил, мурдорларига ҳаёт каби қимматли неъмат ваъда этганди. Фақат бу ваъдага илтифот қилган занжи топилдими? Ҳечда, терилари қора, фақат диллари соф ва пок бўлган инсонларнинг ҳаммаси бу нафратли, жирканч таклифни рад қилдилар, биттаси ҳам манфур таклифни қабул қилишга рози бўлмади.

У вақт малъун мустамлакачи жуда ҳам ғазабланиб, содиқ, итоатгўй занжи хизматчисини қақириб:

— Дарров дор ипини ҳозирла, буларнинг ҳаммасини ос, рад қилсанг, сени ҳам булар билан бирга остираман,— деди.

Бечора итоатгўй занжининг кўнглида олий бир фикр пайдо бўлди. Тошюракли ваҳший ҳожаси мустамлакачига:

— Ижозат беринг, дарров ҳозирланиб келиб, буларнинг ҳаммасини осаман,— деди.

Ҳожаси ижозат бергач, панароқ жойга чекилди. Бир оз вақтдан кейин ҳожаси ёнига келди, бир қўлининг бармоқлари кесилганди, шириллаб қон оқиб тушарди. Ҳалиги пана жойда у қўл бармоқларини болта билан кесиб туширган, марҳаматсизларга бир буюклик мисолини кўрсатишни истаганди. Бу фидокор занжи золим мустамлакачи ҳожасига қараб:

— Эй ҳожам, энди мен орқали бу гуноҳсиз орқадошларимни остириш қўлингдан кела оладими?— деди ва ерга йиқилиб ҳушидан кетди.

Байт:

Ҳар кўнгилким бўлса поку беғубор,

Ғайб нақши унда бўлғай ошкор.

МЕҲМОН

Бир киши улуғ мартабали бир одамдан анчагина пул қарз олган бўлса ҳам, қарзини ўз вақтида адо этмаган, ваъдасидан кўпгина вақт ўтказган эди. Ниҳоят, пул эгаси қарздордан пулини ундириб олишни ўзининг катта бир хизматчисига ҳавола қилди.

Хизматчи қарздорнинг уйига борди, унга қаттиқ-қаттиқ сўзлар айтиб, амалдордан олган пулни дарҳол чиқариб беришни сўради. Қарздор у хизматчига:

— Мени хожанг ёнига олиб бор, унга айтадиган махсус сўзим бор,— деб қайта-қайта ўтинди. Унинг йиғламсираб, зорланиб ўтиниши бағритош хизматчининг ҳам кўнглига таъсир

қилиб, ҳожаси ҳузурига олиб келди.

Амалдор бир қанча кишилар билан ўтириб ош ейишда машғул эди. Хизматчи у қарздорни амалдорга кўрсатиб:

— Бу кишидан пулингизни дарҳол чиқариб беришини сўраб қаттиқ муомала қилган эдим, кўп тавба-тазарру қилиб, сизнинг ёнингизга олиб келишимни ўтинди, раҳмим келиб олиб келдим. Энди нима қилсангиз ўзингиз биласиз,— деди,

Амалдор хизматчини ҳам, қарздорни ҳам ошга таклиф қилди. Улар ҳам овқатланишга машғул бўлдилар. Овқатдан кейин амалдор ҳалиги хизматчига:

— Бу қарздор энди менинг меҳмоним бўлди. Азиз меҳмонимдан пулимни талаб қилишим мурувватдан эмас. Бу бечора одам муҳтожлик ичида қолгани учун пулимни келтириб беришга қодир бўла олмаган. Унинг шундай ҳолда эканини олдинроқ билган бўлсайдим, сени унинг ёнига юбормасдим. Энди мен у пулимдан воз кечдим, азиз меҳмонимнинг ўзига бағишладим. Бундан кейин бу меҳмонимнинг уйига бориб, унинг кўнглини оғритма,— деди. Қарздор меҳмоннинг кўнглини кўтариб, инъом-эҳсон қилиб, иззат-хурмати бажо келтириб, уйига қайтишига рухсат берди.

ТАЛҲА

Араб улуғларидан Талха номли бир бошлиқ муҳим бир ишни ҳал қилиш нияти билан Кайс қабиласига келиб, у қабила раиси Малиб ибн Авфнинг меҳмони бўлди. Малик меҳмоннинг кимлигини билмагани, уни танимагани учун мезбонликни кўнгилдагидек яхши бажармади.

Эртаси куни Талха ўз уйига қайтгандан кейингина, Малик меҳмоннинг кимлигини билиб, мезбонликни яхши бажармагани учун пушаймон қилди.

Дарҳол Талхага:

— Мен сизни танимаганим учун мартабангиз, обрўйингизга муносиб бўлган хизматни бажо келтирмадим, мезбонлик вазифасини яхши бажармадим, шунинг учун жуда ҳам хижолатдаман. Бу гуноҳимни кечирасиз деб умид қиламан. Узрхоҳлар узрини қабул қилиш қарамингиз шевасидир,— деган мазмунда хат ёзди.

Талха хатни олиб, унга шундай жавоб ёзди:

— Узрингни қабул қилдим, кўп ташвишланма, узрхоҳларнинг узрини қабул қилиш менинг энг севган ишимдир, қилган ишингдаи асло хижолат чекма, кўнгилсиз бўлма.

Байт:

Чун надомат машриқидин узр субҳи урса дам,

Тун қоронғуси каби барча гуноҳ бўлғай адам.

Аммо «мен сизни танимадим» деган сўзинг тўғри эмас, номаъқул ва қарам шевасидан узоқ бўлган сўздир, чунки меҳмоннавозликда эъзоз ва қарам ҳар кимга бирдекдир. Ҳамма ерга қуёш каби бир текисда нур сочиш, ҳамма жойга бир равишда ёғиш мезбонлик шартидир. Меҳмоннавозликда ҳаммага бир хил, бир текисда қараш лозим эканини мезбон унутмасин.

Талханинг жавоб хатидан Малик жуда таъсирланиб, унга яна узр сўраб хат ёзди.

САМИЙ ДЎСТЛИК

Бир куни халифа Хорун ар-Рашид шоир Абунувоснинг қилган бир ишидан жуда ҳам аччиғланди, ғазабига чидай олмай шоирни арслон, қоплон, бўри каби ваҳший ҳайвонлар

яшайдиган ертўла, чуқурликка ташлашга буюрди. Ўша вақтда Бағдод шахрининг бир чеккасида бўлган бу чуқурликка ўлим жазосига ҳукм этилган кишиларни ваҳший ҳайвонлар есин деб ташлар эдилар.

Гуноҳкорни чуқурликка ташлаш вазифасига тайин қилинган хизматчи халифанинг буйруғига биноан Абунувосни чуқурлик ёнига келтириб, ҳайвонларга ташламоқчи бўлди. Абунувос хизматчига илтимос қилиб айтди:

— Азиз биродарим, кўп вақтдан бери биз бир-биримизни яхши таниймиз. Шу муддат ичида мен сизга ҳеч бир ёмонлик қилмадим, сиз ҳам менга ёмонлик қилмадингиз, балки бир-биримизга яхшилик қилгандирмиз. Шу қадимий ошналигимиз ҳурмати учун сиздан бир нарсани ўтинаман, қабул этарсиз деб умид қиламан.

— Нимани илтимос қиласиз? Сизнинг ҳақингизда халифанинг буйруғини ижро қилишдан бошқа нимани орзу қилсангиз, уни ҳозир қилишга сўз бераман,— деди хизматчи.

— Хотиржам бўлинг, менинг илтимосим орқасида сиз жавобгарликка тортилмайсиз.

— Ундай бўлса айтинг-чи...

— Мен сизга етарли миқдорда пул бераман. Мени чуқурликка ташламасдан олдин бозорга бориб битта сўйилган кўй, бир кўза ичимлик, битта чирманда ва кўнғироқлар тақилган битта қулоҳ сотиб олиб келинг. Келгунингизча мен бир кишингиз билан чуқурлик ёнида тураман.

— Орзуингиз шу бўлса, буни ижро этиш жуда осон.

Абунувос хизматчидан миннатдор бўлиб, унинг кўлига керакли миқдорда пул берди. Хизматчи ярим соатдан кейин Абунувоснинг ҳамма айтганларини ҳозир қилди. Абунувос аввал кўйни бир арқонга боғлаб чуқурликка туширди. Бир оздан кейин қулоҳни бошига кийиб, чилдирмани кўлига олди, кўза билан бирга бир арқонга боғланиб чуқурликка тушди.

Чуқурлик ичида бўлган арслон, қоплон ва бўри туширилган кўйни еб қоринлари тўйган эди, шунинг учун Абунувосга дарҳол хужум этмадилар. Шоир дарҳол кўзани очиб, буларга ичкиликни ичирди. Ўзи уста мусиқачи ва хушовоз бўлгани учун чирмандани чалиб, сакраб-сакраб ўйнаб ашула айта бошлади. Ичкилик ичиб маст бўлган ваҳший ҳайвонлар Абунувосга қараб ҳайрон бўлиб турдилар. Кейин ўзлари ҳам завқланиб, Абунувос билан бирга сакраб-сакраб ўйинга туша бошладилар.

Абунувос мақсадининг ҳосил бўлганини кўриб, хотиржам бўлди, ўзи ўйнаб ва ҳайвонларни ўйнатиб кунни ўтказди. Кечқурун яна хизматчига илтимос, қилиб битта сўйилган кўй билан бир кўза ичкилик келтирди. Абунувос кўйни едирди, ичкиликни ичирди. Хизматчи Абунувосга махсус таом туширган эди, шоир ҳам овқатланиб олди. Ҳайвонлар кўйни еб, ичкиликни ичиб бўлганларидан кейин Абунувосга «қани, чирмандангни чалиб, ашула айт» дегандай ишора қилиб, ўзлари ўйинга тушдилар. Абунувос уларнинг илтимосини қабул қилиб чирманда чалди, ашула айтди. Ҳайвонлар ҳам ашулага жўр бўлдилар. Базм ярим кечагача давом этди. Сўнгра чарчаб шоирни ўрталарига олиб ётдилар. Абунувос ҳам уйкуга кетди.

Бу ҳол бир неча кун давом этди. Ҳайвонлар шоир билан жуда ҳам дўстлашдилар. Агар Абунувос жим ўтирган бўлса унинг атрофини ўраб олиб: «Кел, хафа бўлма, биз бор эканмиз, ҳеч ким сенга зарар еткиза олмайди, тур ўрнингдан, бир ўйнаб олайлик» дегандай шоирни ялаб-юлқиб ўйинга таклиф этардилар. Шоир ҳам уларнинг таклифини рад этмасди.

Бир куни Хорун ар-Рашид Абунувос ҳақида берган буйруғидан пушаймон қилиб:

— Афсуски, шундай яхши шоирни ваҳший ҳайвонларга едириб, юбордим,— деб жуда ачинди.

Абунувоснинг ҳолидан хабардор бўлган бир одам: — Қайғурманг, халифам, Абунувос тирик,— деган эди, Хорун ар-Рашид ғазабланиб:

— Ҳали менинг буйруғим ижро этилмадими?— деди. У одам:

— Буйруғингиз ижро этилди. Абунувос тадбиркор шоир эмасми? У бир ҳийла-тадбир ишлатиб ҳайвонларни ўзига ром қилиб олгани туфайли ўлмай тирик қолган,— деб воқеани

англатди.

Хорун ар-Рашид ҳайратда қолиб, дарҳол вазирлари билан бирга чуқурлик ёнига келди. Чуқурлик туйнугидан:

— Абунувос, шундамисан?—деб қичқирди. Халифа товуши эканини билган Абунувос:

— Халифам, мен шу ердан,—деб жавоб берди.

Халифа ҳайрат билан: «Ваҳший ҳайвонлар сени парчалаб ташламадиларми?»— деди.

— Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, агар парчалаб ташлаган бўлсалар сизга жавоб берармидим?

— Сенинг гуноҳингни кечирдим, қани, энди ташқарига чиқ.

— Йўқ, халифа, мен бу ерда қолишни истайман, бу ваҳший ҳайвон дўстларимни ташлаб кетишни тиламайман.

— Нима учун ҳайвонлар орасида қолишни истайсан?

— Чунки ваҳший ҳайвонлар билан яқинлашиш, дўстлашиш ёмон табиатли одамлар билан дўст бўлишдан кўра қулайроқдир.

Хорун ар-Рашид шоирнинг сўзидан ҳайратда қолиб:

— Сўзларингдан мақсадинг нима эканини англамадим, тушунтириброқ айт, нимани истайсан,— деди.

Абунувос халифа Хорун ар-Рашидга шундай жавоб берди:

— Халифам, кўп йиллардан бери сизнинг хизматингизда бўлим. Арзимаган кичкина бир гуноҳим учун менга қаҳр-ғазаб қилиб қатл этишга қарор бердингиз. Шунча қилган самимий хизматимнинг мукофоти шу бўлди. Бу ертўладаги ҳайвонларнинг табиатлари қўлларига тушган ўлжани парчалаб ейиш бўлса ҳам, бир неча кун ичида мени севдилар, менга ўрганиб самимий дўст бўлдилар. Шунинг учун бу ердан чиқиб яна сизнинг хизматингизда бўлишни истамайман. Мана, мен шуни демоқчиман.

Хорун ар-Рашидга Абунувоснинг сўзлари жуда таъсир қилди. Қўярда-қўймай шоирни чуқурликдан чиқариб, яна ўз ёнига олди, самимий дўстликлари давом этди.

ИМТИҲОН

Ҳиёнат, ўғрилиқ кўчасидан ўтмаган, пок, соф қалбли одам халқнинг ишончини қозонади, иззат-хурматга сазовор бўлади.

Қадим замонда Сарондип оролида ўзининг мулойимлиги билан машҳур бўлган бир подшоҳ ҳукм суларди. Баъзан нобакор кишилар унинг мулойимлиги, лутфкорлигини суистеъмол қилардилар. Подшоҳ кимни хазиначи этиб тайин қилса, бир неча вақтдан кейин унинг хиёнати юзага чиқарди. Шунинг учун подшоҳ хазинадорликка номусли, пок виждонли бир одам тополмай қайғуланиб юрарди.

Кунлардан бир кун эронлик сайёҳ Сарондипга келиб қолди, бир неча вақт подшоҳнинг азиз меҳмони бўлиб турди. Бир кун подшоҳ донишманд билан суҳбатлашиб ўтирган вақтида юрагидаги дардини изҳор қилиб айтди:

— Эй азиз меҳмоним, сиз жуда кўп жойларни кезганингиз натижасида одамларнинг табиатлари, хулқ-атворлари билан жуда яхши танишгансиз деб ўйлайман. Ифбатли, номусли, матонатли бир одамни топиб олиш учун соғлом усулни биласиз, деб ишонаман.

Донишманд жуда чуқур хаёлга ботиб деди:

— Шундай одамни топишдан ҳам қулай бир нарса йўқ. Бир кунни тайин қилиб, хазиначи бўлишни орзу қилганларни саройингизга даъват қилинг, уларни биттадан чақириб чолғу хавоси, оҳанги остида ракс эттиринг, ким чаққонлик билан ракс этса ана ўшани хазиначи этиб тайин қилинг.

— Сиз кулгили бир латифа сўзлаяпсиз, деб гумон этаман, чаққонлик билан ракс этган одам

энг номусли, энг моҳир хазиначи бўла олади, деб даъво қилиш тўғри бўлмаса керак,— деди подшоҳ хайрон бўлиб.

Донишманд шундай жавоб берди:

— Ишонинг, хазиначи тайин қилиш учун бундан ҳам яхшироқ бир имтиҳон усули йўқдир.

Тайин этилган кунда хазиначи бўлишни истаганларнинг ҳаммаси интизорлик хонасига тўпландилар. Улар олтмиш тўрт киши эдилар. Подшоҳ ҳузурига кириш тартиби шундай эди, кутиш хонасида ўтирганларни навбат билан чақирар эдилар. Чақирилган киши иккинчи бир — олтину ёкутлар турган хонада ёлғиз ўзи бироз кутиб ўтиргандан кейин подшоҳ ҳузурига чақириб олардилар. Подшоҳ унга чолғу ҳавосига кўра рақс этишни буюрарди. Рақс этганидан кейин уни яна бошқа бир хонага чақириб, натижани кутиб ўтиришни буюрардилар. Шундай қилиб, олтмиш тўрт кишининг ҳаммаси рақс имтиҳонидан ўтди.

Хазиначи бўлишни истаган олтмиш тўрт кишидан 63 таси жуда ёмон рақс этдилар, рақс этаркан, қўллари билан чўнтақларини беркитиб турардилар, Подшоҳ ёнида ўтирган донишманд буларнинг рақсларини кўриб: «Ҳа, ярамас ўғрилар» деб кўярди.

Уларнинг ичидан биттаси, яъни олтмиш тўртинчи номзод жуда чакконлик ва жуда эркинлик билан рақс этди. Тажриба тамом бўлгандан кейин подшоҳ бу чаккон ўйнаган одамни кучоқлаб табриклади, уни хазиначи этиб тайин қилганини билдирди: донишманд ҳам уни янги мансаб билан муборақбод этди. Ёмон ўйнаган олтмиш уч раққосни ўғирликда айблаб, жазо маҳкамасига ҳавола қилди.

Сабаби нима? Сабаби шу: кутиш хонаси ёнидаги иккинчи бир хонага — жуда кўп олтин, кумуш, лаъл, ёкут каби қимматли тошлар қўйилган эди. Кутиш хо-насидан чақирилиб ўша хонада бироз кутишга буюрилган ҳар бир номзод чўнтақларини олтин ва қимматли тошлар билан тўлдириб оларди. Рақс вақтида ўғирлагани билиниб қолишидан кўрқиб, қўллари билан чўнтақларини босиб секин ўйнарди. Чаккон ўйнаган киши олтин, кумуш ва қимматли тошлардан биттасини ҳам олмаган пок, соф одам эди.

ЎҒРИЛИК

Тамғоч номли ҳукмдорга қаллоб бир йигит гулдаста тақдим қилди. Тамғоч у йигитдан гулларни қаердан олганини сўрагани, йигит гулзордан келтирганини айтди. Тамғоч яна:

— Ўз гулзорингданми?— деб сўради. Йигит ўзининг гулзори йўқлигини, гулларни бошқа бир кишининг гулзоридан олганини сўзлаб берди. Тамғоч яна:

— Гулзор эгасини рози қилиб, гуллар ҳақини тўладингми?—деб сўради. йигит:

— Гулзор эгаси йўқ экан, бир неча гул олганим учун эгаси хафа бўлмас,— деди.

Тамғоч ғазабланди:

— Демак, ўғрилик қилгансан. Бировнинг мулкига кириб, эгасидан сўрамай-нетмай унинг нарсасига қўл теккизиш энг ярамас иш эканини билмадингми? Келтирган гулдастангни ол, гулдаста эгасини топиб ундан кечирим сўра, узган гулларингнинг ҳақини тўлаб, уни рози қил. Бу гал ёш бўлганинг учун сени кечирдим, яна ярамас йўлларга юрсанг, қаттиқ жазо бераман,— деди.

Йигит Тамғоч ҳузурда товба қилди, бундан кейин ҳалол меҳнат қилишга ваъда берди, гул эгасини излаб топиш учун чиқиб кетди.

Айтишларича, кунлардан бир кун безорилар Тамғочнинг дарвозасига:

— «Эй, ҳоким, бизлар шундай сабзи кўкатларидирмизки, бошимизни узишга ҳар қанча уринсангиз ҳам яна ҳам кўпроқ кўкарамиз»,— деб ёзиб кетдилар. Тамғоч уларнинг хатлари ёнига: «Бизлар жуда моҳир, уста боғбонлардирмиз. Сабзиман деб бекорга лоф урманг. Сизлар девпечаксиз, зарарли бегона ўтларни таг-томири билан юламиз»,— деб ёздириб қўйди:

Байт:

Ҳар девпечак бош чиқарса мамлакат гулзоридан
Осилмасдан қолмагай ҳеч уста боғбон доридан.

ЗИЙРАКЛИК

Ҳар бир ишда эҳтиёткорлик ва зийракликни қўлдан бермаслик лозимдир. Бу хислатларни йўқотган киши хийлакор, доғули, товламачиликни ўзига касб этиб олган фирибгар, қаллобларга алданиб, кейин пушаймон бўладилар. Вақти ўтгандан кейин пушаймон бўлиш фойда бермайди.

Қадим замонда Эрон шаҳарларининг бирида Алоуддин номли мўътабар бир киши яшарди. Кунлардан бир кун кечаси яхши кийинган хушбичим бир йигит хизматчисига бир сандиқни кўтартириб Алоуддиннинг уйига келди, унинг хизматчисини чақириб:

— Ҳожангга айт, мени қабул қилсин, унга айтадиган яширин сўзим бор,— деди. Хизматчи йигитнинг илтимосини ҳожасига етказди. Алоуддин киришга рухсат берди. Йигит сандиқ кўтарган хизматчиси билан Алоуддиннинг ҳузурига кириб, таъзим билан салом берди. Алоуддин йигитни иззат-икром билан қабул қилиб, нима иш билан қадам ранжида қилганини сўради. Йигит таъзим қилиб:

— Мен қароқчи, ўғриларданман. Шу касбимнинг ярамаслигини билиб тавба қилдим. Мана бу сандиқ ичида эллик минг олтин баҳосида бўлган нарсалар бор, буларни сизга назр этиб келтирдим. Буларни олиб, ўз ҳалол пулингиздан минг олтин берсангиз, уни дастмоя қилиб ишлатаман,— деди ва сандиқни очиб кўрсатди.

Сандиқ ичи олтин идишлар, лаъл, ёқут, гавҳарлар билан лик тўла эди. Алоуддин буни кўриб ҳайратда қолди. Дарҳол у йигитга минг олтин санаб берди. Йигит минг олтинни олгандап кейин Алоуддин билан хайрлашиб, хизматчиси билан бирга чиқиб кетди.

Эртаси кун эрталаб Алоуддин гавҳаршуносларни чақириб, уларга сандиқдаги нарсаларни кўрсатди.

Ҳамма олтин, гавҳар идишлар, лаъл, ёқутлар олтин ҳалли шиша эканлиги билинди. Алоуддин қаллобнинг ишидан жуда ранжиб хизматчиларига уни топиб келтиришни буюрди. Хизматчилар у йигитни суриштирдилар, изладилар, лекин ҳеч ердан дарак топмадилар. Ҳатто Алоуддиндек киши ҳам эҳтиётсизлик туфайли алданиб қолди.

Байт:

Эҳтиёт бўл ҳар ишингга бўлма қаллоб ўртоғи,
Йўқ эса, тушгай бошингга бир куни қайғу тоғи.

ТАМАГИР КАМПИР

Бир кампирнинг биттагина гўзал товуғи бор эди. Бу товуқ ҳар икки кунда бир марта тухум қиларди. Кампир бир кун:

— Товуғимнинг қорнида тухум хазинаси бор бўлса керак. Ҳар икки кунда бир тухум олишдан кўра, унинг қорнидаги тухум хазинасида сақланган ҳамма тухумни биратўласи ола қолай,— деб дарҳол товуғини бўғизлади. Афсуски, товуқ қорнида тухум хазинаси у ёқда турсин, бир дона ҳам тухум тополмади, бунинг устига сердаромад товуғидан ҳам айрилди.

Хулоса: Инсон ҳеч вақт тамагир бўлмасдан, қўлида бориға қаноат қилиши керак. Тамагирлик инсонга ҳеч нарса ҳосил этмайди, балки ҳар вақт ҳосил бериб турган нарсасини ҳам

ғойиб этади.

Тамагирлик ҳақида Алишер Навоий айтади:
Чунки тама бўлди гадолар иши,
Билки гадодир тама этган киши.
Улки этиб тарки қаноат шиор,
Айлаб ани ул таъма эл ичра хор.

ТАМАГИР

Қадим замонда сахийлиги билан ном чиқарган бир подшоҳ ўзининг кишиларидан бирига:

— Мен бир кишига минг танга бермоқчиман, сен нима маслаҳат берасан?—деди.

— Бунча кўп пулни бир кишига бериб бўлмайди,— деб маслаҳат берди у киши.

— Яرمىсини бир кишига берсам бўладими?

— Кўплик қилади.

— Учдан бирини берсамчи?

— Кўплик қилади.

— Тўртдан бирига маслаҳат берасанми?

— Бу ҳам кўп.

Шундан кейин подшоҳнинг у яқин одами бир кишига фақат юз танга беришга маслаҳат айтиб:

— Бир кишига юз танга бериш кўп бўлса ҳам майли, юз танга бера қолинг,— деди. Подшоҳ унинг қарорини эшитиб:

— Қандай бахтсиз одам экансан? Мен бу минг тангани сенга бермоқчи эдим. Берган маслаҳатинг соясида минг тангадан ўзингни маҳрум қилдинг ва мени саховатдан ман айладинг,— деди.

У киши подшоҳнинг сўзини эшитиб пушаймонлик ўтида ёнди:

— Мен хато иш қилдим, мendan марҳаматингизни дариғ тутманг,— деди. Подшоҳ унинг ялиниб-ёлворишига илтифот қилмай:

— Сен азоб-уқубатга лойиқ бўлган, эҳсонга қобил бўлмаган ҳимматсиз, пасткаш одам экансан. Ўзингга ҳам, менга ҳам зиён етказдинг. Менинг зиёним агар ўша минг тангани бир кишига берсайдим, сахийлик билан машҳур бўлардим, мурувватим овозаси боқий қоларди. Шунча пулдан маҳрум бўлиш билан сен зиён тортдинг. Энди ўз қароринг бўйича сенга юз танга бераман, мана ол, бундан кейин менинг мажлисимда асло пасткашлик қилмагил,— деди. У яқин кишисига юз танга бериб, ҳузуридан чиқариб юборди.

Байт:

Бу жаҳон ичра қора юз сифладур,
Уни кўрсанг, шавқат қилмай роса ур.

ШИКОЯТ

Икки қиз ва бир ўғлимиз бор эди. Қизларимиздан кўра ўғлимизни кўпроқ қадрлаб, эрка қилиб ўстирдик, қариган чоғимизда бизнинг бирдан-бир таянчимиз бўлар, - деб умид қилардик.

Фарзандларимиз вояга етдилар. Қизларимизни чиқардик, кейин ўғлимизни уйлантирдик. У оила эгаси бўлди-ю, ўша вақтдан бошлаб турмушимизда ўзгариш сеза бошладик. Кўнглимиз

хар қанча ўғлимизга яқин бўлса ҳам аввалгидек уни севсак ҳам, у бизга аллақандай совуққонлик билан қарай бошлади. Кўпинча онаси ўғлининг илтифотсизлиги, қаттиқ муомаласидан зорланарди:

— Уйланганларидан кейин ўғилларнинг ҳаммаси бизнинг ўғлимизга ўхшаган бўладиларми?—деб мендан сўрарди. Мен унга:

— Қайғурма, унинг бундай ҳаракатлари вақтинча бўлса керак,— деб тасалли берардим. Лекин ўғлимизнинг муомаласи борган сари ёмонлашиб борарди. Шундай бўлса ҳам, бир кун эси кириб қолар, деган умид билан ўзимизни овутиб, унинг ёмон муомалаларига чидаб келдик. Мен бирор ерга бориб қайтганимда кампирим очиқ юз билан мени кутиб оларди. Мендан ҳар нарса тўғрисида сўрарди, мен ҳам эринмасдан жавоб берардим, шу билан кўнглимиз очиларди. Ҳар иккимиз бир-биримизга таяниб қолгандик.

Кампирим вафот қилганидан кейин ҳолимни сўрайдиган, кўнглимни кўтарадиган киши уйимда топилмади.

Кўпинча хонамга кириб ўтириб зерикаман, кўнглим бузилади, кампиримни эслаб, ўксиб-ўксиб йиғлайман.

Бир куни жуда чарчаган ва тамом баданим бўшашган ҳолда ўз хонамга кирдим. Ечинмай, ўрнимда чўзилиб ётдим, чунки жуда ҳолсизланиб қолгандим. Ярим уйқу, ярим уйғоқ ҳолда тамом эзилиб ётдим. Бир вақт неварам кириб:

— Дада, чой ичасизми, келтирайми?—деди.

Мен «йўқ, ичмайман» деганимдан кейин у чиқиб кетди. Кейин ҳолсизланиб ўрнимга ағанаб тушдим. Ўғлим турган уйдан кулишган, ўйнашган, ашула айтган товушлар эшитиларди. Ўғлим хотин ва болалари билан бирга чой ичиб ўйнаб, кулиб ўтирганди.

Мана, кўп вақтдан бери ўғлим мен билан келиб сўзлашмади, бир марта ҳам ҳолимни сўрамади. Мен ҳар куни эрта-ю кеч ўғлимни кутаман, лекин у келмайди, унинг ўрнига кичкина боласи келиб менинг чой ичиш ёки ичмаслигимни сўрайди. Чой ичгим келса ҳам унга:

— Йўқ, чой ичгим келмайди, деб айтаман, ўғлимнинг ўзи келиб чақиради, деб умид қиламан, лекин у келмайди. Мен ошхонага бориб, совуқ сув ичаман, қотган нонларни совуқ сувга ивитиб ейман. Мен албатта ўғлимдан кўнглим қолгани туфайли шундай қиламан, у буни сезмайди, ёки сезса ҳам ўзини сезмасликка олади.

Кампиримнинг йили ўтгандан кейин, бир кун ўғлим менга:

— Дада, ёлғиз ўзи яшаган киши ҳар қайси ерда турса ҳам бўлаверади. Сизнинг бу хонангиз болаларим учун жуда керак бўлиб қолди. Ана, ошхона ёнидаги ўзингизга муносиб кичкина уйга кўчинг,— деди. Неча йиллар кампирим билан яшаган бу уйдан ошхона ёнидаги зах уйга кўчиш мен учун оғир эди, шундай бўлса ҳам ўғлимнинг кўнгли бузилмасин, деб у зах уйга кўчдим. Шу вақтдан бошлаб ўзимни дунёда ортиқча ва кераксиз эканимни сеза бошладим.

Илгарилари ўғлим ва невараларим билан еб-ичиб, сўзлашиб ўтиришни истаб, улар ёнига келардим, ўғлим ҳам, келиним ҳам мени совуққонлик билан кутиб олардилар. Мен четдан келган бир мусофир каби сўзлашмай-нетмай ўтирардим. Мабодо сўзларига аралашиб қолсам, ўғлим ёки келиним:

— Чоллар сўзга аралашмасалар яхши бўларди,— деб сўзимни бўлиб кўярдилар. Бир вақт улар ёнида ўтирганимда мен қаттиқроқ йўталиб қолдим. Ўғлим менга хўмрайиб қараб:

— Овқатланган вақтимизда йўталмасдан ўтирсангиз бўлмайдими?—деб қўйди. Шундан кейин овқатланиш учун улар ёнига бормайдиган бўлдим. Бир-икки кун ўтгач, ўғлим мени кўриб.

— Дада, овқатланиш учун нега ёнимизга келмадингиз?— деди ва менинг жавобимни кутмасдан:

— Жуда яхши, бундан кейин овқатингизни келтириб берсинлар. Сиз учун шуниси қулай бўлади,— деди.

Менинг учун кулай эмиш. Ўғлим ва невараларим ёнида ўтирсам ёлғизлигимни унутардим, лекин улар буни сезмайдилар.

Мана энди мен бир бурчакка ташланган, кўнглим ўксиган бечора отаман. Қизларим ора-чора келиб ҳолимни сўрайдилар. Ғариб бўлиб қолганимга ачиниб йиғлайдилар, менга тасалли берадилар. Уларни кўрсам, кўнглимнинг жароҳатлари анча тузалгандай бўлади. Ноқобил ўғлим мени хўрласа ҳам, қизларим мени унутмаганлар, деб севинганимдан ўзимни тута олмай йиғлайман.

Ота-онага озор берган бундай ноқобил фарзандлар бир кун жазоларини тортадилар. Улар ота-оналарига қандай муомала қилган бўлсалар, ўз болаларидан ҳам шундай муомалани кўрадилар.

Қадимги китобларда шундай бир ҳикояни учратамиз: бир йигит ота-онасига азият бериб, уларни беҳурмат қиларди. У онаси вафот қилгандан кейин, отасини кичик ва зах бир уйга кўчирди. Бир кун ота овқат еяр экан, қўли қалтираб косани ерга тушириб синдириб қўйди. Шундан кейин ўғли ёғоч коса тайёрлатиб, отасига шу косада овқат беришни буюрди. Ўғлининг бундай ярамас қилиғидан кўнгли озор топган ота фақат кичкина неварасини ўйнатиб, қайғу аламини бироз енгиллатарди.

Бир кун йигит бозордан уйига қайтиб келгач, ўғлининг бир ёғочни йўниб ўтирганини кўрди. Таажжубланиб:

— Ўғлим, бу ёғочни нега йўниб ўтирибсан, нима қилмоқчисан?— деб сўради, ўғли шундай жавоб берди:

— Адажон, дадамнинг ёғоч косаларига ўхшаган коса ясамоқчиман, сиз ҳам дадамга ўхшаб қариганингизда, сизга шу ясаган косамда ош бераман!

Йигит ўғлидан бу сўзни эшитгач, - дод, - деб йиғлаб юборди.

Дарҳол отасининг ёнига бориб, кўзидан ёшлар тўкиб узр айтди, унинг юз-кўзларидан ўпди. Ўша ондаёқ отасини зах уйдан кўчириб, ўз уйига олди, отаси ҳам ўғлининг гуноҳларини кечирди, неварасини кучоғига босиб, юз-кўзидан ўпиб, йиғлаб хайр-дуо қилди.

Шоир Абдий айтади:

Ота-онангни ўзингдан рози қил.

Сен уларнинг қадрини кўп яхши бил.

Ол дуосин уларнинг, топ камол,

Ёр бўлгай бахти иқбол безавол.

ОТА-ОНА ҲУРМАТИ

Бир азизи мўътабар одам бир йигитнинг ота-онасига қилган хизматларини эшитиб уни зиёрат қилмоқчи бўлди. Бу йигит қассоб эди. Мўътабар одам қассобчилик бозоридан у йигитни излаб топди. У билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин:

— Ўғлим, мен мусофир бир кишиман, агар қабул қилсангиз, бу кечани сизнинг уйингизда ўтказишни истайман,— деди. Йигит мўътабар одамнинг илтимосини жону дил билан қабул этди, кечкурун дўконини беркитиб, у билан бирга уйига қайтди.

Уйнинг бир чеккасидаги тўшакда қариликдан жуда кичкина бўлиб қолган бир чол ётарди. Йигит мўътабар меҳмонига жой кўрсатиб:

— Азиз меҳмоним, кани, бемалол ўтириб дам олинг, тўшакда ётган мухтарам чол менинг отам бўладилар. Онам яқинда вафот этдилар. Отамга мендан бошқа қарайдиган киши йўқ. Ҳар кун азиз отамнинг хизматларини қилиб, кейин ишга кетаман,— деди. Йигит дарҳол шўрва пиширишга киришди. Овқат тайёр бўлгандан кейин бир косадада шўрва олиб отасининг ёнига

келди. Унинг бошини секингина кўтариб шўрвани ичирди. Йигит, чол отасини ухлатиб хотиржам бўлгандан кейин меҳмон учун дастурхон ёзди. Ўзига ҳам, меҳмонга ҳам шўрва келтирди, биргаллашиб овқатландилар. Мўътабар меҳмон:

— Ўғлим, сен отангни тўйдириб, ювиб-тараб ўрнига ётқизганингдан кейин у оғзини кимирлатиб турди, шу билан у нима демоқчи эди? — деб сўради.

— Мен ҳар вақт отамни овқатлантирганимдан кейингина ўзим овқатланаман. Агар ундан аввал овқатлансам, ота ҳурматини бажо келтирмаган тарбиясиз, адабсиз ўғиллардан ҳисобланардим. Отам мендан жуда розидирлар. Таомдан кейин оғзиларини кимирлатиб шукур этадилар ва менинг ҳақимга дуо қиладилар. Марҳума онам ҳам мендан рози эдилар, доимо ҳақимга дуо қилардилар,— деди йигит.

Мўътабар одам йигитнинг сўзларини эшитгач, кўзларига ёш олиб:

— Баракалла, ўғлим! Сен ҳақиқий фарзанд экансан. Ота-она ҳурматини унутган фарзандлар сендан ибрат олсинлар. Офарин, ўғлим. Ота-онангга қилган хизматингни хайрли ажрини кўрасан,— деди ва йигит ҳақиқага дуо қилди. Эртаси кун эрталаб йигит билан хайрлашиб ўз йўлига қайтди.

Азиз фарзандлар, ота-онангизни ҳурмат қилишни асло эсингиздан чиқарманг. Ота-онангизга қандай муомала қилсангиз, келгусида ўз фарзандларингиздан шундай муомалани кўришингиз аниқдир.

ОТАГА ҚИЛГАНИНГ БОЛАНГДАН ҚАЙТАДИ

Бир йигит ўз отасини ҳақорат қилиб урганини кўрган одамлар нафратланиб, у адабсиз ўғилга ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Йигитнинг отаси одамларни тўхтатиб:

— Биродарлар, ўғлимга ҳужум қилманг, бу ишда ўғлим эмас, ўзим айбдорман. Йигитлик вақтимда кунлардан бир кун худди мана шу ерда отамни ҳақорат қилиб урган эдим. Отамга қилган адабсизлигим жазосини энди кўриб турибман, отамга қандай муомала қилган бўлсам, бугун ўшандай муомала ўз ўғлимдан қайтди. Нимани эксанг, шуни ўрасан, деб жуда тўғри айтганлар. Мен ота-онамни ҳурмат қилмадим, дилларини оғритдим, у муборак зотлар мендан норози бўлиб кетдилар, энди ўғлим айбдор эмас, биродарлар, айб ўзимда,— деб ўксиниб-ўксиниб йиғлади.

Йигит отасининг сўзларидан таъсирланиб, дод-фарёд қилиб кўз ёшларини тўкди. Дарҳол отасини кучоқлаб, ўпиб, ундан узр сўради. Ота эмасми, у ҳам ўғлининг гуноҳини кечирди, унинг кўз ёшларини артиб, кучоғига олиб эркалади. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган халқ ҳам таъсирланиб, кўзларига ёш олдилар.

ФАРОСАТЛИ БОЛА

Қадимги арабларнинг «Аббосия давлати» халифаларидан Хорун ар-Рашид кунлардан бир кун Бағдод кўчаларининг биридан ўтиб кетаётиб мактабдан уйларига қайтаётган болаларга учраб қолди. Бир боланинг ўз ўртоқларига қилган хуш муомаласи, доно-доно сўзлари халифанинг диққатини ўзига жалб этди, унинг ақлли, фаросатли ва зийрак бола эканини англаб, дарҳол ёнига чақириб олди ва ардоқлаб бошини силаб-сийпаб унга бир олтин берди.

Бола халифанинг ҳадясини қабул қилмай ўртоқлари ёнига кета бошлади. Хорун ар-Рашид уни тўхтатиб деди:

— Ўғлим, мен берган ҳадяни нега қабул қилмайсан? Халифаларнинг ҳурматларини рад этиш тарбиясизлик аломати эмасми?

Бола халифага таъзим бажо келтириб шундай жавоб берди:

— Сўзингиз тўғри эканига ҳеч бир шубҳа этмайман. Ота-онамнинг: «Халифалар бир одамга ҳадя бермоқчи бўлсалар, фақат бир олтин эмас, кўпроқ олтин берадилар»,— деган сўзларини эшитиб эдим. Агар берган битта олтинингизни олсаму, уйга қайтиб ота-онамга:

— «Халифа Хорун ар-Рашид менга бир олтин ҳадя қилдилар»—деб кўрсатсам, биласизми, қандай ёмон ҳолда қоламан. Албатта ота-онам сўзимга ишонмай:

— Ёлғон айтасан, Хорун ар-Рашиднинг халифа бўла туриб бир олтин бериши мумкин эмас, сен нодон, албатта, бировнинг олтинини ўғирлаб олиб келгансан, дарров эгасини топиб олтинини бер, узр эт. Олтин эгаси ёшлигингни назарда тутиб гуноҳингни кечиради,— дсб мени уришадилар. Шунинг учун биттагина олтинингизни олиб, бошимни ғавғога қўйишни, ота-онамни норози этишни истамайман, мени маъзур кўринг.

Халифа Хорун ар-Рашид бу ақлли, фаросатли, зийрак боланинг бир-биридан гўзал сўзларини эшитиб завқланди, унинг бошини силаб, пешонасидан ўпди, китоб солган халтасини олтин билан тўлдириб унга ҳадя қилди, эртаси кун шу зийрак болани йўқлаб, ҳузурига келтириб, ўз тарбиясига олди.

Байт:

Фаросатдан кўнгилга кўз очилгай,

Ҳама ҳолатни ул маълум қилгай.

ФАРЗАНД - ОТА-ОНА ЗИЙНАТИ

Қадим замонда бир шаҳар бошлиғининг хотини шаҳардаги мўътабар одамларнинг хотинларини зиёфатга даъват қилди. Меҳмонлар тайин этилган вақт-да ташриф буюрдилар, ўриндикқа ўтириб, овқат келгунча, ўзларининг қимматбаҳо кийимлари, зирак, узук, зебигардон каби тақинчоқлар ҳақида сўз юритдилар, жуда қимматли зийнат асбобларига зга бўлишлари билан фахрландилар.

Шу вақт содда кийим кийган, зийнат асбобларини тақмаган бир ёш хотин кириб келди. Бу хотин зиёфат эгасининг синглиси эди. Салом бериб меҳмонлар билан кўришди, кейин бўш бир ўриндикқа келиб ўтирди. Меҳмонлар бу хотин зиёфат эгасининг синглиси эканини билардилар, лекин унинг содда экани, зеб-зийнат нарсаларини тақмагани учун ҳайрон бўлиб ундан:

— Нега содда кийингансиз? Зирак, узук, зебигардон каби қимматли нарсаларингиз йўқми?—деб сўрадилар. У хотин:

— Менда сизларнинг қиммат баҳоли асбобларингиздан кўра қимматлироқ зеб-зийнатлар бор,— деди.

Меҳмонлар кўришни истаган эдилар, у хотин ташқарига чиқиб бир ўғил, бир қиз, икки ёш болани етаклаб келди, уларни меҳмонларга кўрсатиб:

— Менинг жонимдан ҳам қимматли зеб-зийнатим мана шулардир. Бу дўндикларимни отамнинг болалари ёнига қўйиб, сизларнинг ёнингизга киргандим. Айтинг-чи, ота-она учун фарзанддан ҳам қимматли нарсанинг бўлиши мумкинми? Сизларнинг зеб-зийнат деб ўйлаган нарсаларингиз фарзанд олдида ҳеч даражасига тушиб қолади. Келинг, ўйлаган пуч зийнатларингизга эмас, севимли фарзандларингиз тарбиясига аҳамият беринг, севимли дўндикларингизни одобли, ахлоқли, ғайратли, жасоратли этиб ўстиринг, суҳбатингиз, фикрингиз, зикрингиз мана шу тўғрида бўлсин. Фарзанд—ота-она кўрки, зийнати, ҳамма зийнатларнинг зийнати, буни эсдан чиқарманг,—деди.

Бу оқил, доно хотиннинг ҳаққоний сўзларидан меҳмон хотинлар таъсирланиб, сукут этиб ўйлаб қолдилар.

ЧАҚИМЧИЛИК ЖАЗОСИ

Абубакр ибн Абдуллоҳ шундай ҳикоя қилади:

Бир подшоҳнинг доно вазири бор эди. Ҳар куни подшоҳнинг ёнига кирганда: «Яхшилик қилганга яхшилик қил, бадкорга ўзининг бадкорлиги кифоя»,— деркан. Подшоҳ у вазирни ҳурмат қиларди. Аммо мулозимлардан бири у доно вазирни кўролмасди. Бир кун у ҳасадчи мулозим подшоҳга айтди:

— Вазирингиз доимо сизни ёмонлаб: «Подшоҳнинг оғзидан бадбўй, сассиқ ҳид келади, яқинига боришга асло тоқат қила олмайман»,— дейди.

Подшоҳ ҳасадчидан:

— Бу сўзингга далил кўрсата оласанми?—деб сўради.

Ҳасадчи: — Вазирни ҳузурингизга чақиринг, бурнини тутиб кирса, тўғри сўзлаганимни биласиз,— деди.

Нобакор мулозим подшоҳ ёнидан чиқиб, вазирнинг ёнига борди, уйига зиёфатга таклиф қилди. Вазир меҳмон бўлиб келгач, уни сассиқ саримсоқ қўшилган овқат билан зиёфат қилди. Вазир зиёфат тамом бўлгандан кейин ҳасадчининг уйидан чиқиб, тўппа-тўғри подшоҳнинг ёнига борди. Подшоҳ: «Яқинроқ кел!» дегач, вазир «тагин подшоҳ сассиқ саримсоқ ҳидидан беҳузур бўлмасин» деб бурнини тутиб подшоҳга яқинроқ борди. Подшоҳ буни кўргач, мулозимнинг сўзи тўғри эканига ишонди.

Подшоҳнинг бир одати бор эди: кимга илтифот ёки ғазаб қилса, хат ёзиб муҳрлаб: «Бу хатимни менинг саройим бошлиғи қўлига бер»—деб хатни у кишига топширарди. Сарой бошлиғи хатни ўқиб подшоҳ нима буюрган бўлса, уни амалга оширарди.

Подшоҳ одати бўйича хат ёзиб, муҳрлаб вазирга берди, сарой бошлиғига топширишни буюрди. Вазир хатни олиб кетаркан, йўлда ҳасадчи мулозим учраб қолиб вазирдан:

— Бу нима хат?—деб сўраб қолди. Вазир: «Подшоҳ менга қимматбаҳо либос инъом қилди»,— деди.

Чиндан ҳам у шундай ўйлаганди. Мулозим вазирга ялиниб-ёлвориб:

— Иккимизнинг яхши танишлигимиз ҳурмати хатни менга беринг, либосни мен олай, бу эса сизнинг қилган зўр илтифотингиз бўлади, бу илтифотингизни ҳеч вақт унутмайман,— деди.

Вазирнинг раҳми келиб, хатни унга топширди.

Ҳасадчи севиниб, хатни олиб бориб сарой бошлиғига топширди. Сарой бошлиғи хатни ўқиб кўриб мулозимларига:

— Бу одамни ўлдиришлар, подшоҳ шундай буюрибди, подшоҳ амрини дарҳол бажо келтиринг!— деди.

Сарой бошлиғининг буйруғини эшитиб, ҳасадчи:

— Бу хат вазирга берилган хат эди, мен ундан тилаб олгандим!—деб дод-фарёд қила бошлади.

Сарой бошлиғи бу воқеани подшоҳга маълум қилди. Подшоҳ буни яхшилаб тафтиш қилгач, ҳасадчининг саримсоқ қўшган таом билан вазирни зиёфат қилгани, вазир эҳтиёт юзасидан бурнини тутгани подшоҳга маълум бўлди, вазирнинг гуноҳсиз эканини билиб, унинг мартабасини яна оширди.

Ҳасадчига эса қаттиқ жазо берди. Подшоҳ вазирга:

— Ҳар куни ёнимга кирганингизда биринчи сўзингиз «яхшилик қилганга яхшилик қил, бадкорга ўзининг бадкорлиги кифоя» дегучи эдингиз, ҳақ экансиз, ҳасадчининг бадкорлиги унинг ўз бошига етди,— деди.

МАСАЛЛАР

Қисса:

Бир қарға мушук билан жуда дўст бўлиб кетди. Булар ўрмондаги бир дарахт тагида ҳар куни ширин-ширин суҳбатлашиб ўтирардилар. Бир куни мана шундай суҳбатлашиб ўтирган пайтларида узоқдан бир қоплоннинг булар томонга қараб келаётганини кўриб қолдилар. Қарға пир этиб учиб дарахтнинг энг юқори шохига қўнди. Мушук нима қилишини билмай дарахтга тирмашди. Зўр-базўр дарахтнинг энг паст шохига чиқиб олиб, барглар орасига яширинди ва қарғага зорланиб:

— Дўстим, ҳалокат остидаман, сенинг ёрдамингга муҳтожман, бир илож қилиб мени бу қўрқинчли ахволдан қутказ,— деди.

Ўша дарахтга яқин ерда чўпонлар юрган эдилар. Қарға учиб бориб чўпонларнинг итларидан бирининг бошига қаноти билан урди. Итлар қаргани тутиб олиш учун югурдилар. Қарға учиб бориб яна бир ерга қўнди, итлар яна қаргани қувлаб кетдилар. Шундай қилиб, қарға уча-уча итларни ўша дарахтнинг ёнига келтирди. Қоплон дарахт тагида мушукни ейишни мўлжаллаб турган эди. Итлар қоплонни кўра солиб, бирдан унга ҳужум қилишди. Қоплон тумтарақай бўлиб қочди, итлар унинг орқасидан қувлаб кетди. Шундай қилиб, қарға ўз дўсти мушукни ҳалокатдан қутқазди.

Ҳисса:

Бошига мушкул иш тушиб қолганда ёру, дўстлар керак бўлиб қолади. Чин, самимий дўст ўз дўстининг ёрдамига ошиқади, уни оғир, мушкул ҳолдан қутқазишга интилади.

Фаридиддин Аттор айтади:

Яхши ҳамдам истабон бўл ҳамнафас,

Дунёда умрингни ўткарма абас!

* * *

Қисса:

Бир тулки йўл устида чор атрофга қараб турарди. Шу вақтда бир ит бир бўри билан дўстлик йўлига тушиб, бир-бирларига даҳл қилмасдан келиб қолдилар. Тулки ҳайратда қолиб, буларнинг бир-бирлари билан дўст бўлиб қолганларига нима сабаб эканини билмоқчи бўлди. Дарҳол ёнларига келиб салом берди. Таъзим бажо келтириб айтди:

— Шукур, қадимий душманлигингиз дўстликка айланган, гина-адоватни унутиб иттифокда яшай бошлагансиз, муборақ бўлсин, мен жуда хурсанд бўлдим, лекин бу дўстликнинг сабаби нима? Бунни билиш орзусидаман. Агар билдирсангиз жуда хурсанд бўлардим.

Ит тулкига шундай жавоб берди:

— Чўпоннинг қилган бевафолиги бизнинг дўстлигимизга сабаб бўлди. Кеча бу бўри қўйларга ҳамла қилиб бир қўйни олиб кетди. Мен одатим бўйича бўрининг орқасидан югурдим. Қўйни зўрға қутқариб олиб, чўпонга келтириб топширдим. У бадбахт миннатдор бўлиш ўрнида мени уриб кўп хафа қилди. Шундан кейин, қадимги дўстим чўпонга душман бўлиб, душманам бўрига дўст бўлдим. Бўри билан бўлишимизнинг сабаби мана шудир.

Ҳисса:

Вафо йўлидан заррача ташқари қадам қўймаслик лозимдир. Вафосизлик қилиб дилни ранжитиш соясида дўстинг душман бўлиб қолиши мум-киндир. Бевафолик дўстни душман

йўлига солади.

Байт:

Хирад аҳли оғир сўз бирла қилмас дўстни бегона,
Мулойим сўз билан бегонани яхши дўст айлар.

* * *

Қисса:

Бир сичқон ўрмонда сувга яқин ерда умр ўтказарди. Сув ичида бир қурбақа ҳам яшарди, баъзан ҳаводан фойдаланиш учун сув канорасига чиқарди. Кунлардан бир кун одати бўйича сув лабига келди, ўзини булбул гумон қилиб нохуш овоз билан вақирлашга киришди. Бир иш билан машғул бўлиб турган сичқон қурбақанинг хунук нағмасини эшитиб, ҳайрон бўлиб, бу ашулачининг сурати, афт-ангорини кўриш учун инидан ташқарига чиқди.

Қурбақа сичқонни кўриб: «Унга ашулам ёқибди»,— деб сичқонга ошно бўлишни ҳавас қилди, сичқон ёнига келиб, ўз орзусини унга айтди, сичқон ҳам рози бўлди. Шундай қилиб, ҳар иккиси бир-бирлари билан дўстлашдилар. Бир кун сичқон қурбақага айтди:

— Дўстим, сен билан суҳбатлашиш учун сув лабига келиб, сени ҳар қанча чақирсам ҳам эшитмайсан, чақира-чақира дармоним қурийдим, тез-тез кўришиб туришимиз учун бир ҳийла ўйлаб топиш керак,— деди. Қурбақа ҳам дўсти сичқонни чақириб учун кўп қийналганини сўзлади.

Сичқон бир узун ипни топиб олиб, ипнинг бир учини ўз оёғига, иккинчи учини қурбақанинг оёғига боғлаб, унга:

— Сув лабига келиб ипни қимирлатсам, хабардор бўласан, сен иним ёнига келиб ипни қимирлатсанг, мен хабардор бўлиб инимдан чиқиб ёнингга келаман,— деди. Ҳар икки дўст шу ҳийлани ишлатиб, бир-бирлари билан кўришиб, суҳбатлашиб турдилар.

Бир кун сичқон сув лабига келиб, қурбақани чақирмоқчи бўлганди, ҳаводан бир қарға учиб тушиб сичқонни олиб қочди. Ипнинг бир учи қурбақанинг оёғига боғлангани учун у ҳам сувдан чиқиб, осилиб кета берди. Бу қизиқ ҳолни кўрган одамлар:

— Қаранглар, қарға қурбақани ҳам ов қилибди, у ҳеч вақт қурбақани овламайди-ку,— деб таажжубланиб бир-бирларига кўрсатардилар.

Ҳисса:

Ҳар ким ўзига муносиб киши билан дўст бўлиши, улфатчилик қилиши лозимдир. Акс ҳолда бало занжирига қурбақага ўхшаб осилиб қолади.

Байт:

Кимки боқмабдир ишин поёнига
Ҳеч ҳисоби бўлмагай армонига.

* * *

Қисса:

Бир тиканли дарахт боғбонга:

— Агар мени боғнинг ўртасига ўтказсанг, гул ва меваларим ҳаммага манзур ва мақбул бўлади,— деди. Боғбон тиканли дарахтнинг сўзига ишониб, уни боғнинг ўртасига ўтказди,

яхши тарбия қилди. Тиканли дарахт тез вақт ичида ўсиб катта дарахт бўлди. Шохлари ҳар томонга қулоқ отиб, ҳар бир шохидан найзадек тиканлар ўсиб чиқди, олдига ҳеч ким боролмади.

Боғбон яхши ҳидли гуллар ва мевали дарахтлар ўтказган эди. Тиканли дарахт уларни ўраб олиб ўсишларига, мева қилишларига ҳалақит берди. Боғбон тиканли дарахтни боғнинг ўртасига, гул ва мевали дарахтлар орасига ўтқизгани учун пушаймон қилиб, дарҳол уни кесиб ташлади.

Ҳисса:

Ҳар ким ёмонларга ҳар қанча яхшилик қилса, улардан ўшанча ёмонлик кўради. Ёмон киши ёмонлигини қилмасдан қолмайди.

Байт:

Ёмон бўлган кишидан ҳамма қочғай,
Унинг кирдоридан ҳар ким сўз очғай.

* * *

Қисса:

Бир бўри овқат талабида ҳар томонга югурарди. Хас-хашак устида ухлаб ётган қуённи кўриб, севинганидан у томонга қадам ташлади. Қуён унинг дамидан ва қадамининг товушидан уйғониб қочишга ҳаракат қилди. Бўри унинг йўлини тўсиб қочишга имкон бермади. Қуён кўрқиб, титраб бўрига ялина бошлади:

— Биламан, ваҳший ҳайвонлар амири жуда очдирлар, лекин мен кичик ва кучсиз бадан бирла ҳазрат амирга бир луқмагина бўламан, мени ейишдан ҳеч мурод ҳосил бўлмайди. Шу яқин орада семиз бир тулки яшайди. Агар ҳазрат амир рухсат берсалар, уни бир ҳийла билан бу ерга келтираман. Ҳазрат амир унинг гўштини еб мендан хурсанд бўладилар,—деди. Бўри қуённинг сўзидан завқланиб, тулкига интизор бўлиб ўтирди.

Ўша ерга яқин жойда бир маккор тулки яшарди. Қуён уни сира кўролмай дилида унга гинадоват сақларди. Бу қулай фурсатни ғанимат билиб, ундан ўч олмоқчи бўлди. Бўрини яқинроқ бир ерга яшириб, ўзи тулкининг уйига кириб салом берди. Тулки ҳам таъзим бажо келтириб, ундан қадам ранжида қилганининг сабабини сўради.

— Кўп вақтдан бери сиз билан суҳбатлашиш орзусида бўлсам ҳам ишим кўплиги сабабли муродимга ета олмадим. Каромат эгаси бир эшон пиримиз бордирлар. Сизнинг хилватда ўтириб тоат-ибодат билан машғул бўлганингизни эшитганлар. Шу боис уйимга келиб мени сизни олиб келмоққа юбордилар. Агар ижозат берсангиз ҳузурингизга киришга муштокдирлар,— деди қуён.

Тулки қуённинг бу сўзларидан макр-ҳийла нақшини ўқиди ва кесак отганга тош отиш билан жазо берай, деб қуёнга хушомадлар қилиб айтди:

— Шундай азиз зот менга меҳмон бўлсалар, оёқларининг чанг-тупроқларини кўзимга сурма қиламан, лекин ташқарига чиқиб бироз кутинг, уйимни супуриб тозалай, кейин чақираман, азиз меҳмон билан бирга кулбамга ташриф этинг,— деди.

Қуён ташқарига чиқиб бўридан суюнчи олди. Тулки ҳар эҳтимолга қарши ўз уйида чуқур қудуқ қазиб, устини хашак билан ёпиб қўйганди, душман келганда, ундан қочиб қутулиш учун яширин бир йўл ҳам ҳозирлаган эди. Қуён чиқиб кетгандан кейин қудуқнинг оғзини хашаклар билан беркитиб:

— Қани, азиз меҳмонлар, қадам ранжида қилинглар,— деб қичқирди.

Бўри билан қуён тулкининг қоп-қоронғи уйига қадам қўйишлари биланоқ қудуққа тушиб

кетдилар. Тулки аввал тайёрлаб қўйган яширин йўлидан қочиб кетди. Бўри: «Мени алдаб, кудукқа туширди», деб гумон қилиб қуённи икки бўлак қилди.

Ҳисса:

Ўз фойдаси йўлида бошқанинг зиёнини кўзлаб макр-ҳийла ишлатган киши қуённинг аҳволига тушади.

Байт:

Чикмагил маккорликнинг томига,
Тушгинг албатта балонинг домига.

* * *

Ҳикоят:

Ҳинд ҳакимларининг масалларида мазкурдирким, бир чумоли ғайрат камарини белига боғлади. Учиб кетаётган бир қуш чумолини кўриб қолди. Чумоли завқ-шавқ билан ишга берилиб, тепани йўқ қилиш ниятида тепа тупроғидан озгина-озгина олиб, бир томонга ташиб борарди. Қуш чумолининг бу ишига таажжубланиб:

— Эй, ҳамма мавжудотнинг ориғи ва ҳамма жониворларнинг кучсизи, уддасидан чиқишинг мушкул бўлган бир ишга урингансан, нега ўзингга мунча ма-шаққатларни юклайсан?— деди.

Чумоли қушга шундай жавоб берди:

— Мен ўз жинсимдан бирисига кўнгил бериб, ундан висол истагандим, маъшукам: «Ғайрат оёғингни бу тепа устига қўй, уни бир томонга олиб ташла, ундан кейин мендан висол талаб қил»,— деб шарт қўйди. Шунинг учун мана шу ишга киришдим, ғайрат қилиб тепани битираман деб умид қиламан.

Қуш унга:

— Тепани йўқ қилиш сенинг ишинг эмас, кучинг етмайди. Бекордан-бекорга уриниб, ўзингни машаққат қучоғига отма,— деди.

— Мен ғайрат мақомида маҳкам туриб, шу ишга қадам қўйдим. Агар тепани йўқота олсам, муродим ҳосил бўлади, йўқота олмасам мени айблай олмайдилар. Узримни қабул қилсалар керак:

Гар муродим илгим ичра етгуси,

Гам билан андуҳ мендан кетгуси.

Ғайратимдан бўлмаса мақсад тамом

Унда мен маъзур бўлғум, вассалом.

- деб жавоб берди чумоли.

Жоҳил ва нодон билан дўстлик, улфатчилик ниҳояти фалокат ва ҳалокатга етказди.

* * *

Ҳикоят:

Бир боғбоннинг тоғ яқинида ғоятда латофатли дилкушо боғи бор эди. Дехқон ўша боғида умр кечирарди. Бир кун зерикиб боғдан ташқарига чиқди, тоғ этакларини томоша қилиб юрди, шу вақт юксак тоғлардан қуйига тушган бир айикқа учради. Улар бир-бирларига улфат бўлдилар. Айик ўша дехқоннинг суҳбатига кўнгил берди, у билан бирга бокқа келди, ширин мевалардан еб дўстлиги мустаҳкам бўлди.

Мабодо дехқон соя-салқин жойда дам олиб ухлаб қолса, айик унинг ёнида ўтириб,

пашшаларни кўрирди. Бир кун боғбон ухлаб, айиқ пашшаларни кўриб ўтирганди, пашшалар деҳқоннинг юз-кўзига ҳужум қилишдан тўхтамадилар. Бир тарафдан қувласа, иккинчи томондан ёпирилди. Айиқ уларнинг ҳаммасини бирданига ўлдириш фикрига тушди. Пашшалар деҳқоннинг юз-кўзига ёпирилиб қўнган вақтни пойлаб, туриб, деҳқоннинг бошига харсанг тош билан бир туширди, деҳқоннинг боши мажақ-мажақ бўлиб кетди. Пашшаларга зиён етмади, улар учиб кетдилар.

Нодоннинг дўстлиги ҳам айиқнинг дўстлигига ўхшаш бўлади. Ҳар ким нодонни ўзига дўст, улфат деб ҳисобласа, деҳқоннинг ҳолига тушиши мумкин.

Байт:

Альамон, юз альамон ножинслардан альамон,
Яхши улфатлар билан бўлғил ҳамиша, эй жавон!

* * *

Қисса:

Бир куён ҳар кун бир ўтлоқ ерда маза қилиб ўтлаб юрарди. Кунлардан бир кун унинг ўтлаб юрганини бургут кўриб қолди. Яшиндек учиб келиб уни чангалига олди-ю, ҳавога кўтарилди. Шўрлик куён бургут чангалида инграб нола қиларди. Бир чумчуқ куённинг бу қизғончили ҳолини кўргач, уни мазах қилиб:

— Эй, чопагон куёнчам, сен жуда чопиб юрардинг, бу чопагонлигинг фойда бермадими, нега бургут чангалига илиндинг?— деб қичқирди.

Шу пайтда яна бир йиртқич куш чумчуқнинг товушини эшитди, дарҳол ҳужум қилиб, уни чангалига олиб ҳавога кўтарилди. Чумчуқнинг тутилганини кўрган куён ҳам:

— Чумчуқжон, ҳолинг қалай? Сен жуда тез учар эдинг, қочиб қутулишга у гўзал қанотларинг ёрдам бермадими? Нега тутилиб қолдинг?— деб қичқирди.

Ҳисса:

Бировнинг бошига келган фалокатдан кулиб, мазах қилиш ярамайди, балки оғир ҳолга тушса, унга қўлдан келгунча ёрдам бериб шу оғир ҳолдан қутқазиш керак. Бошқанинг бошига келган фалокатдан кулган кишининг ўзи ҳам бирор фалокатга учраши мумкиндир.

* * *

Қисса:

Бир арслон икки кийик боласини даштда ўтлаб юрганларини ва меҳрибон оналари уларни кўриқлаб турганини кўриб қолди. Дарҳол кийик бо-лаларини овлаш қасдига тушиб югурди. Бечора она:

— Эй ҳайвонлар султони, бу икки норасида гўдакни овлаб ейишдан сенга нима манфаат ҳосил бўлади? Нуридийдаларимнинг фироқи ўтида мени куйдирма, бағримни кабоб қилма, ахир сенинг ҳам фарзандларинг бор-ку, ўйла, мени фарзандларим доғида куйдирсанг, сенинг ҳам фарзандларингга бало етишади, деб фарёд қила бошлади. Арслон она кийикнинг ноласига эътибор бермай унинг икки боласини ўлдирди. Меҳрибон она фарзандларининг доғида ҳар томонга югуриб фарёд этарди. Шу вақт қора кулон етиб келди. Она кийикдан аламли воқеани тинглаб, у ҳам нола-фиғон қила бошлади. Кейин она кийикка тасалли бериб: «Кўп ғам ема, нобакор арслон тез кун ичида жазосини тортади»,— деб айтди.

Шамъи парвонани чу куйдирди,
Тезда бирён бўлғуси ўз ёғига.

Арслон кийик болаларига қасд қилган фурсатда бир овчи унинг икки боласини овлашга киришган эди. Арслон кийик болаларини ўлдирган чоғда овчи унинг болаларини ўлдириб, териларини шилиб олди. Арслон уйга қайтиб, болаларини ўлган, терилари шилиниб тупроққа беланиб ётганлари ҳолда кўрди, фарзандлари ғамида дод-фарёд қила бошлади. Шундай қилиб, қилган ёмонлигининг жазосини кўрди.

Байт:
Истасанг ким етмагай сенга бало,
Кимсага қаргиз ёмонлик қилмагил.

Ҳисса:

Ҳар ким ўзининг куч ва қувватига мағрур бўлиб, ҳар кимга ситам қилса, ўзининг расво бўлишига йўл очиб беради, бу ярамас одати уни балога гирифтор қилади.

* * *

Қисса:

Бир кир ювувчи ариқ лабида ўтириб, ўз ишига машғул бўларди. Бир ғознинг ҳар куни ариқ лабида юриб сув ичидаги қурт-кумурсқаларни топиб еб, кейин ўз уясига кетганини кўрарди. Бир куни бир лочин пайдо бўлди, ўзидан катта какликни овлаб озроқ еб, қолганини ташлаб кетди. Ғоз буни кўриб ўз-ўзига:

— Лочин кичик жуссаси билан катта жониворларни овласа-ю, мен шундай жусса билан паст нарсаларга нега қаноат қиламан? Нечун ҳимматимни баланд тутмайман?—деб қурт-кумурсқалар шикоридан кечиб, каптар ва каклик қасдида ўтирди.

Кир ювувчи ғознинг қилиғини узоқдан кўриб, томоша қилиб турарди. Шу вақтда бир каптар учиб келди, ғоз унинг кетидан қувлади. Каптар сув лабига майл қилиб, чап бериб ғознинг олдидан ўтиб кетди. Ғоз кейин қолиб сув лабига йиқилди. Оёғи лойга ботиб қолди. Ҳар қанча уринса ҳам, яна баттарроқ ботди. Кир ювувчи келиб уни ушлаб олиб уйига қайтди. Йўлда унинг бир дўсти йўлиқиб:

— Дўстим, нимани олиб келаётибсан?—деб сўраган эди, кир ювувчи:

— Қўлимдагими? Лочин ишини қилмоқчи бўлиб ўз ҳаётини барбод қилган ғозни олиб келаётирман,— деб жавоб берди.

Ҳар ким ўз ҳунари билан машғул бўлиб, ўзи билмаган ҳунарга киришмаслиги керак, ўз касб-ҳунарини ташлаб, номуносиб ишга қадам қўйса, унинг бошига ғознинг куни келади.

Байт:
Чиқармагил оғиздан қилмас ишни,
Қилурман дема қўлдан келмас ишни.

* * *

Қисса:

Кунлардан бир куни бир мутақаббир ўргимчак ипак қуртига:

— Мен сенга жуда ачинаман, бир озгина ипак учун шошмасдан ишлаб кўп вақт сарф этасан.

Мана, менга қара, тез-тез ишлаб озгина вақт ичида бу деворнинг бошидан оёғигача тўр ўраб битирдим. Менга ўхшаб шошиб-пишиб тўр ўрасанг бўлмайдами?— деди. Ипак қурти унга:

— Тўғри, ишда суръат, тезлик керак, лекин сен сингари апил-тапил ишлашдан фойда чиқмайди, шунинг учун тўринг ҳеч қимматга эга эмас, менинг тўрим эса жуда қимматли тўр,— деб жавоб берди.

Ҳисса:

Шошма-шошарлик билан ишлашдан ҳеч фойда ҳосил бўлмайди. Ишнинг сонига эмас, сифатига диққат қилиш лозим. «Оз ишла, соз ишла» деб бекор айтмаганлар.

Байт:

Шошқалоқлик ниҳолин ўтказсанг,

Бергуси меваи пушаймонлик.

* * *

Қисса:

Бир ари кулфат ва машаққатлар билан бир донни ташиб кетаётган чумолини кўриб унга айтди:

— Эй чумоли, нега бунча ранжу аламни ўз устингга юкладинг, нега бунча машаққатни ихтиёр қилдинг? Кел, менинг ейиш-ичишимга бир қара, сен ҳам ундан баҳра ол. Мен хоҳлаган еримга қўнаман, хоҳлаган овқатимни ейман, сен бўлса, битта дон учун бунча машаққат чекасан,— деди-да, учиб бориб бир қассобнинг сотиб турган гўшти устига қўнди. Қассоб пичоқ билан бир урган эди, икки нимта бўлиб ерга тушди. Чумоли дарров келиб унинг оёғидан тишлаб, уясига олиб кета бошлади. Ари чумолидан:

— Мени қаерга олиб бораётибсан?—деб сўраган эди, чумоли:

— Ҳирс, очкўзлик балосига мубтало бўлиб, жойини билиб ўтирмаганнинг ҳоли мана шундай бўлади!—деб жавоб берди.

* * *

Қисса:

Бир бола чигиртка тутиб ўйнаб юрганди, У ерда бир чаён ётган эди. Бола уни чигиртка гумон қилиб олмоқчи бўлди-ю, бирдан диққат билан қараб чаён эканини билди, уни олишдан қўл тортди, Чаён унга:

— Агар мени қўлингга олсанг эди, бу дунёда қўлингга ҳеч нарса ололмас эдинг деб гумон этаман,— деди.

Ҳисса:

Ҳар ким бир иш қилмоқчи бўлса, аввал хўп ўйлаб, кейин у ишга киришмоғи керак, шундай қилса кўп фойда кўради.

* * *

Ҳикоят:

Тулкига айтдилар:

— Нега оч юрибсан? Арслоннинг ёнига бор, ҳамма жониворлар унинг еб қолдирган овқатидан фойдаланади. Сен ҳам унинг ёнига борсанг, унинг овқатидан еб тўйиб юрасан.

Тулки уларга:

— Арслон - қўрс, жоҳил, бадфеъл бир ҳайвон. Бир куни мени ҳам еб, қолган этимни бошқа жониворларга бериши мумкин. Мана шундан қўрқиб, унинг ёнига яқинлашишни асло истамайман,— деди.

Байт:

Феъли бад одамни носоз айлағай.

Дўстни душманлар сарига ундағай.

* * *

Қисса:

Бир кун ҳўкизнинг бошига бир пашша қўниб унга:

— Агар менинг ўтирганим сенга оғирлик қилган бўлса, айт, учиб кетаман,—деди. Ҳўкиз унга:

— Бошимга қўниб ўтирганингдан хабарим бўлмади, учиб кетсанг ҳам хабарсиз қоламан, сенинг оғирлигинг нима бўларди?—деди.

Ҳисса:

Баъзи одамлар гердаийб, ўзларини катта, эътиборли одам ҳисоблаб юрадилар, ҳеч кимни кўзга илмайдилар, холбуки, бошқалар уларни бир пулга ҳам олмайдилар, эътибор бермайдилар.

Ҳикоят:

Бир чумоли ўзидан ўн марта катта чигирткани тортиб кетарди. Одамлар таажжуб қилиб:

— Қаранг, бу нотавон, кучсиз чумоли ўзидан ўн марта катта чигирткани тишлаб тортиб кетаяпти, -деб бир-бирларига кўрсатдилар. Чумоли кулиб айтди:

— Ғайратли, ҳимматли мард кишилар олдида оғир нарсалар ҳам енгил бўлади, куч-қувватнинг бунга даҳли йўқ.

ҲИКМАТЛАР

Кенгашиш ақлларнинг қўшилиши демакдир. Ақлли одамлар йиғилиб бир ишни бошламоқчи бўлсалар, у иш ҳақида маслаҳатлашиб яхши фикр юргизадилар ва оқибатини ўйлайдилар.

* * *

Фаҳм-идрокли, зийрак одамлар фикр ойнасига оқиллар ишорати ва насиҳатлари билан сайқал берадилар, ҳамма вақт фаҳм-идрок ва тадбир томонига қарайдилар, ҳовлиқиш, шошқалоқликдан қочадилар. Натижада иқбол ва давлат эшиги уларга очилади, саодат гавҳарлари бошларига сочилади.

* * *

Одамнинг энг бахтли вақти — бошқаларга эзгулик қилган онларидир.

* * *

Ўзингиздан олдин келган одамлардан ибрат олинг, кейин келганларга ибрат бўлинг.

Байт:

Яхшиларнинг суҳбатин қилғил талаб,

Боадаб бўл, боадаб бўл, боадаб.

* * *

Ғафлат ва ғофиллик—алданиш, идроксизлик оқибатидир, ғафлат ақлли одамлар қошида ярамас сифатлардан бири саналади.

* * *

Нафснинг давоси — очкўзликни тарк қилишдир, ҳарисликка йўл қўймасликдир.

* * *

Қилинган яхшиликнинг офати—«яхшилик қилдим» деб мактаниб юришдир.

* * *

Ўқиш билан тушуниш бир хил эмас. Тушунмасдан ўқиган киши ўқишдан талаб этилган мақсадга хизмат этмаган кишидир.

* * *

Тентакликнинг энг зарарлиси вақтни зое этишдир.

* * *

Эртаси кун қайғуга сабаб бўладиган бугунги шодликнинг маъноси йўқ.

* * *

Ўзларига кераксиз нарсаларни олувчилар кейин керакли нарсаларини сотишга мажбур бўладилар.

* * *

Меҳнатни севмаган ялқов киши ҳар турли номақбул ишлардан тортинмайди.
Идишнинг чиройлилигида ҳикмат йўқ, гап унинг ичидаги нарсасидадир.

* * *

Бахтли бўлишнинг чораси меҳнатни севиш ва роҳатни меҳнатда кўришдир.
Байт:
Эр киши меҳнат билан иззат топар,
Қанча айби бор эса меҳнат ёпар.

* * *

Кўнглида гина сақлаб юрган киши ҳеч кимга мақбул бўлмайди.

* * *

Кўп китоб йиғиш ва кўп дўст орттиришда маъно йўқ, гап китоб ва дўстни танлашдадир.

* * *

Ўзини олим, фозилман деб мақтаниш, шу билан ғурурланиш жаҳолатнинг бир кўринишидир.

* * *

Яхшилик кўлингдан келмаса ёмонлик қилишдан сақлан.

* * *

Қоғозга ёзилиб қолган яхши ном тамом бўлмайдиган умрдир.

* * *

Ўзига душман бўлган нодон, жохилнинг бошқаларга дўст бўлиши эҳтимолдан узоқдир.

* * *

Ўз даражангга муносиб ўринни билиб ўтирсанг бу ўриндан сени ҳеч ким қўзғатолмайди.

* * *

Мўътадил бўлмаган фаросат доим илгари кетадиган соатга ўхшайди.
Қалбингнинг роҳатда бўлишини истасанг, пок ва холис ниятли бўл.

* * *

Ялқовлик муҳтожлик эшигидир.

* * *

Жафо чекмаган одам сафо кадрили билмайди.

* * *

Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айбдир.

* * *

Турмушинг яхши ўтиб фаровонлик билан яшашни истасанг, исрофгарчиликка йўл қўйма,
бундан ҳазар қил.

* * *

Бахтсизликнинг белгиси нодонликдир.

* * *

Инсонга инсон номини берган нарса фикрдир.

Байт:

Киши дардига ким ҳамдард эмасдир,

Киши наздида ул мард эмасдир.

* * *

Эртага қолмаса бугунги иши,
Бу дунёда ғолиб яшар шул киши.

* * *

Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан
саломатлиги, кўнгил роҳати, зеҳннинг ортиши.

* * *

Меҳнатни севмаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрдир.

* * *

Ҳасад — юракнинг зангланиши, қайсарлик — мағлубият сабабчисидир.

* * *

Бир-биридан норози бўлган икки кишини келиштириш учунгина айтилган ёлғон сўз улар орасига совуқлик тушириш учун айтилган рост, тўғри сўздан кўра хайрлидир.

* * *

Виждон яхшиликни ёмонликдан ажратадиган, яхшиликка йўналтирадиган кучли қувватдир.

* * *

Дилдаги адоват темирдаги зангга ўхшайди, занг темирни егани каби адоват қалбни кемиради.

* * *

Инсоннинг биринчи фазилати бошқаларнинг ҳуқуқига, шараф, номус ва орзуларига ҳурмат ва риоят этишдир.

* * *

Бу дунёда ҳар бир нарса ўзгаради, аммо фазилат қонунлари сира ҳам ўзгармайди.
Адабнинг юқори босқичи гўзал хулқдир.

Сўзинг тўғри бўлса ҳам жоҳил, нодонларга сукут билан қарши туриш ҳикматга мувофиқдир.... «Сукут нодонга жавобдир», дсб бежиз айтмаганлар.

* * *

Инсоннинг энг зўр ёрдамчиси ўзининг ақлидир.

Ҳаётда гўзаллик, қувват ва саодатнинг манбаи соддаликдир.

Сукут — саломатликни, яхшилик — иззат ва обрўни, сахийлик — улуғликни келтиради.

Байт:

Молу мулкинг мартабангдир беқарор,

Яхшилик қилгилки қолсин ёдигор.

* * *

Ўзинг ҳимматли бўл, ота-бобонг ҳимматини сўзлаб, мағрурланма. Ўзига душман бўлган жоҳилнинг бошқаларга дўст бўлиши маҳол.

Байт:

Ризқ топмоқда чумолидек ўзингни ишчан бил,

Пашшадек хониш қилиб ҳар суфрадан қувланмағил.

* * *

Ёш йигит икки қувватнинг - ақл ва нафснинг таъсири остида бўлади. Ақл таъсири ғолиб

бўлса йигит ҳар турли қийинчиликларни енгиб чиқади, роҳат ва фароғатга эришади. Нафс таъсири кучли бўлса йигит фалокат ва ҳалокатга дуч келади.

* * *

Ҳақиқий олим ўзининг илми билан мақтанмайди, чунки у ўзидан ҳам зўр олим ва фозил борлигини билади.

* * *

Кексаларнинг танлари кучсизланади-ю, аммо уларнинг кўнгиллари яна ҳам узоқ умр кўришда, молу дунёни севишда ёшлардан кўра кучлироқ бўлади.

* * *

Ўзига шараф ва иззат тилаган киши бошқаларга ҳақорат кўзи билан қарамайди, мутакаббир ва мағрур бўлмайди.

* * *

Оёғингиз югурса мақсадингизга еткизади, тилингиз югурса бошингизга фалокат келтиради.

* * *

Донишмандларнинг тажрибадан ўтказган тўрт ҳикмати бор:

1. Қувват ва тоқатингиз етмаган ишга киришиб ўзингизга заҳмат ва машаққат орттирманг.
2. Ўзингизга ва бошқаларга манфаат еткизмайдиган иш билан машғул бўлиб умрингизни зое ўтказманг.

3. Икки юзли, мунофиқларнинг сўзларига алданманг.
4. Молу дунёнгиз ва мартабангиз билан ғурурланманг.

* * *

Халқнинг муҳаббатини молу дунёнгиз билан эмас, одобу хушмуомалангиз билан қозонасиз.

Қаҳр-ғазабини енгган киши келгуси истироҳатини таъмин этади.

Ҳақиқатга, яхшиликка ва гўзалликка муҳаббат ижтимоий вазифамиздир.

Одамнинг энг ширин, лаззатли ва ҳалол таоми ўз меҳнати, қўл кучи билан топган ризқидир.

Инсон қўлга киритган ўлжаларидан энг хайрлиси самимий дўстликдир.

Дўст ўз дўстини зиёрат қилиши кўп иллатларга даводир.

Ҳамма ватандошларнинг бир-бирлари билан дўстона муносабатлари ватаннинг тараққиётига сабабчи бўлади.

* * *

Уч нарса дўстликни мустаҳкамлайди: дўстларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари, самимий суҳбатлашишлари ва биргалашиб сайру саёҳат қилишлари.

Байналмилал тарбия миллатлар орасига дўстлик уруғини сочади, ватандошларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатларини оширади.

* * *

Жамият буюрган бир ишни тўла-тўкис бажаришга ваъда бердингизми, албатта бажаринг.

* * *

Инсоннинг одобли бўлиши олтинга эга бўлишидан кўра хайрлидир.

* * *

Ёмон кишидан озор топган киши уч ҳолатнинг бирида бўлади:

1. Ёмонлик қилган кишига яхшилик қилади, бу эса пок қалбли, олижаноб одамлар ишидир.
2. Озор берган кишига яхшилик қилмаса ҳам, унга ёмонлик соғинмайди, бу раҳмдил яхши одамлар иши.
3. Ёмонлик қилган кишига ёмонлик қилади, бу ярамас одамлар қилмишидир.

* * *

Кўшнинг шод бўлса, сен ҳам шод бўл, ғамгин бўлса — ғамгин бўл.

* * *

Ибодатларнинг энг мақбули одамларга яхшилик қилишдир.

* * *

Севмак бир саодат, душманлик бир азобдир.

* * *

Олий қалб эгаси бўлмаган одам дунё роҳатини ҳам, машаққатини ҳам кўтара олмайди.

* * *

Хаёт лаззати ва баракати эзгуликни касб қилганларгагина маълум.

* * *

Одам номуси ва иззат-нафсига тўқинадиган муомалада бўлмаслик лозим. Алишер Навоий айтади:

Кимки фалак сори отар тошини,
Тош ила озурда этур бошини!

* * *

Кулар юзли, ширин сўзли бўлиш бир эҳсондир.

* * *

Ҳикмат — пул, мол топишда эмас, уни тута билишдадир.

* * *

Инсоннинг энг гўзал, энг тўғри ва энг жиддий меъёри ҳаё ва одобидир.

* * *

Бошқа одамларнинг сирини сенга айтгувчидан сақлан, чунки у сенинг сирингни ҳам бошқаларга айтиб беради.

* * *

Молу дунё кўплиги бойлик эмас, кўнгил тўқлиги бойликдир.

* * *

Хулқ-атвори бузуқ одамдан ҳатто ўз оиласи ҳам беади.

* * *

Энг зое кетган вақт қайғуриш онларидир.

Ахлоқ гўзаллиги донгдор насл-насабга эга бўлишдан юқори туради.

* * *

Таъмакор одамнинг юзига иззат ва ҳурмат, саодат эшиклари берк.

* * *

Машаққатсиз келган роҳат, тузсиз ошга ўхшайди.

* * *

Икки иш қўймас бани одамда даҳр ичра мажол,
Бир таассуф ўтган ишга, бир дағи амри маҳол.

* * *

Одам эрсанг кўп таассуф ема ўтган иш учун,
Демагил ортиқча сўзни, чекмагил ундан малол.

* * *

Ҳаммадан кўра кўпроқ ўз дўстларингнинг келтирадиган зарарларидан қўрқ, чунки улар сенинг кучсиз нуқталарингни биладилар.

* * *

Мақсад ва маром инсоннинг энг буюк қувватидир.

* * *

Тўғрилиқ — одамдан берган сўзида туришини талаб қилади.

Байт:

Аҳдинг белига ургил албат вафодан қўл,
Жаҳд айлагил зинҳор аҳдинг уза маҳкам бўл.

* * *

Беминнат қилинган эзгулик энг мақбул ва гўзал эзгуликдир.

* * *

Қайси сўз гар содир ўлса бемахал,
Етгай ундан обрў шаънингга халал.

* * *

Фазилат бизларни саодатга етказувчи бирдан бир восита.

* * *

Виждон яхшилиқни ёмонликдан ажратувчи қозидир.

* * *

Умид жасоратли одамларда бўлади.

* * *

Ёмонлик қилган кишидан ўч олиш қўлдан келса ҳам, унинг қилган ёмонлигини кечириш
эзгу хулқларнинг кўркамоғидир.

* * *

Бахт кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб билинадиган нарса эмас, фақат атрофиндагиларга
қараб ўз бахт-саодатингни кўра оласан.

* * *

Бўлмагил ҳаргиз ёмоннинг ўртоғи,
Йўқ эса тушгай бошингга ғам тоғи.

* * *

Илм мулойимлик билан камолатга эришади.

* * *

Инсоннинг саломатлиги ўн нарса билан бўлса, тўққизи сукут этишда.

Байт:

Кўнглингга ёмон сўз етишган чоғда,

Хомуш бўл, нега ким қолмайсан доғда.

* * *

Бир оқил кишининг сўzlари ёмонлар орасида инобатга олинмаса, таажжубланма, чунки танбурнинг овози карнай овози ғалабаси билан эшитилмай-ди, мушқу анбар хиди саримсоқ ҳидидан ожиз қолади.

* * *

Номус — инсоннинг энг зўр бойлиги.

* * *

Саховат улуғлик келтиради.

Байт:

Сахийликни оқил айлар ихтиёр,

Саховатдан ул бўлгуси бахтиёр.

* * *

Алишер Навоий айтади:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,

Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

* * *

Захириддин Муҳаммад Бобур айтади:

Хулқунгни рост қилғил ҳар сориғаки борсанг,

Аҳсанта дер бори эл гар яхши от чиқарсанг.

ИЗОҲЛАР

Аббосия Сулоласи — Абу Муслим қўзғолони туфайли вужудга келган араб халифалари сулоласи. Дастлабки пойтахти Куфа бўлган, сўнгра Бағдодга кўчирилган. Аббосийлар хукмронлигининг дастлабки даврида илм-фан равнақ топиб, табиий фанларга оид асарлар юнон тилидан араб тилига таржима қилинади. Айниқса, Ҳорун ар-Рашид (786—809) ва унинг ўғли Маъмун (813—833) замони Аббосийлар даврининг гуллаган даврига тўғри келади

Абдулла Авлоний (1878—1934)—ўзбек олими, шоир, драматург ва жамоат арбоби, проф. (1930). У тўқувчи оиласида туғилган. Абдулла Авлоний Ҳижрон, Набил, Индамас, Шухрат каби тахаллуслар билан танқидий, илмий мақолалар ва шеърлар ёзган.

Абул Ало ал-Маорий (973—1057)— улуғ араб шоири ва мутафаккири. Унинг ижодиёти Яқин Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий фикрининг ривожланишига жуда катта таъсир этди

Абулқосим Фирдавсий — машҳур «Шоҳнома» эпик асарининг муаллифи 934—936 йиллар орасида Туснинг бир қишлоғида туғилган. Фирдавсий 40 ёшга қадар илм таҳсили билан шуғулланиб, шундан сўнг «Шоҳнома»ни 30 йил давомида ёзиб тамомлаган. Унинг ҳажми юз минг мисрадан ортиқдир. Фирдавсий Тус шаҳрида 1020—1026 йиллар орасида вафот этган

Абу Мансур ас-Саолибий (961 —1038) нишопурлик йирик олим ва адиб. Саолибийнинг ҳаёти қисман Хоразмда ва Бухоро шаҳрида ўтган. Асарларида Ўрта Осиё ҳаётини ҳам акс эттирган. Унинг «Йатимат ад-дахр фимаҳосин аҳл ал-аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси») номли тазкираси ягона манбаъ вазифасини ўтаб келмоқда. Бу асар И. Абдуллаев томонидан нашр этилган.

Абунувос (762—815)—арабнавис шоир. Ёшлиги Басрада ўтган. Унинг шеърларида динга қарши ёзилган мисралар бор. Унинг 12 минг байтдан иборат девони Миср ва Байрутда нашр этилган.

Алишер Навоий (1441—1501)—ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, буюк олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг мислсиз сиймоларидан бири.

Анушервон — эрамизнинг VI асрида Эронда сосонийлар давлати тарихига киритилган «Адолат соҳиби» фахрий унвонига сазовор бўлган шоҳ (531—579). Бу унвон Анушервонга бошқа подшоларга қараганда адолатпарвар, халқпарвар ва бошқа инсоний фазилатлар билан ажралганлиги учун эмас, балки Маздак раҳбарлигидаги қўзғолонни даҳшат ва қонли равишда бостирганлиги учун сомоний Эрони сиёсий ҳаётида муҳим мавқеъга эга бўлган зардуштий руҳоний раҳбарлари томонидан берилган. Лекин Анушервоннинг бир томондан илм, фан, адабиёт ва маданият тараққиёти ҳомийси бўлганлиги туфайли, унинг бу соҳадаги ижобий фазилатлари халқ оғзаки ижодида турли қахрамон образлари орқали эъзозланиб келинган. Адабиётлардан унинг фармони билан юнон ва ҳинд тилларидан табиий фанларга доир илмий ва бадиий ижодга оид ҳикматомуз тарбиявий аҳамиятга молик асарлар таржима қилинганлиги маълум

Арасту (Аристотель, мил. ав. 384—322)— қадимги юнон фалсафаси ва фани тараққиётида янги давр яратган буюк мутафаккир.

Афлотун (Платон, мил. ав. 427—347)— қадимги юнон идеалист файласуфи, объектив идеализм асосчиси.

Батлимус (Птоломей Клавдий, тахм. 170 йилда вафот этган)—қадимги юнон олими. У «Альмагест» ва «Сурат ул-арз» номли машҳур асарлар муаллифи.

Бахлул — ҳозиржавоблиги билан ном чиқарган қаландар.

Баҳром Гўр — сосонийлар Эрони сулоласидан подшоҳ Варахран V (421—438). Низомий, Навоий ҳамда бошқа классик шоирлар асарларининг бош қахрамонларидан.

Боту (тахаллуси)—Маҳмуд Ҳодиев (1904—1940)—ўзбек шоири, журналисти ва жамоат арбоби.

Бузуржмехр — V аср охири ва VI аср бошларида яшаган қадимги Эрон донишманди, Шох Хусрав-1—Анушервоннинг вазири. «Зафарнома»нинг муаллифи.

Букрот (Гиппократ, мил. ав. 460—375)— қадимги юнон табиби, илмий медицинанинг асосчиларидан бири. Медицинадан маълумотни отаси Гераклитдан олган. Гиппократни «медицинанинг отаси» деб аташади.

Довуд — мил. ав. 10—асрда Исроил ва Иудеяни бирлаштириб, ягона яҳудий давлати тузган подшо. Довуд ва ундан кейин ҳукмронлик қилган ўғли Сулаймон тарихий шахслардир. Кейинчалик ривоятларда пайғамбар деб эътиқод қилинади.

Жалолиддин Румий (1207—1273)—Ўрта Осиёлик буюк шоир, олим. Форс, араб, туркий тилларда ижод қилган. Унинг «Маснавий Румий» асари Алишер Навоий тили билан айтганда, «қойили маснавий маънавий, ғавоси бахри яқин»лиги билан ажралиб туради.

Жолинус (Гален Кладдий, тахминан 131—201)—қадимги рим врач, табиатшуноси, антик медицинанинг буюк намояндаларидан. Шарқда Жолинус ҳаким номи билан шуҳрат қозонган.

Жомий (1414—1492)— форс-тожик адабиётининг йирик вакили. Навоийнинг яқин дўсти ва улуғ устозидир. Икковлари бир даврда бир шаҳарда яшаб, бирликда, бамаслаҳат ижод қилганлар.

Жомосиб — афсонавий эрон донишманди ва астрологи, «Жомосипнома» асари унга нисбат берилади. Гўё у бу асарида келажакдаги воқеаларни оддиндан кўра билган эмиш.

Захириддин Муҳаммад Бобур — ўзбек адабиётининг йирик вакили. (1433—1530). Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласига асос солган давлат арбоби. Уни бутун жаҳонга танитган «Бобурнома» ва бошқа илмий асарлар авторидир.

Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский, мил. ав. 356—323)— буюк саркарда. Болқон ярим оролидаги кучли кулдорлик монархи — Македониянинг подшоси.

Луқмон — шарқда Луқмони ҳаким номи билан машҳур бўлган донишманд. Айрим олимлар унинг ҳаёти ва ижодини милoddан аввал VI асрда яшаган юнон масалчиси Эзоп билан боғлайдилар.

Маъмун Халифа — IX асрда Бағдодда ҳукмронлик қилган араб халифаларидан Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли. Бунинг даврида араб маданияти анча юксалган.

Машраб Бобораҳим (1657—1711)—ўзбек шоири ва мутафаккири. Машрабнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар шоир вафотидан кейин ярим ҳақиқат, ярим афсонадан иборат маноқиб ва қисса шаклидаги «Девонаи Машраб» китоби орқали бизга етиб келган. Мазкур китоб шоир ҳақидаги знг муҳим манбаъ ҳисобланади.

Мутаваккил — Аббосий халифаларидан (861—862). Мустансир ибн Мутаваккил отасини ўлдириб тахтни эгаллаган, лекин олти ойдан кейин ўзи ҳам ўлган.

Мутанаббий (915—965)—машҳур қасиданавис араб шоири Абу ат-Таййиб.

Муҳаммад Ворис (туғилган ва ўлган йили номаълум)—тарихчи олим ва адиб. Аврангзеб салтанати даврида яшаган. Форс тилида «Шох Жаҳоннома» ва «Зубдат ул-ҳикоёт» номли асарлар ёзган.

Муҳаммад ибн Аҳмад (IX аср)— астроном. 865—866 йилларда Самарқандда астрономик кузатишлар олиб борган.

Насириддин Тусий — машҳур файласуф, астроном ва илоҳиёт олими (1273 йили вафот этган).

Низомий Ганжавий (1141 —1209)—улуғ озарбайжон шоири, асарларини форс тилида ижод этган. Шарқнинг улуғ шоирлари қаторидан жой олган. «Хамсачиликни биринчи бўлиб бошлаб берган. Унинг гуманистик ғоялари ундан кейинги кўп шоирлар ижодида давом эттирилади.

Сабуктакин Абу Мансур Носириддин (туғилган йили номаълум —997)— Ғазнавийлар сулоласи асосчиси, Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси.

Саъдий — классик форс-тожик шоири ва файласуфи. Ўзининг «Гулистон» ва «Бўстон»

номли асарлари билан бутун дунёда шухрат қозонган. Шу билан бирга лирик ғазалнависликда ҳам устоздир. 1208 йили туғилиб, тахминан 1292 йили вафот этган.

Султон Маҳмуд Ғазнавий — Хуросон, ҳозирги Афғонистон ва Ҳиндистоннинг шимолий қисмида ҳукмронлик қилган ғазнавийлар (977—1186) сулоласидан учинчи ҳукмдор (998—1030).

Сукрот (Сократ, мил. ав. 470 (469)—399)— қадимги юнон философи Софистларга қарши курашишни ва ёшларни тарбиялашни тарғиб қилган.

Умавия Сулоласи — Абубакр, Умар, Усмон ва Алидан кейин араб халифалигини идора қилган сулола (661—750).

Умар — умавия сулоласининг халифаларидан.

Фаридуддин Аттор — «Илоҳийнома», «Асрорнома», «Булбулнома», «Мантиқ ут-тайр», «Тазкират ул-авлиё» каби асарлари билан машҳур бўлган мутасаввуф шоир (1229 йил атрофида вафот этган)

Шайх Шиблий Нуъмоний (1857—1914)—ҳинд маърифатпарвар олими. У ўрта аср диний фалсафаси айрим намояндаларининг дунёқарабини таҳлил қилиб, бир қанча фалсафий асарлар («Ал Маъмун», «Илм ул-Калом», «Ал-Ғаззолий», «Хатлар ва мақолалар» тўплами ва б.) яратган.

Юсуф Хос Ҳожиб (тахм. 1019-21 —вафот этган йили номаълум)—туркийгўй адиб, олим ва мутафаккир. «Қутадғу билиг» фалсафий-дидактик достонининг муаллифи.

Ҳажжож Ибн Юсуф — араб лашкарбошиларида, Ироқ ҳокими, 661—714 йилларда яшаган. Форс адабиётида у золим образида намоён бўлади. Аммо шу билан бирга у фасоҳатли сўз қадрига етган.

Ҳорун ар-Рашид (786—809)—араб халифаси. Унинг даврида хинд, эрон, грек тилларидан медицина, математика, астрономия, мантиқ ва бошқа фанларга оид китоблар таржима қилинган.

Ҳофиз Шерозий — атоқли форс-тожик шоири, 1320—1325 йиллар орасида туғилиб 1389 йили вафот этган.

Ҳувайдо — ўзбек адабиётининг вакили. Асл номи Хўжаназар Ғойибназар ўғлидир. У Фарғона водийсидаги Чимёнда дунёга келган. 1780 йилда вафот этган. Ҳувайдо дунёқараши кўп жиҳатдан жуда мураккаб ва зиддиятлидир.

Ҳусайн воиз Кошифий (1504 йилда вафот этгон)—машҳур шоир ва олим Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротда воизлик қилган. «Даҳ мажлис», «Ахлоқи муҳсиний», «Маҳзанул иншо» каби асарлари мавжуд.

Ҳушанг — Сиёмак ўғли, Қаямарснинг набираси ва тахт вориси. Пишдодийлар сулоласига асос солган подшо. Девлар билан курашиб, адолат ўрната бошлаган, оловни кашф этиб, темирчилик ҳунарини бошлаб берган, 40 йил подшолик қилган.